

**ҲАБИБ СИДДИҚ**

**БЕДАВО  
ДАРДНИНГ ДАВОСИ**

*Ҳикоялар, ҳајсиялар, ҳанғомалар*

**Тошкент**  
**«Янги аср авлоди»**  
**2004**

84(59)6-7


Ҳажиеви ёзувчи ва таржимон Ҳабиб Сиддиқнинг номи кулги ихлос-  
манделарига яхши ташниш. Ушбу тўпламга адабнинг турли ийларда ёзил-  
ган ҳикоя, ҳажсия ва ҳангомаларидан намуналар киритилди.

Тўпламдаги асарларда ёзувчи сунъий ҳолатлар яратишга, зўрма-зўра-  
ки ифодалар тузишга, ўқувчини «қиттиҳаб» кулдиришига интилмайди,  
балки биз кундалик ҳайтимизда дуч келадиган, кўпинча эътибор ҳам  
бермайдиган оддий якъе ва ҳодисалардан эзгулик ва тубанликнинг ил-  
дизларини топишга ҳаракат қиласди. Ҳажсанан кичик асарларига ҳам эл-  
корли ижтимоий юк бериб ўқувчини беихтиёр жислмайтирадиган ку-  
тилмаган ечимлар топади. Равон тил, қисқа, лўнда ҳалқона иборалар  
 билан нишонга аниқ уради.

Тўплам нозиктаъб кулги ихлосманделарига манзур бўлади, деган умид-  
дамиз.

Тақризчи ва кириш сўз муаллифи Саъдулла СИЕЕВ

H0 30891  
291



ISBN 5-633-01622-X

© Ҳабиб Сиддиқ. «Бедаво дарднинг давоси»  
«Янги аср авлоди» 2004 йил.

## ДОВОН ОШАЁТГАН АДИБ

Бобур Мирзо Андижон ҳақида гапириб, «Лафзи қалам била ростандир», — дейди. Беш асрдирки, бу таъриф ўз кучида турибди. Андижон аҳли Ҳошимжон Рассоқ, Восит Саъдулла, Боқир, Улфат, Рустам Раҳмон, Тўхташ Ашурев сингари адилари билан ҳақли равишда фахрланади. Бугун ҳам Андижон шонаини олисларга элтаётган қалам соҳиблари бор. Ана шундай кулдириб ёзувчи тиниб-тиңчимаслардан бири Ҳабиб Сиддиқ бўлади.

Ҳабиб Сиддиқ асли илм кишиси... эди. Олий мактабда сабок берарди. Олим бўлиши шиқида Отабекка ўхшаб Андижон-Тошкент орасида қатнаб юриб ... ёзувчи бўлиб кетди. Мен уни ўша «Отабеклик» паштидан биламан. Шунга ҳам салкам йигирма йил бўлибди! Мана энди Ҳабибининг бешта китоби босмадан чиқди. Кўпчилиги ҳажсиялар, мутойиба, қизик ҳангомалар. Андижонлик марҳум ёзувчи Тўхташ Ашурев айтганидек, Ҳабибининг ҳангомаларини ўқиганда кулгидан елканғиз силқиниб-силқиниб кетади. Билагон дўхтирларнинг гувоҳлик бершиича, одам мириқиб силқиниб кулганда ичидаги дарду губори тўқилиб, руҳан тозарив қолармиш.

Қўлимда Ҳабиб Сиддиқнинг навбатдаги китоби, тўғрироги, қўллээмаси. Қани, кейинги йилларда у сатира-юмор жабхасида не янги гап айти олди экан, деб қўллэзманни варақлаб чиқдим. Гапнинг очиги, бир ўқувчи сифатида руҳим ёришиди, бир неча соат бўлсада, дунё ташвишларини унутиб ўзга оламда кезгандек бўлдим. Ёзувчи ўз хаёлоти, қаламишининг кучи билан мени мувозанатдан чиқарди. Демак, у ижодкор сифатида ўз муддаосига етди.

Юқорида айтганимдек, Ҳабиб Сиддиқ олий мактаб домласи, олим. Бинобарин, Ҳабиб учун адабиёт — кўнгил иши. Ҳалқ дардини айтиб оладиган минбар. Инсон боласининг томирида кезиб юрган шайтони лаъинга отилган тош. Эл оғзида лутф борки, беморни табиб эмас, ҳабиб тузатади, дейдилар. Яъни, дардининг давоси дўстдан дейилмоқчи. Бу ҳикматининг ҳажсевичи ёзувчи Ҳабиб

*Сиддиққа алоқаси бор, деб ўйтайман. Ҳабиб Сиддиқ турлы хил дард теккан совуқ нусхаларни инсофга келтирмоқчи бўлиб йигирма ишлдан бери қалам суради. Аччиқ-чучук нарсаларини элга манзур қиласат, деб юриб элликка кирганини ҳам билмай қолибди. Уйдагилар, ёр-дўстлар эслатмаса, тўй ошини ҳам насяга чиқариб, дошқозонининг қопқоги ётиклигича қолиб кетиши тайин экан. Э, хайрият!..*

*Эллик — беллик ёш, дейдилар. Мен Ҳабиб укамга бундан кейин ҳам «оғримай тишлаб», кулмай кулдириб, димогларни чог, кўнгилларни тоз этиб юришини тилайман.*

*Саъдулла СИЁЕВ*

## ГАРОВ

Мамадали aka дәхқон бозорида куни билан сабзи сотди. Байрам арағаси змасми, одам ҳам тиқилиб кетди-да ўзи. Далада бақириб-чақириб, ҳазил-мутойиба қилиб юрган одам растада сал зерикиброқ қолди. Аслида-ку, шағар ҳам унга бегона змас, гурунглашадиган үлфатлари ҳам, ҳазилкашлари ҳам кўп. Аммо ёз бўйи бир томони даладаги ишлардан бўшамай, иккинчидан йўлкиранинг фалон пуллиги сабабли бу томонларда камнамо, камкўриниш бўлди. Бугун эса... атрофда дәхқонлардан кўра бозорниң «кунда-шунд»лари кўпроқ, турфа хил одам билан муомала қилди: «Ишқилиб дәхқондан норози бўлишмасинда,— дерди ўзича.— Ҳарқалай худонинг бергани-ку, баракасиниям ўзи берсин».

Шундай қилиб, бутун кунни сало-сипода ўтказди. Аммо оқшомда яна «шайтон»лиги тутди. Аслида ўzlари гап очишмаса, бурнини суқмаган бўларди, лекин...

Оқшомда ҳориб карвонсаройга кириб борди. Ёлғиз ўзи бир чеккага чўкаётган эди.

— Бу ёққа келақолинг, aka,— деб қолди кимдир.

Қараса, сал нарида тўрт үлфат давра қуришган, истаб истамай уларниң ёнига ўтирди. Бир пиёла чой узатишди, ҳол-аҳвол сўраган бўлишди.

— Ош қиляпмиз, бизга шерик бўлмайсизми? — сўраб қолди бири.

— Қандай бўларкин...

— Масаллиқларни тайёрлаб кўйдик. Барibir, тўртталамизга кўплик қилади. Беш киши бўлсак исроф бўлмайди, сарфи ҳам енгилроқдан тушади — бозоримиз ҳам касодроқ бўлиб турибдида. Биз ҳам ҳар жойдан келганимиз, шу ерда танишиб қолдик.

— Ошхонанинг овқатлари ошқозонга юқ бўлмайди, бир қозон қайнатайлик, дедик-да.

— Яхши, қанча гуруч соляпсизлар?

— Бир кило гуруч, шунча гўшт.

«Мамадали шайтон» бирдан кулиб юборди. У тўхтаб-тўхтаб, силкиниб-силкиниб куларди.

— Ие, у ошингизни бир ўзим еб қўяман -ку!..

- Күйсамгизчи, ака, — деди уни нимага қулаشتанлығини англаган йигит сал раңжигандай.
- Бундай ошни беш киши еб тугатволсак ҳам катта гап.
- Э, ука, бир кило гуручнияг оши нима бўни, битта йигит «кўрдим» демай еб қўяди-да.
- Унда гаров ўйнай қолайлик, — деди битта ҳазилкашроги, — ошни пиширамиз, еб тугатворолсангиз, биз қылган ҳаражатимизга розимиз, минг марта. Агар европомасангиз, бизга худди шундай ош қилиб берасиз. Фақат униси бир жуфт бўйни узун «йўл очқичи» билан бўлади.

Кўл ташлашишди, йигитлар ошга уннаб кешишди, ҳаш-паш дегунча дастурхонга паловхонгуро олиб келиб қўйилди.

Мамадали тўрт бош пиёзни майдалаб тўғраб ошга қўшиб астойдил ола бошлиди. Тўрт жуфт кўз унга тикилган. Лагандаги ош енгиллаган сари бу кўзлар олайиб борарди. Мамадали ўзиям яна бир ошнинг ҳаражатига ҳам минг бор рози бўлворди, ичиди, аммо эр киши сўзининг устидан чиқолмалти-да, деган гапдан орқилди. Айтилган гап — отилган ўқ экан. Уни қайтариб бўлмайди, айниқса, мана бундай давраларда.

Шунинг учун ҳам Мамадали нафасини қаттиқ олди, ошни охиригача еб лагангага чой қўйиб ичиб юборди.

Баҳсни бир ёқлиқ қилишгунча ярим тун бўлиб кетди. Бечора меҳмонлар егани нон-пон ҳам олиб қўйишмаган экан, сулайиб қолишиди.

Қалтирашиб бозорда топишган тўрт улфат, уларнинг ёнига Мамадали чўзилди.

Отаси ўлганнинг уйқуси келади, қорни очнинг уйқуси келмайди, деганлари тўғри экан. Улфатлар ўёққа ағдарилишди, буёққа ағдарилишди, мижожа қоқишишмади.

Бир ёнда қорни мещдай шишиб кетган Мамадали ҳам ҳали уён, ҳали бу ён ағдарилади.

Бир маҳал йигитларнинг бири Мамадалини туртди.

— Ака, нима бўляпти?

— Ухлолмаяпман.

— Дўхтир-пўхтир чақирайликими?

— Йўқ-йўқ, хижолат бўлманглар, — деди сир бермай Мамадали. Яна қувилиги тутиб қўшиб қўйди: — Қорним яхши тўйманда шунаقا бўлади. Ҳозир иккита иссиқ нон бўлганда бир писла қаймогу бир чойнак чой билан еб олсан ухлаб қолардим.

Улфатлар ётган жойларида аламли жилмайдилар.

...Эрталаб Мамадали улфатларига юзланди.

— Кечқурун ҳазил-ҳазил билан бир иш қип қўйдиг-у, а? Энди нонуштани бирга қиласиз.

Меҳмонлар зътироz билдиришгандай бўлишиди.

— Йўқ, унақаси кетмайди. Сизлар мени кечки овқатга таклиф қилдинглар, мен сизларни нонуштага таклиф қилаяпман, холос... Бизда меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам фарз, ҳам қарз, қани юринглар.

У меҳмонларни «Оталар чойхонасига» олиб келиб, тўрдаги чорпояга ўтиқазди. Ўзи бориб новвойга пул бериб қулогига алланималарни шивирлади. Кейин қаймоқ сотаётган аёлга, кабобпазга ҳам учраб нималарнидир уқтириди. Чойхоначини бир имлаган эди, дарров ўнта чойнақда чой келтирди.

— Сизлар буни ичиб туинглар, мен қайноқ-қайноқ дамлаб келавераман.

Новвой дастурхонга йигирмата нон олиб келди.

— Қани, ёб туинглар, мен иссиқ-иссиқ узиб олиб келавераман.

Ўшандай деб энди бурилган эди, патнис тўла пиёлада қаймоқ олиб келаётган болага урилиб кетишига сал қолди.

— Олиб туинглар, ҳозир яна янгисини олиб келади,— деди қаймоқ сотаётган аёлнинг боласи патнисни бўшатаётби.

Дастурхонда лаганда гумбаздек буғи чиқиб кабоб пайдо бўлди.

— Манави қирқтани ёб туинглар, қолганини ҳозир қўйвораман.

...Орадан сал фурсат ўтиб, меҳмонлар энди бир жуфтдан кабоб ёб туришганди.

Мамадалининг овози жаранглади:

— Ҳов, кабобпаз бола, меҳмонлар шошилишялти экан, қолган олтмиштасини тушликка берарсан...

Бирдан нариги чорпоядагилар кулиб юборишиди.

— Ҳа, шайтон,— деди ўша ерда ўтирган басавлат мўйловли киши кулиб,— яна бир нарсани бошлабсан-да...

Кўпчиликнинг зътибори шу ёққа бурилди. Атрофда висир-висир гаплар, одамларнинг кулгилари эшишила бошлиди.

Улфатлар эса кечқурунги ҳамтовоқларини ўзлари учун қайтадан кашф қилгандай жилмайиб ўринларидан қўзғалишиди.

## ҮН УЧИНЧИ ЖАБХА

ёхуд «күичик араса» нинең ҳикояси

Бошлиғимизни трестда роса дүппослашибди. Қурилиш бошқармамизды объектлар сони күпайиб кетганиши, маблағлар да ишчи күчлари сочиб юборилган змиш. Яна механизмлар да техника воситаларидан самараали фойдаланилмаяпти, объектлар ўзақтида фойдаланишга топширилмаяпти, дейишибди.

Бошлиқ ҳам мажлисдан олган «Энергия»сииң ҳаммамизга бўлиб берди. Шошилинч тадбирлар белгиланди. Ҳақиқатда ҳам объектлар сони күпайиб кетган экан, икки баравар қисқартирилиб йигирма тўрттадан ўн иккитага келтирилди. Ишлар бир нави йўлга тушгандек эди. Бир куни бошлиқ йўқлаб қолдилар. Кирсанм ўзлари, аллақандай лойиҳага тикилиб ўтирган эканлар. Салом-алиқдан сўнг ҳол-аҳвол сўраган бўлди, «Чекинг», деб «Родопи»дан узатди ва ўзи ҳам ҳузур қилиб тутатди.

— Янги объект очсан, — деди бир пайт кулиб.

— Йўғ-е, — дедиму, бошлиғимизнинг гап қайтарганларни ёқтираслиги эсимга тушиб дарров хаёлимни йифиб олдим. — Сиз нима десангиз шу-да, хўжайн.

— Буниси бошқача объект бўладида, — деди у илжайиб. Ҳеч нарсага тушунмасамда мен ҳам тиржайдим.

— Кичкинагина участка қуришни ният қилдик.

— Жуда яхшида.

— Иккаламизга бир жойдан қурсак дегандим.

— Раҳмат-раҳмат, — дедим оғзимнинг таноби қочиб.

— Қурилиш объектларимиз қаторида амаллармиз-а. Қаёқдаги прорабу мастерлар ҳам данғиллама иморатларни битиришяпти. Сиз ҳам бир участканинг бошлиғисиз, кўнгилга яқин олиб сизни чақириргандим-да.

Мен нима ҳам дердим. Ишга ҳам шу кишининг орқаларидан келганиман. Мастер ёрдамчилигидан участка бошлиқлигигача қулоғимдан чўзиб олиб чиқсан ҳам ўзлари. Ҳозиргача унинг чизган чизигию, босган изидан юриб кам бўлганим йўқ. Шунинг учун ҳам яна бир бор қуллуқ қилиб, ҳузури муборакларидан чиқдим.

Шундай қилиб, қоғозга ёзилмайдиган ва имзо чекилмайдиган хуфия буйруқ билан «Ўн учинчи объект»даги қурилиш ишлари бўйича масъул бўлиб қолдим. Ёз палласи эмасми, жабҳаларда ҳам иш қизғин. Материаллар етишмайди, гоҳ транспорт йўқ, гоҳ

автокран керак бўлиб қолади. Ҳар оқшом йигиламиз, хўжайин ҳар бир жабҳа бўйича ҳисоб сўрайди, янги вазифаларни кўрсатади. Материаллар, транспорт воситалари ва механизмлар тақсимотиди бизни ҳам унутмайди.

— Акбарами нима сўраса, беринглар, — дейди ўринбосари ва бош инженерга, — чунки, у болалар боғчасини қуряпти. Болалар келажагимиз, ахир!..

Йигилиш тугаб одамлар тарқалишгач, «бопладимми» дегандай кўз қисиб қўйиб, ўдағайлайди:

— Бу жа-а резинкадек чўзаверманг-да энди, «ўн учинчи объект» ни тезроқ битказайлик. Қишлоғимиз болалари анави дала шийпонидаги вақтингча боғчаларда ҳам катта бўлишаверади.

Бошлиғимизнинг қўйнидан тўкилса, қўнжига деб шунчалик мурувват кўрсатиб турганидан фойдаланиб, унинг саккиз хоналик мўъжазгина участкасининг ёнига ўзимизга беш хонали кичкинагина кулба солишини ҳам унуганимиз йўқ, албатта. Чунки, мана шу қурилиш бошқармамиздан хўжайнинг гоҳ билдириб, гоҳ билдирмай ундирган материаллар билан еттинчи синфда ўқиётган ўғлим учун уй қуриб қўйдим. Тўртингчидан ўқиётганига ўтган йили ўзимиз қурган ўттиз икки хонадонли уйдан битта уч хонадонлигини бир амаллаб тўғриладим. Энди кенжатойга ҳам бир макон керакда, оғайни. Бу йил биринчи синфга боради.

Ўзимизнинг қишлоқда деб шу ерга уриниб қўяқолдим. Хўжайнин ҳам ўғилларидан бирортасига мўлжаллаб қурдиряптилар-да, ҳозир ўзлари яшётган нақ саройдек уйларидан бошқа жойга кўчишларига ишониш қийин.

Жабҳа битиб «фойдаланишга топшириш» арафасида хўжайнин иккаламизни ҳаммаёғи ёпиқ, туйнукчаси панжарали машинада олиб кетишиди.

Гарчи ўзимиз сезмасак ҳам қадамимизни илгарироқдан ўлчаб юришган экан, ортиқча гап-сўсиз «сафаримиз муддати»ни белгилаб қўяқолишиди. Бошлиқнинг этагига ихлос билан маҳкам ёпишган эканман бу ёқларга ҳам бирга келдим. ... Яқинда уйдан хат олдим. Хўжайнин учун қурган участкамизга болалар боғчаси жойлашибди, қишлоғимиз болалари бир яйраб қолишибди-да. «Бизнинг уй нима бўлди?» — деб хат ёздим. «У ерда ҳашаротлар яшаяпти» деб жавоб қайтаришиди. «Қанақа ҳашаротлар?» деб ёздим. «Фойдали ҳашаротлар» деб ёзишиди. Ана шундай ёзишма-

лардан маълум бўлдик, уйимизга колхознинг биологик лабораторияси жойлашибди.

Яқинда бизни «очиқ»да юриб ишлашга чиқаришиди. Қурилишдамиз, мутахассислигимиз бўйича дегандай. Хўжайн иккаلامиз замбилда лой ташиймиз. Оддинда у, унинг изидан одатдаги-дек мен бораман.

— Мана, қоришма ташишга ҳам анча ўрганиб қолдиқ, — дейди хўжайн ҳансираганини сөздирмасликка уриниб, — қишлоққа соғ-омон қайтсак, мана шундай ўзимиз уриниб бир иморат со-лайлик...

— Ёнма-ён қилиб, — деб қўшиб қўяман қўлларимни қабариб кетган жойларини аста силаб туриб.

— Яқин кунларда гишт теришниям ўрганиб оламиз.

— Ҳа-а, бошга тушганини кўз кўрибди, деганлари шу эканда.

Хўжайн коржомасининг чўнтағидан «Астра» чиқарди, шошиб гугурт чақдим. Ўзимга ҳам туташтириб, эндиғина икки-уч тортган эдим, «бошлиқ»ни йўтал тутди, ижирғаниб сигаретини улоқтириди-да, имо қилиб қолди — «замбилни кўтардик». Одатдагидек хўжайн олдинда, мен унинг изидан қўлимиизда замбил билан қоришма тайёрланаётган яшик томон силжицик....

## ҚАЙТА ИШЛАШ

Энди тушликка чиқмоқчи бўлганимда эшик очилиб, унда пайдо бўлган кўзойнакли калла бир нафас менга тикилиб тўхтадида, кейин дадил ичкарига кирди.

— Э, шу ерда экансану, укам, — деди у йўқотган нарсасини топиб олган одамдай илжайиб.

Сал бўлмаса танимай қолай дебман, бу мактабимизда хўжалик мудири бўлиб ишлаган киши-ку. Исми фамилияси ёдимда йўқ. Истиқболига пешвоз чиқиб кўришдим, ўтиришга жой кўрсатдим.

У мендан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Гап орасида менинг ўқувчилик йилларим ҳақида гапирди. Мен унинг мақсадини билиш учун тикилиб ўтирардим.

— Энди, укам, асарларимдан олиб келувадим. Ма, бир кўриб газитингда бостирмасанг бўлмайди. Сенда не-не умидлар билан тилга ва адабиётга ҳавас уйғотганман... уйғотганмиз, укам...

Шунда эсимга тушди, бу одам бизга бир-икки марта адабиёт-дан дарсга ҳам кирганды — ўқитувчимиз қандайдыр сабаб билан келолмаганда.

- Майли, қолдириңг, — дедим.
- Тезроқ бостирасанми, ишқилиб?
- Күрамиз-да.

— Күрамиз-пұрамиз, демада унақа, сенға не умидлар билан таълим берғанмиз. Тұғрисини айт, чиқаrasанми-йўқми?

Мен бир илож қилиб уни кузатдым. Тушлик вақтнинг тугашига ҳам ўн беш минут вақт қопти, күча бўйидаги чала пишган серпиеz пирожкадан иккита еб олдим.

Кириб «домлам»нинг қўлләзмасини ўқишга тутиндим. Ҳикоя дейилган бу «асар»дан бирор мазмун тополмадим. Ҳаммасидан ҳам грамматик хатоларнинг кўплиги бошимни оғритиб юборди.

Кейин иш билан бўлиб кетиб бу нарсани бутунлай унудиб юбораёзгандим, бир куни домла яна келди.

- Бу нима қилганинг-а?
- Нима қилибман? — бирор ножӯя иш қилган боладай чўчиб тушдим.
- Нимага чиқазмаяпсан ё каттангга кириб гаплашайми?
- Энди, ўқиб чиқдим, — дедим чайналиб, — грамматик хатолар жуда кўп-ку, домла.

Собиқ завхоз жилмайди.

— Шунақами?.. О қизталоғей, жиянинг Ҳалим кўчирганди-да «белавой» га. Еттинчиди ўқисаям, хато ёзарканда. Ўқитувчилари билан бир гаплашиб қўйсам бўларкан? Ҳай, майли, арзимаган нарса экан-ку, уларни ўзинг тўғрилай қол, мен розиман.

— Шугина эмас-да, тилингиз ҳам чатоғроқ. Ҳали кўп ёзишингиз, машқ қилишингиз керакка ўхшайди, — дедим асарингизда маза-матра йўқ, дейишдан торгиниб.

— Э, нималар деяпсан, ота ўғил. Тилим бинойидай, кўп ёзинг деганинг нимаси? Ўттиз икки йилдан бери озмунча конспект ёздидим-ми?.. Тилдан, меҳнатдан, жуғрофиядан... хуллас, қайси фандан домла бўлмаса, ўринини босиб турғанман-а. Энди гапни чўзма, қачон чиқади?..

- Мен бир нарса деёлмайман.

Яна хабар олишини айтиб чиқиб кетади. Икки кун ўтгандан кейин яна келди. Мени ҳоли бўлади деб тушлик вақтида келибди.

Тушликка таклиф қылсам күнмади. «Аввал ишни бир ёқлик қиласылыш», деб. Бир соат гал билан қорнимни түйгазди.

Орадан икки-уч кун ўтказиб яна уч марта келди. Ҳар гал ту-шунтирмоқчи бұламану, мени гапиргани қўймай, «Тезлат занди, жа-а чўзвординг-да», дейди. Ҳар гал қўллэзмасини оламану охи-ригача ўқишига сабрим чидамай, тортмага солиб қўяман. Охири «Шуни бир нарса қылсам қутиламанми», дедиму, ундан бир оз-гина бўлса ҳам мазмун чиқаришга уриндим. Домла келувди, «Қайта ишляпман», дедим. Икки ойча уриниб охири газета юзи-ни кўрсатдим ўша «асар»га. Тўғриси, унча дуруст нарса бўлма-ди-ю, лекин... Унда домланинг қўллэзмасидан фақат бир нарса ўзгаришсиз қолган, бу — муалифнинг исми-фамилияси зди.

Ҳикоя чиқсан куннинг эртасига колхозга боришга тўғри кел-ди. Кечки пайт таҳририятга телефон қилиб, «Менга бирор гап йўқми?» деб сўрасам, «Сизни кеча ҳикояси чиқсан киши икки марта сўраб келди», дейишиди.

Уйга келишим билан :

— Вой, қаёқларда юрибсиз, дадаси, — деб қолди хотиним, — меҳмон келувди бирам хижолат бўлдим.

— Қанақа меҳмон?

— Сиззи мактабда тарбиялаган, типга қизиқтирган домлан-гиз экан. Шу уйга таклиф қилдим, күнмади, «Бошқа келамиз», деб бир нарса ташлаб кетувди...

Юрагим шув этиб кетди.

Ичкарига кирсам илгичда тўрхалта осиғлиқ турибди: тагида иккита ҳандалак, унинг устида анча уринган қофоз папка. Иста-майгина олдиму, очиб хатга кўзим тушди...

«Шокирвой, қайта ишлашга қўлинг кеп қопти, суйиндим, ба-ракалла. Яна икта хекейя береб қетдим, тезроқ чиқазивор, окаси.

Домуланг Адрашидоф»...

## «ТУЯ»

— Янги ходимимиз Раҳматилло Ҳикматов, — деди бошлиқ мени бўлимдагиларга таништириб. — Институтни тугатиб, на-правление билан ишга келган.

— Қўшоқвой ака — бўлимимизнинг оқсоқоли, менинг ўринбоса-рим, — деди кейин менга бир тепакал кўзойнакли книшини кўрсатиб,

— қыладиган ишларингни шу киши тушунтиради. Тажрибали инженер, заслуғалари жа-а катта. Студентлигингда профессорларингдан ўрганолмаганингни мана шу, Қўшоқвой академик ўрганасан.

Сув қўйгандек жим бўлиб турган хонада, бошлиқ чиқиб кетгач, жонланиш бошланди. Кимдир Қўшоқвой акага қараб маъноли йўталиб кўйди.

— Хайрят-э, шугина гап экан. Яна бақириқ-чақириқ бошландими, деб юракни ҳовучлаб турувдик.

— Жа-а унақамас-да, энди. Ҳалиги... нимани бори яхши деганлар.

— Мақтовни ҳам жа келиштирвордию, Қўшоқвой ака. Ичингиздан пишган одамсиз, янтоқ-пантокдан қарашвордингизми, дейманда-а?

— Шогирдингиз ҳам ўзингиздай ювош кўринади.

— Намунча сайдинглар-а? Нотавон кўнгилга қўтирижомашов дегандай, ё сенларнинг кўнглинг ҳам янтоқ тираб қолдими? Раҳматуллога келсак, менга ўхшаса-ўхшабди-да.

— Шошмангда, энди, Қўшоқвой ака, — деди бурчақдаги столда микрокалькулятор билан алланималарни ҳисоблаб ўтирган киши, — бу укамизни ўз тоифангизга тортманг-да. Эндиниша ишга келди бу укамиз. Ҳали буни нишонлашимиз, ювишими керак. Ана ўшандада ош устида «юзта-юзта» ташлаб, ақлни пешлаб, бу кишига ҳам муносиб исми шариф топамиз.

— Э-ҳа, бу қачон ювамиз?

— Хайрли ишни кечикитириб бўлмайди, деган машойихлар.

Лақаб танлаш хусусидаги гаплардан ижирганиб турсам-да,

— Маош чиққан куни-да, — деб юборибман.

Маош олинадиган кун ҳам дўппини айлантиргунча келиб қолди. Уларни «Оромгоҳ»даги чойхонага таклиф қилдим. Битта машина билан биз йўлакай харажатларни қилиб кетиш учун аввалроқ йўлга чиқадиган бўлдик.

— Да-а, қассоблар ҳам жа-а анақа бўп кетишган, — деди минифирлаб Қўшоқвой ака, бозорга кириб кетаётib, — бизга ўхшаган одам борса қуп-қуруқ қовурға беришдан ҳам тойишмайди.

— Э, Қўшоқвой ака, қовурға бўлса ҳам гўрга-я, сизга ўзингизнинг гўштингизни бермай, Абдуҳалимнинг гўштини бериб юбориши ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳаммамиз кулиб қотиб қолдик. Чунки Қўшоқвой аканинг лақаби қўй, техникимиз Абдуҳалимники эчки эди-да.

Ҳазил-ҳузул билан бозор-үчар қилиб, «Оромгоҳ»га ҳам етиб келдик. Жизза билан бир пиёладан чой ичилгач, қаҳқаҳа-ю асия авжига чиқди. Ҳатто доимо қовоғи солиқ юрадиган, гапирганда бутун бўлимни зириллатадиган бошлиғимиз ҳам ишхонадаги расмий муносабатларни унугиб, очилиб-сочилиб ўтиргди.

— Сувга биттадан ташлашиб чиқайликми, — деб қолди Faф-форхўжа.

— Гуручни солиб қўйдик-ку, ҳаяллаб кетмайсизларми?

— Йўғ-э, ошинг дам егунча чиқамизда, муздай бўлиб чиқсанг, ош ҳам роса кетади-да.

Ҳаммалари чўмилгани тушиб кетиши. Абдуҳалим иккаلامиз ошни дамлаб, бир пиёладан чой ичгандик, шериклар ҳам қайта бошлашди.

— Ошни сузаверайми?

— Абдуҳалимнинг саволига жавоб бериш ўрнига ҳамма чўмилаётган одамлар томонга қаради. Э-ҳа, бўлим бошлиғимиз ҳали чиқмаптилар-да. Яна бир оз ўтиришгач, «Ошланж бўлиб кетади-да», деди кимдир. «Чақирасизми?» деди бошқаси. «Зўрга думи ерга тегиб, қовоғи очилганда кайфиятини бузиб қўйманг», деди яна бири. Ниҳоят «шеф» нинг сувдан чиққани кўринди. У аввал ўнг, кейин чап қулоғини пастта қилиб силкинди. Қўлларини белига қўйиб нафас ростлади.

— Чакиринг энди, — деди Қўшоқвой ака.

Мен қўлимни кўтариб, «келинг» деб ишора қилдим. Бошлиқнинг кийиниб кела бошлаганини кўрган Абдуҳалим ошни сузидастурхонга келтириб қўйди. Хўжайнин аста қадам ташлаб, нариги қирғоқни томоша қилиб келарди. Озгина отиб олганим таъсир қилдими ё ҳамкасларнинг тилакларию ҳазиллари талтайтириб юбордими:

— Келсангиэчи, хўжайнин, — дедим овозимни кўтариб. — Намунча имиллайсиз, тuya гўшти еғанмисиз ё?

— Уҳ, қовун тушурдинг-ку!

— Нега?

Бу пайт бошлиқ етиб келган зди. Бир пастда унинг қовоғи осилди, даврадан файз кетди. Узоқ ўтирмай, йигиштириндик-да қайтдик. Йўлда эса мени сиқувга олиши:

— Унақа бемаҳалда қичқирманг-да, жўжахўroz.

— Ё ҳозирданоқ мен қичқирмасам тонг отмайди, деб ўйлајп-сизми?

Гарчи бу гаплар оғир ботса-да, ҳеч нарсаны сөзмагандай миқ этмадим. Түгриси, айбим нимадалигини билмасдим. Хайрият, күпни күрган Қўшоқвой aka менинг бунаقا илмоқли гапларга тоб — тоқатим йўқлигини билди, гап нимадалигини тушунтириди, маслаҳат, йўл-йўриқлар берди.

Душанба куни эрталаб бўлим бошлиғимиз ҳузурига кирдим.

— Мени кечиринг, ўша куни билмасдан гапириб қўйибман, — дедим.

— Ёлғонлама, — дедилар дўқ уриб, — сен жўжахўрозга ана-ви фаламислар етказишган.

— Ўлай агар, мутлақо бехабар эканман.

— Сапсем-а?

— Сапсем.

— Ҳай майли, бор ишингни қил. Лекин, ҳар бир кўринганга валдираиверма, ато чатоқ бўлади...

Бошлиқнинг хонасидан сал енгил тортиб чиқиб, «хайрият-з» деб жойимга ўтирдим. «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деганиларича бср экан-да? Бир оғиз гапга шунчалик. Бўлмаса, мен чиндан ҳам мутлақо бехабар здим.

«Нимадан бехабар эдинг?» дейсизми?

Бўлим бошлиғимизнинг лақаби «Бакироқ тұя» эканлигидан-да!

## ТУШУНГАН ЙИГИТ

Нусрат Баракаев котибаси дамлаб қўйган қайноққина чойдан ҳўплаб, хона бурчагига қўйилган телевизорда машҳур хонада куйлаётган қўшиқ оҳангига тебраниб, гоҳ ўзи ҳам қўшилиб хиргойи қилиб ўтирганди.

— Мумкинми?

— Киринг.

— Ассалому алайкум, Нусрат Баракаевич, — деб соchlарини устарада силлиқ қилиб қирдирган, пастак бўйли, семиз гавдали бош ҳисобчи юмалаб келаётган тарвуздай кириб келди.

— Ваалайкум ассалом, келинг.

— Қалайсиз, кайфиятларингиз яхшими, хўжайин.

— Аъло! Ишлар беш, ўртоқ бош ҳисобчи.

— Сиззи ишларингиз ҳамиша беш бўп келганда, Нусрат-хон aka.

- Сизні эмас, биэзи деб гапириңг.
- Сиз билан биэзи ишлар ҳамиша беш бүп келгану, лекин...
- Нима, лекин?
- Яхши кайфиятингизни бузмоқчи эмасдим. Лекин, айтмасам бўлмайди.
- Нима гап ўзи. Мундоқ тушунтириброқ гапирсангиз-чи?
- Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан яна тўловнома жўнатишибди, — деди бош ҳисобчи Шодиев чап қўли билан кўзойнагини тўғрилаб, ўнг қўли билан қоғозни бошлиққа узатиб.
- Нега? — қоғозга қараб ҳам қўймай ҳалидан буён қўлида айлантириб ўтирган сигаретини оғзига солдида ёндиригич билан туталтириди.
- Тозалаш иншооти ишламаётганлиги учун, атроф-муҳитни ифлослантираётганлигимиз учун.
- Тўловдик, шекилли, — деди бошлиқ, сигарет тутунини бурқситганча пуфлаб телевизордан кўз узмай.
- Ўтган чоракда тўлагандик, 50 минг сўм. Энди такроран шундай ҳолга йўл қўйганимиз учун 200 минг сўм жарима ёзишибди.
- Телэкрандан кўз узмай берилиб рақс томоша қилаётган Баракаев бу гапга парво ҳам қилмади.
- Анавини қаранг... Ўйинни қийворади, шу қиз. Қаранг, қаранг, қимиirlамаган ери қолмайди.
- Рақс тугаб, халқаро аҳвол шарҳи бошланди.
- Хўш, нима деяётгандингиз?
- Жарима.
- Нима қилишимиз керак?
- Шуни сиздан сўрагани кирдим.
- Тўлаймиз, вассалом. Бўлмаса, улардан қутилиб бўлмайди, биласиз-ку.
- Тўғри-ку, қачонгача шунаقا қиласиз. Бирор чорасини кўриш керакмикин.
- Э-э, қизиқмисиз 200 минг сўм биэзи миллионер корхонага нима деган гап.
- Шунаقا-ю, тозалаш иншооти қурилиши орқага сурилиб кетаётгани чатоқ бўляпти.
- Бўлади, ҳаммаси бўлади. Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битур, деган машойихлар.

— Ҳаш-паш дегунча яна текширса, жаримани оширишади. Қурилиш бўйича муовинингизни бир огоҳлантириб қўйсангиз бўлармиди.

— Айтдим-ку, у жарималарингиз миллионер корхонанинг чўнтағидан тўкилган сариқ чақа.

— Бўлти, майли хўжайин, ўзингиз биласиз.

— Бу бошқа гап. Бўлдими?..

— Мановини, шахсан сизнинг ўзингизга юборишибди.

— Нима экан бу?

— Экологияни бузаётган корхона раҳбари сифатида жарима тўларкансиз.

— Қанча? — деди Баракаев энсаси қотиб.

— Энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида.

— Вой-бў-ў...

— Ҳа, яна атроф-муҳитни ифлослантириш давом этаверса, жарима энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваригача ортар эмиш.

Баракаевнинг авзойи бузилди, кўзлари пирпираб, ўнг бети уча бошлиди. Шарҳловчининг дунёнинг аллаҳайси бурчидаги нотинчликлар ҳақидаги куйинишлари, экрандаги ур-сур ва отишмалар ҳам унинг зътиборини торта олмади.

— Мен минг марта айтганман сизларга, бу аҳволга чида бўлмайди, деб. Жаримага тўлайдиган маблагни тозалаш иншооти қурилишига сарфласангиз бўлмасмиди? — Ҳисобчининг кўзи ни ўйиб олгудай тикилди Баракаев.

— Ахир, ўзингиз...


— Бўлди, галимни бўлманг, — дея столга бир мунтлади бошлиқ.

— Каллани ишлатишларинг керак эди. Ҳамма нарсага ўзингиз, ўзингиз, дейсиз... Сизлар нима қилиб ўтирибсизлар бу ерда. Боринг, қурилиш бўйича муовин Эркаевни топинг. Тозалаш иншооти қурилишини тезлаштириш масаласини ҳал қилмагунча иккалаларинг ҳам кўзимга кўринманглар... Табиатни мухофаза қилиш ҳақида қанча қарорлар чиқди. Хулоса чиқаришларинг керак эди. Тўгрими?

— Тўғри, — деди Шодисев секингина, агар ҳозир яна гал қайтарса, стол устидаги нарсалардан бирортасини отиб юборадигандай важоҳатини кўриб.

— Шошманг, — деди бошлиқ чиқишга чоғланаётган Шодисевни тўхтатиб. — Ана кўрининг...

Экранда жилдираб оқаётган зилол сув, қирғоқда шамолда хиёл тебраниб турган қийғос очилган гуллар кўринди.



— Эскиларда «Сувга тупурма, ахлат ташлама», деган гаплар бор-а, биз бўлсак бутун корхонанинг чиқиндисини дарёга ташлаяпмиз... Кўр бўп кетасизлар, вей.... Барча бўлим бошлиқлари ва мувониларни тўпланглар. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида йигилиш ўтказамиз.

— Орадан икки кун ўтгач, сой устига қурилган чорпояда гурунг авжига чиқди.

— Бошбухингизам эшитадиганини-эшитди. Арзимаган нарсага кайфиятингизни бузипти-да. Шуниям Нусратхон акамга кўтариб кириш шартмиди, индамай ўзинг тўлаб қўявермайсанми, ҳўқиз,— дедим.

— Тўлаб қўйипти-ку.

— Тўлайди-да. Тўламай қаёққа боради. Бекордан сизни роса жаҳлингизни чиқарибди-да.

— Нимасини айтасан. Ўзинг ҳам ўша куни кўзимга кўринмаганинг яхши бўлди. Рўпара бўлганингда онангни кўрсатардим.

— Барibir кўрсатдингиз-ку, хўжайин,— деди Эркаев ялтоқланиб.

— У нима деганинг?

— Ахир, ўзингиз мажлисда «Табиат — онамиз» деб ваъз қипсиз-ку. Бутун мана, онамизнинг қўйнида ўтирибмиз-да.

— Хо-хо-хо, мана шунаقا гапларингга борман-да. Тушунган йигитсан, Эркаев,— яйраб кулди Баракаев.

Бошлиғига ёқадиган гап топганидан яйраб кетган Эркаев ҳиринг-ҳиринг кулганчча дастурхондаги ҳар хил чиқинди ва пўчоқларни, бўш шишаларни олиб сувга иргитди. Шундоқ ҳам лойқаланиб ифлосланиб оқаётган сув барчасини ичига ютди ва ўз ўзани бўйлаб оқиб кетди.

## ЭСИМ ҚУРСИН

Эсим қурсин, ишга кетяпману хаесим уйда — эшикни беркитдимми-йүқми, ҳеч эслолмайман. Ишхонамга кирдиму, ортимга қайтдим. Хайрият, эшигимиз қулфланган экан. Бироқ калламга келган фикрдан чүчиб кетдим. Ахир, соат ўнда мажлис бўладиган эди-ку! Бошлиқдан роса гап эштадиган бўлдим-да. Шошиб етиб келсан, ҳамма ёқ жим-жит.

— Қанақа мажлис? — ҳайрон бўлди котиба қиз елка қисиб. — Бугун ҳеч қанақа йиғилиш йўқ.

— Э, ҳа, эсим қурсин... мактабга ота-оналар мажлисига чақиришувди, шекилли.

— Ие, ота-оналар мажлиси кеча ўтди-ку, — бир-бирларига қараб жилмайишди мени танийдиган ўқитувчилар.

— Эсим қурсин, яна адаштириб юборибман-да. Бундан кейин мажлис бўлса, албатта, бизниги қўнғироқ қилинглар, — деб тайинладим. Улар яна кулишди.

Ғашим келди, аммо йўлда қайтаётib уларнинг тиржайишлирининг сабабини сал англағандай бўлдим, — ахир уйимизда телефон йўқ эди-ку.

Бир куни уйга келиб қўнғироқ тугмачасини боссам, эшикни биздан бир қават пастда турадиган қўшни аёл очди. Ҳамсоя бирор юмуш билан бизниги чиқибди-да, деб:

— Ие, келинг, қўшни, — дейман.

— Ўзингиз келинг, тинчликми?

Шунда шошиб эшик пештоқидаги рақамга қарадиму...

— Э-э, эсим қурсин, узр. Бизнинг уй учинчи қаватда эди-ку, а?

Бир куни қизчамни олиб келиш учун боғчага бордим. Тарбиячилар ҳеч қизимни топиб беришолмайди. Нуқул «Бизда унақа бола йўқ», дейди. Жанжаллашиб кетишумга сал қолди. Лекин кейин билсан, эсим қурсин, бошқа болалар боғчасига борган эканман.

Яна бир куни ишдан қайтишимда автобусга чиқдим. Кетяпмиз, кетяпмиз, ҳеч стмаймиз манзилга. Ие, ишхонамиз билан уйимиз оралиғида тўрттагина бекат бор эди-ку?! Шу десангиз, теска-

ри йўналишда кетаётган автобуста чиқиб олган эканман. Ҳар қалай аллантириб-айлантириб, охири маҳалламизга опкеп қўйди.

Уйга кириб айтсам, хотинимнинг хурсандликдан кўзлари ча-рақлаб кетди.

— Ҳай-ҳай-ҳай, мабодо бошқа машинага чиқиб кетиб қолганингизда сизни қаёклардан излаб юрардик. Ҳар қалай тескари тарафга кетаётган бўлсаям, ўзимиззи автобусси нўмирини эслаб қопсиз — хотірангиз анча яхши буп қопти, дадажониси, — деб пешонамдан ўпид қўйди.

Энди эса ана шундай аёлни ранжитиб қўйиб мулзам бўлиб турибман. Асли айб ўзимда. Ҳаёлпаратлигим курсин, ўша ке-часи уйкусираб майкамнинг ўрнига этагида тўри бор узунроғини кийиб, аёлларнинг юпқа шарфини бўйинбог қилиб тақиб келма-ганимда-ку бу жанжаллар йўқ эди. Мана, энди докторга опке-тапти. Эсимни киргизиб қўярмиш.

Лекин, бирорга айтиб юрмангу, «Синикдан бошқаси юқади» деганларича бор экан. Мана, хотиним шўрлик ҳам биз боради-ган шифохона бутунлай бошқа тарафда қолиб, тескари тарафга олиб кетялти.

Ҳаҳ, эсларимиз курсин-а...

## АНҚОВ ЭКАН

Ўзиям одам бўлмайдиган анқовига учраган эканман-да...

Мен унга айтдим: «Манави эгнимдаги костюм сал уриниброқ қолди, янгилаш керак», деб. «Албатта, янгилаш керак», дейди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач яна шама қилиб кўрдим. Катта-кичикнинг олдида устимга обручилоқ нарса илиб юрмасам бўлмас, дедим. Ҳар қалай каттами-кичикми «бошлиғ» деган но-мим бор. «Ҳозир зўрлари чиққан», дейди галварс. Лекин ўзини ўзи билмайди.

Яна эслатишга тўғри келди: «Куда-анда дегандай гаплар бор. Сал номимизга яраша кийинмасак бўлмас». «Янгилаш керак», деб айтувдим-ку! «Аллақачон янгилашингиз керак эди», дейди.

Аввалги ишхонамдаги кадрларимни ярим оғиз гап, йўғ-э ишорамдан пайқайдиган қилиб қўйган эдим. Манавиларни эса ҳали анча тарбиялаш керакка ўхшайди. Гапни уқса-ку яхши-я, бўлмаса...

Булардақа пайтимда оёғимдан ўт чақнарди. Ҳўжайнинг истагини хаёлига келгандай билардим. Енгидан кириб ёқасидан чиқардим. Булар-чи?.. Қачон қарасанг, анқов боладай лаллайиб оғзини очиб ўтиришади. Мана билгаси, яна аммамни бузоғидай гўлайиб турибди. Ҳамма нарсага балодай ақли етади. Лекин ўзини атайлаб сал анқовроқ қилиб кўрсатадими, дейман. Бўлмаса, икки ҳафтадан бери эшакнинг қулогига танбур чертятман-ми?!

— Машинаям анча уриниброқ қолди, — дедим яна бир гал бир даста ҳужжатларни олиб ҳузуримга кирганида, — бензинни кўп сарфлаб қўйяпти. «Бензин камроқ кетсин десангиз «Тико» дуруст», дейди. Э, маслаҳатингдан ўргилдим, қуруқ арава. Ўт олишни қийинроқ бўляпти. Чамаси аккумуляторни янгиламасак бўлмайдиганга ўхшаиди. «Хизмат машинаси бор-ку!» эмиш?.. Идора бор-ку, деб уй қурмай қўёлмайманку! Ҳайриятки қурилиш бўйича муовиним сенга ўхшаган аммамнинг бузоги эмас. Бўлмаса, анави шаҳар четидаги ўн олти хонали кичкинагина участкамнинг қурилиши ҳам ўлда-жўлда қолиб кетармиди. Яхшиям у ҳушёргина, оёқ-қўли чаққонгина чиқди. Баҳонада ўзиникиният битказяпти. Сен бўлсанг... Агар шунақа қилиб ўзингни билмай юраверадиган бўлсанг, келишолмайдиганга ўхшаймиз. Ҳазинанинг калитларини жаранглатиб қўлингта тутказиб қўйган бўлсам. «Туя кўрдингми, йўқ» қилиб ташламайсанми, онангни эмгур. Бир гап бўлса, орқангда мана биз турибмиз. Ё ҳазинанинг устига ётиб олган илонмисан-а?

Бироннинг тавсияси билан танимаган одамни бундай мастьулиятли ишга олган ўзимда айб. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деганлари дес, унга дабдурустдан бир нарса деб бўлмайди. Айлантириб қўраман, шама қилиб қўяман. Англаса яхши, бўлмаса ўзидан қўрсин.

Балонлар ҳам қалнинг бошидай бўлиб кетди, ҳеч бўлмаса ўшаларни янгилаб туриш керак, дедим. «Балоннинг зўри фалон ерники, чайқов бозорида фалон сўм», дейди. Худди мен билмайдигандай. «Алмаштирангиз янги тақаланган тойчоқдек, гижинглаб қолади», эмиш... Гапга чопон кийдиришни биласан, лекин қуруқ аравасан, хумпар.

Барибир, маъкуллашдан, маслаҳат беришдан нарига ўтмади. Фирт анқов экан. Ҳеч иложи қолмади. Шартта янгилаб ташладим. «Балонними» дейсизми?.. Йўғ-э, омбор мудирини...

## ҮЧИРИБ ТАШЛАНГЛАР

Кунлардан бир кун Қуёнбойнинг калласида бир фикр йилт этди. Анчидан буён кузатиб юрганлари иш берди, шекиппин. «Лекин, барибир, тажрибада синааб кўрмасам бўлмайди», деб ўйлади. Каттакон дафтарни олиб қўлтиқлаб далага йўл олди. Шу куни у нималарнидир кузатди, ўлчади, кечкурун эса китоб титкилади, алланималарни ёзди, ўчирди, яна ёзди. Бу ҳол эртасига ҳам, индинига ҳам давом этди. Кейин Қуёнбой қилаётган ишига астайдил қизиқиб қолди. Тажрибаларни ойлаб, йиллаб давом эттирди. Сўнгра астайдил ётиб олиб, бир илмий мақола битди.

— Бир кўриб берсангиз, сўнгра эълон қилсак, — деди у Тулкихоннинг олдига таъзим билан бориб. Тулки мақолага бир кўз югуртириб чиқди, у ер бу ерига ҳалам урди, сўнгра Қуённинг исми шарифи олдига ўзиникини ҳам қўшиб ёзиб қўйди. Кейин мақолани олиб ўзи Бўрининг ҳузурига борди.

— Қуён билан ҳамкорликда бир илмий мақола ёзгандик, Бўрибой оға.

— Ҳмм, — деди Бўри мақоланинг у ер-бу ерини ўқиган бўлиб.  
— Шуни сизлар ёздингларми?

— Ҳа, Бўрибой оға.

— Анча янги гаплар бор экан-да. Буни иккалаларинг айтгандан кўра биргаликда айтганимиз яхши. Менга қолдириб кетаверинглар.

— Ассалому алайкум, устоз, — деди эртаси куни Бўри Арслонтўра ҳузурига таъзим билан кириб. — Биз кўплашиб бир илмий мақола битувдик. Шуни бир муборак назарларидан ўтказиб олсак, деб келувдик.

Арслон астайдил ёнбошлаб олиб мақолани ўқишига тушди. Гоҳ бош ирғаб алланималарни маъқуллади, гоҳ бошини тушупнарсиз чайқаб қўйди. Охири ҳурсандлигини яширмади.

— Яшанг, Бўрибой, жуда ажойиб мақола экан. Лекин бу ерда менинг исми шарифим йўқ-ку?

— Албатта, бўлади, шунга сизнинг розилигингизни олгани келувдик-да?

— Майти, розиман Мақолани ўрмонимизнинг бош илмий журналида чоп этирамиз. Фақат мана шундай ажойиб мақолани ёзган алломалар орасида анави тирранча Қуённинг фамилияси нима қилиб юрибди. Ўчириб ташланглар.

## ШАЛПАНГҚУЛОҚЛАР

— Ичтандаям месьерини билиш керак, — деди Шодиқул пиёлани құлиға олиб.

— Э, бир бошлаганингдан кейин ўзингни түхтатолмайсан-да, — деди Комилжон кекириб. Бир зум тин олгач, пиёлани бир күтаришда бўшатиб оғзига шўр бодринг тиқди.

— Битта усули бор экан. Ичишни қачон түхтатишни осонгина аниқлайсан-құясан. Кейин бошинг оғриб юрмайди.

— Қандай усул экан, — деди Несъмат пишиллаб колбаса чайнаркан.

— Ҳозир айтиб бераман.

Шодиқул шундай деб пиёладагини хафсала билан шимирди. Газакни оғзига солди-да, қўлини қулоғига олиб борди.



— Мана бу ерни кўряпсизларми? — деди у ниҳоят.

Ҳамма унга қаради.

— Ҳар замон-ҳар замонда чимчилаб кўрасизлар, — деди у қулоғининг пастки четини бош ва кўрсаткич бармоқлари орасига олиб эзиди кўрсатиб. Агар оғриса, бемалол тортаверасизлар. Оғриқ сезилмаса, тамом, ичишни түхтатиш керак.

— Нега?

— Чунки бунда кайф бошланган бўлади, нервлар сезиш қобилиятини йўқотгани учун оғриқ билинмайди.

— Дўхтур бўп кет-, Шодиқул.

- Йў-ўқ, бу менинг гапим эмас. Бир даврада Ҳакимжон ака айтиб берувдилар. Амалда синааб кўрган экандар.
- Яхши усул экан.
- Ўрганиш керак.
- Қани, чимчилаб кўрайлик-чи?
- Эҳтимол яхшидир, — деди бурчакда ёнбошлаб писта чақа-ётган ичкиликдан нарироқда юрадиган Муҳаммаджон ака кулиб, — лекин ҳамма одам учун эмас-да.
- Нега? — дейишди бирорлари қулоқларига қўлини олиб бориб, бошқалари қулоқларидан қўлларини олиб.
- Чунки айрим шалпангқулоқлар қулоқларини тополмай қолгунча ичишади-да.

## ҚАНИ, ОЛДИК

- Яшаш қийин бўп кетди, ака. Нарх-наво осмону фалакда.
- Э-э, нимасини айтасан. Энди чидаймизда, жиян. Қани, олдик.
- Ҳар ойда оладиганимиз эса ўзингиз билгандаи... Чўнтакка юқ бўлмайди. Бунинг устига яримтанинг баҳоси фалон пул...
- Э-э, борига шукр қилсанг-чи. Айрим жойларда излаб топиб бўлмас эмиш.
- Сал инсоф қилишса бўлармиди дейман-да.
- Бўпти энди, ҳар қалай дўконда бор-ку. Отанг яхши, онанг яхши деб ялиниб юрмаймиз.
- Кун кечириш қийин бўп кетди-да, вей. Бўлмаса, буни гапириб ҳам ўтирасдим.
- Қўй бу гапларни, қани олдик.
- Бир кило сабзи юз сўм, бир дона тухум биласизми, ҳозир қанча...
- Бўлди-да энди, худди тухум еб юрган одамдай гапирасан-а. Сен билан биз уни бир сўмга ўн биттасини беришгандайм емаганимиз. Гапни кўпайтирма, оз қоляпти, қани, олдик.
- Уф-ф. Қорним оч эди, оёқларим қалтираяпти.
- Ие, қўйсангчи, гавдангни қара-ю. Жиндалай чида энди, тугатиб қўямиз. Қани, олдик.
- Ичим ёниб кетяпти. Куннинг қиздиришини қаранг, ака.
- Сабр қил. Биринчи мартасида шунача бўлади. Ҳечбунача иш қилмоқдим дединг-ку. Ҳали ўрганиб кетасан, дадил бўл, қани олдик.

— Тұғри айтасыз, ўрганмаганман-да. Күтаролмасмиканман, дөвдим.

— Күтарасан. Икки кишимиз-ку. Бир кишига оғирлик қылса, бошқа гап. Ўтган сафар шерік тополмай бир ўзим охиригача туширганимда ҳам оғирлик қылди, деганим йўқ.

— Бўпти ака, қани олдик.

— Мана бу бошқа гап, жиян. Лекин, баравар олайлик.

— Ё биттадан чекволайликмикан-а?..

— Кейин бир йўла, хотиржам чекамиз. Тутатиб қўяқолайлик, қани, олдик.

— Тугай дедими ўзи.

— Мана охиргиси, қани, олдик!

— Ҳорманглар, энди, — яйраб кулди дўкон мудири. — Лекин, Дўлтакўзи, бугун топиб келган ёрдамчинг анча нимжонроқ экан-а.

Сўнгра ҳансира бтурган нозиккина талаба йигитта ўгирилиб деди:

— Ие, жиян, қоқ елкаларингни, бир машина унни туширгунча ҳамма ёғингни оқартириб олибсан-а.

## ҲАЛҚА

— Илтимос, опажон, — яна ялинди ота.

— Ўрин йўқ, дедим-ку! — қошини чимирди мудира.

— Бир иложини қилиб беринг, опажон.

— Жуда қийин, РайОНО га учрашиб кўринг.

— Учрашдим. Сиз рози бўлсангиз, йўлланма берадиган бўлишиди. Буёғи ўзингизга боғлиқ бўлиб қолди, опажон. Биз ҳам сизни ҳафа қилиб қўймаймиз. Бирор хизмат бўлса, айтаверинг.

— Э-э, ука, менинг қанақа хизматим бўларди. Нима бўлсалам, шу боғчага бўлсин дейман.

— Майли-да, опажон, майли. Хўш, нима ёрдам керак?

— Сизга ростини айтсам, мана шу каталакдек боғчани таъмирлаш ҳам мен бояқишининг бўйнимда. Уч-тўрт банка бўёқдан қарашворасиз-да. Оқидан, ҳаво рангидан.

— Майли, розиман. Фақат... ҳозир ёз — айни қурилиш пайти. Уларни сотувдан топиб бўлармикин.

— Қаловини топсанг қишида қор ёнади, дейдилар укам. Ҳаракат қиласиз-да. Мен анави муюлишдаги «Хозмаг»да бор деб эшиттандай бўлувдим. Бир илтимос қилиб кўринг-чи.

... Ота чиқиб кеттөгөч, мудира телефон гүшагини олиб хўжалик моллари дўконига қўнғироқ қилди.

— Алло, Тоҳир ака, ўзиэмисиз... Ҳозир биттасини жўнатдим. Ҳалигиндан туртта бервиласиз.

— Кечаям иккитасини юборган экансиз-ку. Ўшаларга бервордин. Энди бизда мутлақо қолмади.

— Бўлмаса, «Эртага хабар олинг», деб қўяқолинг. Қейин, Тоҳир ака, ҳалиги ёрдамчингизни жўнатинг, машинаси билан. Ҳаҳа, тушликдан кейин. Бизда ўша савилдан анча тўпланиб қолдида. Хўжалик мудирига айтаман, юклаб беради. Баҳонада омбор-конамиз ҳам сал енгиллаб қолади.

— Майли-ю... бугун иложи йўқ-да.

— Нега?

— Чунки сиздан жиндай аввал нариги боғчанинг мудири ҳам худди шунаقا илтимос билан қўнғироқ қилувди.

— А-а?!

## ТЎҚАЙГА ЎТ КЕТСА...

— Мен ҳам ҳисоб-китобни биламан, ака. Жа-а, паст айтманг унақа

— Ҳалиям ёмон сўраганим йўқ.

— Тўғри-ку, мен ҳам қўчадан олмайман-да. Ўзингиз биласиз, сабаби тирикчилик дегандай.

— Энди, бизгаям жиндай чой-чақа қоладиган қилиб бермасангиз бўлмайди-да.

— Бозорга бутун чиққанимиз йўқ-ку!

— Ҳа энди, гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ-да. Хўп, дея қолинг.

— Ҳали анча бор, ака.

— Ҳа майли, сиз айтган ҳам эмас, менини ҳам эмас — ўртаси-ни ола қолайлик.

— Кам бўп қолади, ака.

— Унақа деманг, майдалаб соттанга яраша менгаям бир нима қолиши керак-да. Ҳалиям жуда ҳисобли-китобли экансиз.

— Физматни тугатганман, ака. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дегандай...

— Ие, қўлни ташланг. Мен ҳам олий маълумотли муҳандисман, шунинг учун ҳам санамай саккиз демаймиз-да... хи-хи-хи...

— Кўр-кўрни қоронфида топади, деганларидай бўпти-ку. Майли, барака топинг.

— Бу бошқа гап. Ҳў, биродар манави машинадаги қовунни туширишиб юбормайсизми?

— Манави, тўртта қовунниям оп қўймайсизми?

— Ҳа, қаёққа шошиляпсиз.

— Кечки навбатчиликка бораман. Оғир касалларим бор. Кечикиб қолсам бўлмайди.

— Ассалому алайкум.

— Ие, сиз ҳам шу ердамишис? Нима, мақолага факт керак бўлиб қолдими?

— Йўғ-е, таҳририятда ҳам штат қисқариб яримта ўринда ишляяпман. Озгина қовун оп қўювдим, шуни... Келинг, сўйиб берай, тилими тилни ёради.

— Домла келди.

— Келяптилар.

— Қовун-тарвузнинг тўчкаларини чрезчур кўпайтирворибсизлар, шекилли, эртадан бир-иккитангларни ошқовоққа ўтказамиш.

— Бу киши оқсоқолларингизми?

— Ҳа энди, кимдир «Ҳўй-пўй», деб туриши керак-да, ҳар қалай оғзида илми бор. Бошқарув институтида номзодликни ёқлаган, энди докторлик ҳаракатида.

## СОБИҚ КОТИБА

— Алло, Қодир Шокировичнинг қабулхонасими?..

— Ҳа, шундай.

— Сиз кимсиз?

— Алло, мен котибаси бўламан.

— Ҳа-а, ўзим ҳам шунаقا, деб ўйловдим. Янги иш боплабдинарда. Қуллуқ бўлсин.

— Раҳмат, раҳмат!

— Хўжайнингиз қалайлар?

— Ажойиб одамга ўхшайдилар.

— Ҳа, оғзингизни суви оқмай қолсин... Сал серёзнироқ бўлинг.

— Ие, бу нима деганингиз?

— Бўлар-бўлмасга тишингизнинг оқини кўрсатиб житмаяверманг.

— Сиз кимсиз, ўзи?

- Юбканинг узунроғини кийинг.
- Ўзим биламан, бўлтими?!
- Ҳа-а, ғунажин кўзини сузмаса... деган гаплар бор.
- Бўлди, нима ишингиз бор сизни?
- Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман, холос. Эҳтиёт бўласиз, сал ухажерроқ. Бошингизни айлантириб юрмасин.
- Оғзимга бир гап келди-да! Ҳозир гўшакни қўйиб қўяману, кейин ким эди у деб ўйланиб юраман. Айтинг, кимсиз ўзи?
- Бошлигингизнинг хотиниман.
- Во-ой, опажон, нима хаёлларга бориб юрибсиз. Дадам тенги одам-а?
- Яхши, шуни эсингиздан чиқарманг. Ўйнаб-куламан десангиз ёш-яланглар кўп.
- Нималар деяпсиз, опажон.
- Энди айтиб қўйяпман-да, ёксиз ниманиям кўрибсиз, ҳали кўзингиз очилмаган.
- Қўйинг, унақа гапларни.
- Энди бошлиқлар ва котибалар ҳақида ҳар хил латифалар юради.
- Э, қуриб кетсин-э.
- Агентларим бор. Ҳар бир қадамингизни менга етказиб туришади.
- Жуда рашкчи экансиз-да.
- Униси билан ишингиз бўлмасин, эримнинг характерини жуда яхши биламан, қатиқниам пуфлаб ичадиган бўлиб қолганман.
- Наҳотки, шунчалик бўлса?
- Ҳа, шунчақа, қадамингизни ўйлаброқ босишингизга тўғри келади. Аввалги котибасига ўхшайман, деманг. Бургут юриш қиласман, деб чумчуқнинг бути йиртилган экан.
- Ие, қизиқ? Олдинги котибаси ким эди?
- Ким бўларди — мен!
- Нима?..

## ***НОМТАЛАШ***

Ростини айтай: ҳажвияга «номталаш» деб сарлавҳа қўяйми ё «хомталаш», дейми... анча ўйландим. Нега, дейсизми? Келинг, бир бошдан сўзлай...

Топоним комиссия раиси қон босими ошиб шифохонага тушиб қолғач, мана шу ташвишлар менинг бошимга тушиб турибди-да. Энди англайпман, бечоранинг қон босими бекорга ошмаган экан. Биз мажлис куни келиб фалон күчага фалон номни берайлик деса, бир овоздан маъқуллаб кетаверар эканмиз.

Эрталаб телефон жириңглаб қолди.

- Маяковский күчасига Шунқорий номини берайлик.
- Ким экан, у Шунқорий?
- Туман рўзномасида шеъри чиққан маҳаллий шоир.
- Э-э, унақалар кўп.
- Бердисини айтгунча шошманг. Мардон Пардаевичнинг холаларининг эри экан.
- Унақа бўлса, каттароқ күчага номини бериш керак экан, — дедим кесатиб.
- Бу күчага бошқа харидорлар ҳам бор, ўйлаб кўриш керак,
- деди комиссия аъзоларидан бири зргасига йигилиш анимизда.
- Мактабдагилар бир ўқитувчининг номини қўйсак, деб таклиф қўлишяпти.
- Ие, қўйсанглар-чи, нима уларга кўча кўчада қоптими?
- Нима қилсак экан?
- Ҳайронман?
- Ўтирасизми, — деди битта шумроғи. — Ким ошди савдоси қилиб қўяқолмайсизми?
- Ҳозир ҳазилнинг вақти эмас, — дедим хуноб бўлиб. — Эртагача ўйлаб таклифларингни айтинглар.

Бекор қилган эканман. Эртасигача яна қанчаси бошимни қотирди.

- Битта кўчкорни боқиб қўйибман. Оёғингизни; г тагига сўядан, aka. Шу кўча қўлдан чиқиб кетмасин. Отамиз номини бердирсангиз, биздаям қолиб кетмайди.
- Кўчанинг ўнг бетига битта, чап бетига бошқа ном берсак бўлмайдими-а? — дейди бошқаси тикилиб.
- Мен ҳал қилмайман. Бизнинг холосамиз бир таклиф кучига зга холос, — дейман ҳолдан тойиб.
- Майли, сиз шу таклифни тўғриланг, у ёғигаям ўзимиз югурмиз.
- Ўзингиздан қолар гап йўқ, — деди хўжалик мудиримиз, ишдан қайтиш учун отланастганимда. — Амакимиздан бирорта зурёд қолмади. Номи ўчиб кетмасин.

- Нима иш қилған экан? — дейман энсам қотиб.
- Ҳаммомда одамларни уқаларди... ҳалиги сизларнинг тилингизда... нима... ходимгар, дейдими?
- «Хизмат күрсаттган ходимгар» деган унвон-пуньони йўқми-ди?
- Йўғ эди-я.
- Унақа бўлса, ҳаммомга номини бериш керакмикин, — дедим ярим киноя билан.
- Яхши бўларди. Ўзимиз ҳам кўчага кучимиз етмайди, деб турибмиз.
- Кўнглим ғаш тортиб ишдан ҳориб қайтиб келаётсан, маҳалламиздаги тижорат дўкони олдига қўйилған ўриндиқда ўтирган Нурали мени кўриши билан ўрнидан туриб қўл чўэди.
- Яхшимисиз, ака. Шунақа кеч қайтасизми? Қачондан бери кутиб ўтирибман-а?
- Тинчликми?
- Ҳа, тинчлик.
- Ҳў-ўш.
- Келинингиз яна бир ғалвани бошлаб ўтирибди. Қайнатамиз номини агадийлаштириш масаласи...
- Томогимга бир нима тиқилғандай бўлди.
- Бу ёғи сизга боғлиқ эмиш. Бир иложини қилинг, ака. Хотиннинг олдида тилимиз қисиқ бўлмасин.
- Нима деб ғўлдираганимни ўзим ҳам билмайман. Уйга кирибоқ ечиниб «коз зллиқ»ни отиб, совиб қолган овқатни апил-тапил тушириб, бошимни ўраб ётиб олдим.
- ... Тушимда ҳамма кўчалар, мактаблар, бօғчалар, дала шийпонлари, тижорат дўконларига ҳам ном қўйиб бўлинганмиш. Марҳумлар қолиб, энди тириклар ўзларининг номлари бериладиган обьектлар учун чопишаётган эмиш. Ҳўжаликнинг бўлимлари, бригада пайкаллари, фермалар, емақсоналар кимларнинг номида бўлиши аниқлаб бўлинганмиш. Фақат ном берилмаган битта симёғоч қолганмиш. Ким биринчи бўлиб ётиб келиб, унга тирмашиб чиқса, симёғочга номи берилишидан хабар топган новчаю пакана, оригу семиз, каттаю кичик, бою камбағал даъвогарлар чопиб боришаётганмиш. Симёғочга «Электр токи бор. Ҳаёт учун хавфли», деб ёзиб қўйилғанмиш. «Ҳаётингизни сугурта қиалдиришни унутмадингизми?» деб ёзилган плакат кўтариб сугурта компанияси вакили йўл ўртасида турганмиш. Лекин даъвогарлар ҳеч нарсага эътибор бермай чопиб келиб, симёғочга тирмашаётган эмишлар...



Шу пайт бирдан симёғоч қарсылаб йиқилиб , чарақлаб ўт чиқиб кетди. Чүчиб уйғониб кетдим. Бошим ванг ётгандим, радио дикторининг овози эътиборимни тортди. Тарихий шахсларнинг номларини абдийлаштириш тартиби ҳақида янги қарор чиқибди. Бизнинг комиссиямиз тарқатилиб юбориладиган бўлти.

Енгил нафас олиб, аста ўрнимдан турдим.

## АМРИҚОЛИК ҚҰШНИЛАРИМ

Ишдан қайтсам хотиним гап топиб қўйибди: ёнимиздаги ҳовлига янги құшнилар күчіб келаётган эмиш.

Яна қаердан, денг. Нақ Амриқодан.

— Қўйсангчи, қаердаги гапларни топасан-а?

— Ишонаверинг, аллақандай уюшмами, жамиятнинг йўлланмаси билан урф-одатларимизни ўргангани келаётган эмишлар.

— Ана, энди құшнилар билан ҳам таржимон орқали гаплашамизми? Ё имо-ишора билан тиллашармикинмиз?

— Ким билади, дейсиз, дадаси. Унча-мунча инглизчаниям ўрганиб юрадингиз шекиллиг-у?

— Э-э, ҳарбийдан қайтгач, бир қизиқувдим. Коммерцияга илашгандан кейин ҳаммаси қоп кетди.

— Дом культурадаям чет тилини ўргатадиган курс очилган, деб эшигандим. Мен ҳам қатнаб турганимда бўларкан-а?

— Ке, кўп бошимни қотирма. Бир гап бўлар. Амриқодан келган одамларни сен билан ваљақлашиб ўтиргани вақтиям бўлмайди.

— Ҳар қалай, амриқолик құшниларимиз савдо ишлари билан Дубайга қатнайдиган тижоратчининг хотини инглиз тилинням билмас экан, деб кулишмасин, дейман-да. Бўлмаса, сизга текканимдан бери телевизорнинг программасидан бошқа нарса ўқиганим йўғ-а.

— Бўладиганидан гаплашайлик. Уй-пуй, ҳовли-повли, кўчакъйни супуриб-сидириб уборка қип қўйинглар.

— Бўпти, бўпти. Барибир кўнглим ғаш-да. Уларку хўпу хўп биз билан дарров гаплашгани вақтлари бўлмас. Лекин уларни кўчириб келаётган ўзимизниkilар құшнилариниям бир проверка қип қўяйлик, деб қолишса-чи? «Катта мачитнинг ҳовузи»ни инглизчасига нима дейди, деб қолишса, қандай жавоб бераман. Бўтақорада шоли кўп экилади, «гуруч»ни инглизчасига нима дейилади деса-чи? Улай агар, ҳеч нарса билмайман. Ўзиям сизга текканимдан кейин жуда отсталий бўп кетдим-да.

— Бўлди энди. Ўзи илгари ҳам оғзинг қани, деса қулогингни кўрсатардинг.

Хотинларнинг миш-мисидир-да, бизнинг қишлоқда амриқоликка нима бор, деб ўйлагандим. Йўқ, хотинимнинг гали чиппа-чин бўлиб чиқди.

Эртасига тушликни уйда қилақолай деб келсам, дарвозамиз олдида юзлари ҳам, сочлари ҳам сап-сариқ, бошига дўтипи қўндири-

ган болакай ўғлим билан коптоткайтын атлас күйлак кийган, малла сочлары рўмоли четидан кўриниб турган аёл қўшни дарвоза олдини супирап, ўзига қўйиб қўйгандай ўхшашиб ўзбекона кийинган қизчаси елим чеълакда водопроводдан сув олиб сепаётган экан.

Машинадан тушиб икки қадам юришлім билан кутилмаган ҳол юз берди. Дунёнинг нариги бурчидан Келган аёлнинг она тилимизда назокат ила саломлашувидан сезилар-сезилмас энтикиб кетдим. Уйга кириб суюнчили хабарни айтгай десам хотиним аллақачон янги қўшни билан танишиб олиб хурсанд бўлиб ўтирган экан.

Икки кун ўтгач, ишхонада телефонга чақиришди. Туманга боғланадиган телефон бошқа хонада бўлганлиги учун «Тинчликмикин?» деб ўйлаб ҳаллослаб чиқсан, гушақдан хотинимнинг овози эшитилди:

— Алло, дадаси... Ану янги қўшниларимиз сизни қаерда, деб сўрашяпти. Ҳеч тушунтиролмаяпман... «Дежурство»ни ўзбекчасига нима дейди?.. «Навбатчилик?» Ҳа, бўлди. Хайр.

Орадан ҳеч қанча ўтмай талаффузидаги жиндай сезилар-сезилмас ғализликни демаса, соф ўзбек тилида галирадиган назо-катли, хушсухан амриқолик аёлни қишлоғимизда деярли ҳамма танийдиган бўп кетди. Эри бўлса маҳалланинг тўйидан ҳам, маъракасидан ҳам қолмайди. Бир маросимда офтоба билан чилопчинни олиб оқсоқолларнинг қўлига сув қўйиб қолса бўладими...



— Баракалла, ўғлим, — деди оқсоқоллардан бири ҳайрон бўлиброқ қараб. — Танимайроқ турнбман, сен қайси маҳалладсансан, болам?

— Чикагодан.

— А-а?.. Бизда унақа маҳалла йўқ эди-ю.

Ана шунда янги қўшним келишининг сабабию дастлабки таассуротларини ўзбекона лутф билан баён қилиб оқсоқолларниң ҳам дуосини олди.

Уч-тўрт кундан кейин хотиним яна бир гап топти.

— Тўтихонлар маҳаллага ош беришмоқчи эмиш.

— Тўтихонинг ким?

— Анави янги қўшниларимизда. Ўзларигаям, болаларигаям аллақачон ўзбекча исм қўйиб олишибди. Эри сиз билан масла-ҳатлашмоқчи. Детсаддан келаётсам поворотта турган экан.

— Кимларни таклиф қилганимиз маъкул? — деди у кечки пайт бизнигига кириб. — Ҳар қалай сиз бу ернинг паст-баландини биласиз...

— Биз одатда ҳув анови перекресткадан баниянинг олдигача айтамиз.

Кўшним ҳеч нарса тушунмади.

— Ҳаммомнинг денг, — эслатди хотиним. Дарров гапимни ўнгладим.

— Чорраҳадан ҳаммомгача.

Шундагина гапимни англаган Маллавойнинг юз-кўзида табассум зоҳир бўлди.

— Участковийният айтиб қўйинг, — дедим.

— Кимвой, — ҳайрон бўлиб сўради у. Яна тилимни тишладим.

— Ҳа, анови нозиримизни айтаман-да.

Бунақа ҳоллар тез-тез такрорланадиган бўп қолди. Ўз юртида соғ ўзбек тилини ихлос билан ўрганган қўшниларимиз учун четдан кириб қолган сўзлар гуручдан чиққан тощдек ғашга тегарли таъсир қиласарди. Сал ўйлаброқ гаплашмасак, бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳар гал гапимни англатишга қийналганимда хижолатдан тер босади. Биз ўзимиз сезмаган ҳолда бундай қоришиқ сўзлар билан гаплашишга кўникиб кетганимизни вақт ўтиши билан тушуниб ҳам қолишди. Лекин жилмайиб туриб беозоргина танбех бераб гапимни тузатиб қўйганиларида ичдан зил кетаман. Рус мактабида ўқиган, кўп қаватли уйда ўстган хотинимнику асти қўйверасиз.

— Қанақа одамлар ўзи, а? «Обед» десанг тушунмаса. «Дом культуры»ни билмаса. «Оптом»и нимаси, деганига ўлайми?.. Нақ давлениям күтарилиб кетади-да!

— Кўй, қизишка, аяси. Ахир айб ўзимизда-ку. Мен ҳам аввалига шу келгинидардан танбсҳ Ҷашитаманми, деб ғашим келди. Аммо сал ўзимни босиб ўйлаб кўрсам, унгар икки юз процент.. з, йўғ-э, фоиз хақ экан. Тилимизга бўлган ҳурмати боис уларга ихлосим бениҳоя ортиб кетди.

— Тўғри айтасиз, — дейди хотиним сал ҳовридан тушиб. — Баҳонада унча-мунча нарсани ўрганиб ҳам оляпман. «Сковородка»нинг ўзбекчаси «това» эканлиги тушимга ҳам кирмаган эди. «Соска»нинг сўргич, «билет»нинг чипта эканлигиниям энди билдим. Бир жиҳатдан шу қўшниларимизни келганиям яхши бўлдими, деб ўйлаб қоляпман, дадаси.

— Нимасини айтасан, аяси, — дейман мен ҳам кулиб. — Америколик қўшниларимиз биздан урф-одатларимизни, биз иккала-миз эса улардан тилимизни ўрганяпмиз...

## МУҲОКАМА (Тескари ҳикоя)

Собиржон бошлиқнинг хонасига кирганида у ерда тўпланиб ўтирган ўн чоғли одамнинг нигоҳи бирданига унга қаратилди. Бошлиқ ҳам унга кўзойнаги остидан бир тикилди-да, дўрилдоқ овоз билан гап бошлади:

— Ўртоқлар! Бугунги йиғилишда кўриладиган масала битта — ўртоқ Собиржон Шокировнинг шахсий иши. Бошқа қўшимчалар йўқми?

Ҳеч кимдан садо чиқмагач, яна ўзи гапини давом эттиради.

— Шокировнинг хотинидан шикоят хати тушган. Шу хат билан сизларни касабақўмимиз раиси ўртоқ Ўлмасова таништиради.

— Хатда жуда кўп гаплар ёзилган, — деб чийиллаб гап бошлади Ўлмасова. — Мен сизларга асосий-асосий жойларини ўқиб бераман. Мана... «Эрим улфатчиликдан чиқиб қоляпти, шекилти, — деб бе-зовталаниб ёзди бечора. — Чойхонада ошни об, араф-парағини ичтиб секин судралиб келиш ўрнига ишдан чиқибоқ уйга югуради.

Ана шунақа улфатчиликлардан алламаҳалда қайтиб, уйларини зўрга топиб келган қўшниларимизни ичкарида эшикни оч-

маётган хотинлари билан айтишувларини эшитиб бир ҳавасим келади, бирам ҳавасим келади. Бир куни ҳатто болаларнинг нафақа пулларини ўзим анча-мунча тўплаб юрганларимга қўшиб чўнтағига солиб тайинладим. Бугун сал эркак кишига ўхшаб ичиб-нетиб келинг, дадаси. Қўшнилардан қаерингиз кам?

Мана бугун бизни уйда ҳам бақир-чақир бўлар, мен ҳам бир юрагимни ёзиб овозимни кутариб, куни-қўшниларга эшитириб қўяман, деб ўтирсам... яна эрта кунда кириб келдилар. Қўлтиғидаги ўроғлик нарсани олиб менга узатди.

— Аяжониси, сизга шиппак олиб келдим, — дейди тиржайиб. Башараси кўзимга бирам хунук кўриниб кетди. Уришиб бердим.

— Мен эрталаб сизни нима деб кузатувдим? Шиппакка бало бормиди? Нима, мен сизга ялангоёқ қопманми? Ахир, бир чиройлик эски калишингизни судраб турибман-ку!

Хўп, майли, уйга келсин. Йёкин, дивандада чўзилиб газстами, журналми ўқиб ётаверсан. Ўқимаса ҳам тикилиб ётаверса бўлади-ку. Йўқ, қаёқда дейсиз. «Аяси сиз овқатга уринсангиз, мен болаларга қарашиб турай», деб қолади... Қўяверинг, сиз телевизор томоша қилинг ёки анави йўлагимиш олдидаги кишилар билан шахмат суриниб чиқинг, дейман. Қани энди, кўнса. Ахир атиги олтитагина болани бир ўзим эплаб оламан-ку. Мана, каттаси етига кириб қолди...

Узундан-узоқ битилган ҳатда Собиржон ҳақида яна анча «нордон» гаплар ёзилган эди. Ўлмасова сўзини тугатиши биланоқ гапни бўлим бошлиғи Турдибоев илиб кетди.

— Шокировнинг шахсий иши жуда ўз вақтида муҳокама қилингани. Менинг анчадан бўён бу киши ҳақида гапларим тўпланиб қолувди. Энг биринчи камчилиги: ишга 15-20 минут, баъзан ҳатто ярим соат илгари келади. Гоҳида иш вақти тугандан кейин ҳам ишлайди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, чора кўриш керак.

— Бу киши бизниям зътиборимиздан четда қолгани йўқ эди, — деб қўшимча қилди касаба уюшмаси қўмитаси раисини муовини Пардаев. — Сизнинг саломатлигингиз бизга керак. Таътилда қаерда дам олмоқчисиз, бизга айтинг, йўлланмани тайсрлаб қўяйлик, дедик. Дам олишга вақт қаёқда, дейди. Албатта, бугунги мажлисдан хулоса чиқарса, бизга учрашса керак. Бўлмаса, ўзидан кўрсин.

— Бу одам яхшиликни билмайдиганлардан экан, — деди бош ҳисобчи Бўриев. — Чойхоналарда кўринмай қолганига бефарқ

қараб туролмадик. Серфарзанд, пул-мулдан қийналиброқ қолдимикин, деб бир ойлик иш ҳақи миқдорида ёрдам пули ёзиб қўйдик. Олишдан бош тортгани.

Хуллас, шу куни Собиржоннинг ҳўмма «камчилик»ларини очиб ташлаб роса пўстагини қоқишиди. Унга бу галча огоҳлантириш бериш билан чекланишиди.

Аммо Собиржон ўша-ўша. Ишга эрта келиб, кеч кетиб, елиб-югуриб ишлаб, дам толишу улфатчиликка вақт топмай, хотинининг ҳоҳишига қарши тўрва халтани тўлдириб уйга чопиб юрибди.

Ким билади дейсиз, бу аҳволда яна муҳокамага тушмаса.

## ХАВФЛИ ОДАМ

Бўлим мудирининг ўринбосари мақсадимни билгач, деди:

— Ҳаммаҳаллагигимиз ҳурмати сизни мудиримиз олдига оп-кираман, лекин, кейинчалик у кишининг чизган чизигидан чиқмасликка сўз берасизда-а? Яна орамиздаги битта-иккита хавфли одамларга қўшилиб ...

Мен яна анча йўл-йўриқлар тингладим. Кейин икковлашиб мудирининг хонасига кириб бордик.

— Бизда ўрин бор, — деди мудир муовиннинг галини эшигач, менга чимирилиброқ қараб. — Лекин сиз ишлаб кетолармисиз? Яна айрим ғаламисларга ўхшаб ўзингизча янги Америка кашф қилиб юрмасмиксиз? Бизда ғалати одамлар бор-да, эҳтиёт бўласиз.

Бошлиқнинг кадрлар бўйича муовини хаёлидаги гапни ўраб-чирмаб ўтирумади, лўнда қилиб сўраб қўяқолди:

— Сиз кимнинг одамисиз?

Мен каловданиб қолдим. Яхшики, мен билан бирга келган бўлим мудири «ўзимиздан», деб гапни қисқа қилди.

Бошлиқнинг биринчи муовини эса мен билан гаплашиб ўтиришни ҳам ўзига эп кўрмади, шекилли, бўлим мудирига кўрсатма бериб қўяқолди.

— Бу ёгини ўзингиз ётиғи билан тушунтириинг. Яна хавфли одамлар таъсирига тушиб қолмасин.

Лекин ташқарига чиққач, сабрим чидамади.

— Хавфли одамларингиз кимлар ўзи? — деб сўрадим.

— Буни кейин билволасиз, — деди мудир таҳдиидли овозда. — Ҳозирча муҳими, ҳеч кимга қўшилмай юраверинг.

Ишни ҳам бошладим. Ҳамма ўз юмуши билан банд, талашадиган нарса ҳам йўқ. Янги ходим бўлганингдан кейин кимдан дир ўрганишингга, маслаҳат олишингта ҳам тўғри келаркан. Мен ҳам ишини пухта биладиган етакчи мутахассислардан бири билан яқин бўлиб қолувдим. Бироқ...

— Шу одам билан кўп ҳам «ош-қатиқ» бўлаверманг. Катталарга ёмон кўриниб қолишингиз мумкин.

— Ҳеч тушунолмаяпман, буларнинг нимаси хавфли? — сўрадим бир куни холироқ ўтириб қолганимизда мудир мувонидан.

— Иккни ўйларни мудирликка сайлов бўлувди, улар юқоридан кўрсатилмаган муқобил номзод учун овоз беришган.

— Бунинг нимаси ёмон, мустақил фикрларини билдиришибди-да.

— Э-э секинроқ галиринг-э, ҳамма гап шунда-да. Бизнинг корхонада ҳамма бир хил — юқорига қараб фикрлайди. Мустақил фикрлайдиганлардан эса заҳарли илондан қўрққандай ҳадиксирашади.

— Ундей бўлса, ўша мудирингизга айтиб қўйинг, хавфли одамлар сони яна биттага кўпайди, деб...

## ЯШАВОР, РАИС

— Э, отасига раҳмат. Раис деган мана шундоқ бўлти-да!

— Қойил, колхознинг дангиллама идорасини касалхонага бўшатиб берди-я.

— Одамларга ғамхўрлик бўлса, шунчалик бўлади-да. Колхозчиларнинг уйларини қаранг, бир-биридан чиройли.

— Водопроводи билан газини айтмайсизми.

— Бизнинг қишлоқларга яна куз йил керакдиров уларга етишга.

— Меҳнаткашлиги, соддалигини айтинг. Дала шийпонида колхозчилар билан тушилик қилиб ўтирганини кўрдингиз.

— Соддага ўқшагани билан бухгалтеру мутахассисларни зиритратар экан-да.

Меҳнаткашнинг бир тийинига бирор кўз олайтиrolмас экан.

— Колхозчиларни мажбуrlагандай марказий курорт ва санаторийларга юборар экан.

— Э, ўзларининг дам олиш уйи ҳам унча-мунча курортдан қолишмайди.

— Қишлоқдаги боғ-роғларнинг кўплиги-ю, мева-чеваларнинг сероблигини айтмайсизми. Ҳаммаси мана шу раиснинг ташаббуси билан бўлган экан.

— Ҳаммасидан ҳам ўша идорани касалхонага бўшатиб бергани зўр бўлди.

— Э, ҳали ўзи яшаётган уйини ҳам болалар боғчасига бўшатиб беради.

— Йўғ-з.

— Рост. Мана кўрасизлар.

Кўнғироқ чалинди. Чекиб турган сигаретларимизни эзғилаб бурчакдаги темир яшикка ташладик-да спектаклнинг иккинчи пардасини кўриш учун шошилдик.

— Раисимиз ҳам кўрятгимикин? — деди кимдир кириб келаётганимизда.

Залга кўз югуртиридим. Деярли бўш қолган биринчи қаторда раисимиз бир томонга сал ёнбошлиганча мудрар, муовини Ҳалимтой дастрўмоли билан елпиб ўтирад, бош агроном Ҳакимхўжа эса икки қўлида пиёла — бунисидан унисига, унисидан бунисига қўйиб чой совутарди.

## СПИДНИНГ ДАВОСИ

— Ердам беринг, доктор.

— Ҳаракат қиласиз.

— Тўғрисини айтинг, доктор. Мен ўшанақа касалманми-а?

— Ким айтди ўзи сизга бу гапни? Бу тахминлар, холос. Ҳали текширишимиз керак.

— Мен яшашни хоҳлайман, доктор. Бир иложини қилинг.

— Ўзингизни босинг, ҳаяжонланмант.

— Йўқ, доктор, кўнглим фаш. Ўлиб кетавераманми-а?

— Э-э, қўйсангизчи унақа гапларни, боринг, палатангизга кириб дамингизни олинг.

— Йў-ў, доктор. Қандай дам оламан, ахир. Бирор чорасини топинг. Нима десангиз розиман.

...

— Нимага индамайсиз. Бу дарднинг давоси йўқ деганлари ростми... Энди ҳаммаси тамом бўлдими?

- Бўлди, бас, тинчланинг.
- Жон, доктор. Бирор чорасини топиб муолажани бошланг. Бўлмаса юрагим ёрилиб ўламан.
- Ҳозирча бир нарса дейишим қийин.
- Дод, нима ўлиб кетавераманми? Дод, ёрдам беринглар.
- Нима гап? — ҳайрон бўлиб сўради маъruzадан қайтиб ҳориб кириб келган профессор. Шифокор шивир-шивир қилиб вазиятни тушунтириди. Шу пайт бутун вужуди қалтираб турган бемор ёлвора бошлади:
- Ёрдам беринглар. Бир чорасини қилинглар . Ўлиб кетавераман-ми?.. Вой дод!
- Ўзингизни босинг, — деди профессор босиқлик билан.
- Бирор чорасини айтинг, домла... Вой дод!
- Бўлди, бўлди. Қулоқ солинг... Одамлар қумга тушганини кўрганмисиз?
- Кўрганман, домла.
- Сиз ҳам шунаقا қиласиз. Қум бўлиши шарт эмас, тупроқ ҳам бўлаверади. Биринчи кунлари тиззангизгача тупроққа кўмсангиз бўлади.
- Кейин-чи?
- Уч-тўрт кундан кейин белгача кўмилиш керак бўлади.
- Хўп бўлади. Раҳмат!
- Бирор ҳафта ўтгач, нақ кекирдаккача кўмиб қўйишин. Қимирламай уч-тўрт соатдан ётасиз.
- Раҳмат-раҳмат! Мен кетдим , — бемор шоша-пиша ташқарига чиқиб жўнаб кетди.
- Профессор хиёл жилмайиб ичкари хонага кириб кетди. Шоғирдлар ҳайрат ва таажжуб билан бир-бирларига қарашиди.
- Қойил, яна бир янги даволаш усулини яратибдилар.
- Ўзиям бу янгилик билан жаҳонга машҳур ёлиб кетсалар ажаб эмас.
- Жуда катта мукофот ҳам олсалар керак.
- Бу бебаҳо тупроқда хосият кўп. Қаранг, бедаво дарднинг давосиниям тупроқдан топибдилар устозимиз.
- Баҳс анчагача чўзилди. Шифокорлар масаланинг тагига етишолмади. Сумкасини кўтариб кетишга чоғланаётган профессордан унинг энг яқин шогирди аста сўради:
- Агар сир бўлмаса, домла...Янги усул ҳақида...
- Қанақа янги усул?
- СПИДнинг давоси?

— Нима?! Э, ҳа, ҳалигими? Күрдингиз-ку, ахир дод деб ҳам-ма-әкни бузиб юборди.

— Түғри, лекин ўша бемор ҳалиги тупроққа күмилиб ётиш билан тузалиб кетадими?

— Бу дардни нимага олиб келипини биласизлар-ку. Энди жа-а тузалиб кетмасаям, ҳар қалай тупроқнинг тагида ётишга аста-секин кўникиб туради-да.

## KAP ҚУЛОҚҚА ТАНБУР

- Ие, келинг, отахон, келинг, хизмат.
- Тилпон масаласида.
- Қанақа телефон?
- Ўйга телефон туширишда, болам.
- АТСга учрашдигизми?
- Э, у ерга қатнайвериб зерикдим, болам.
- Ариза берганмидингиз, ўзи.
- Ўн йил илгари берганман.
- Ҳа, энди навбати билан туширишар.
- Саломатлигим чатоқ, болам. Уруш инвалидиман, ўзинг ёрдам қил.
- Албатта, ёрдам қиласиз, отахон. Исми фамилиянгиз?
- Султонов Устақобил.
- Адресингиз.
- Қатортерак кўчаси, 89-үй.
- Бўлди, отагинам. Албатта, ҳал қиласиз.
- Ўтган сафар ҳам шунақа дегандинг, болам.
- Бу гал, албатта, ёрдам берамиз, отахон. Мана, ёзиб қўйдим.
- Ўшанда ҳам ёзиб қўювдинг.
- Ҳа энди, ўтган ишга саловат, отагинам, ҳозир унақаси кетмайди. Чунки, бизда қайта қуриш кетяпти.
- Қачон хабар олай бўлмаса.
- Сиз келиб суриштириб овора бўлиб юрманг. Ҳамма ишларингизни ҳал қилиб, шахсан ўзим хабар қиласман.
- Сен ҳам ишинг кўп одамсан.
- Ҳеч ташвиш тортманг, отахон. Ҳаммасини, албатта, ҳал қилиб, Сизга шахсан ўзим қўнғироқ қиласман. Ҳа, дарвоқе, телефон номерингизни айтиб кетинг, отахон.
- Нима?!

## **ИЛҲОМ ПАРИСИ БИЛАН СУҲБАТ** (Немат Аминов асарларига пайров)

Ассалому алайкум, илҳомим паривashi!

«ЁЛҒОНЧИ ФАРИШТАЛАР»нинг гапига кириб сени андак хафа қилганим учун узр. «ФИЙБАТУЛЛО АРХИВИДАН» янги саҳифалар титишдан фойда йўқ, «ҚИШЛОҚ БАЙРАМЛАРИ»га чиқинг, «ЧИНОРЛАР ҚЎШИФИ»ни тингланг» каби маслаҳатларинг ўзимга ҳам маъқул тушиб турувди-ю, «ЁШУЛЛИНИНГ ГЎММАСИНИ» еб, «ҚАССОБ БОБОНИНГ ИТИ»дай семириб ётаверасизми», деганинг оғир ботиб кетди-да! «БИР ДУОГА ЎН ҚАРФИШ»ми? — деганим шундан эди.

Сен кетгач, «АРИ» уясидек ғувиллаган бошимдан дўппини олиб қаттиқ ўйладим. «ШАЙТОНГА ҲАЙ» бериб тан ол, — деди ички бир садо. — У сенга отанг ҳам «ВАСИЯТ» қилмаган гапларни айтди. Агар гапига кирмасанг, гуноҳингни «ОБИ МАҲРАМ» қилиб ҳам ювиб бўлмайди. Ҳақиқатдан ўшанда сенга «ҲАҚОРАТ УЧУН РАҲМАТ» айтсам бўлар экан. Чунки, ўзим сепган «ЁЛҒОННИНГ УРУФИ» бошимдан ташвиш бўлиб ўсиб чиқа бошлаганини энди сезиб ўтирибман.

...Мана, ўзинг айтгандай, фойдали меҳнат билан шуғуллана бошладим. Маҳалламиз кўчаларию теварак-атрофни супуриб-сидириб, «ГОМЧИДАН ДАРЁ» деганингдай, эл ишига ҳиссами кўшиб юрибман.

Мен сенга айтсам, паривашим, иш одамни ёшартириб юборар экан. Ўша — ўзингта учрашмай, «суни-буни» ёзиб юрган кезларим «САНДАЛ»нинг бир четида «КУЛОЛМАЙДИГАН ЎЛПОНЧИ»дай чўзилиб ётардим. Соч — соқолим ўсиб, кўчакўйда бир аҳволда юрсам, бирор кўриб «КУЙДИРГИ», бошқаси «ЛАТТА» деб кетарди. Энди бўлса соч-соқолни паратка қилиб, қоровулхонада ҳар кунги газета-журнални қолдирмай ўқийман. Ёшарид бораётгандайман. Ўтган куни фаррошимиз «ТҮТИХОН» ичкаридан бир журнал кўтариб чиқиб:

— «ХЎРОЗНИ ЧЎҚИГАН МАКИЁН» деган ҳикоя босилибди, ўқинг, ака, — деб қолди.

— «АКА ДЕМАНГ!» — жеркиб ташладим, — эҳтимол мен сиздан ёпроқдирман.

«ТҮТИХОН» чимирили бир қарадио, супурги, челаги-ни күтариб жүнаб қолди. Ортидан тикилиб туриб, ўринсиз гап қилиб құйғанимни билдім. Эртасига ёк күнглини күтариб қўйиш мақсадида ўша фаррошимизга бир шеърий «ТАБРИКНОМА» ёздим. «Ўрганган күнгил...» деганларидек, бир оз суюқроқ гаплар аралаштириб юборган эканман, бунинг устига ўша нарса бир «ПАДАРҚУСУР» «ЧАҚИМЧИ» нинг қўлига тушиб қолса бўладими... Мен «ШУРЛИК ТУЛКИ»га сичқон тугул «СУВАРАК»нинг ини минг танга бўлиб кетди. Энди ўрнашганимда «ЕЛВИЗАК» шамол учирив кетишига сал қолди. Ҳа, «ШАЙТОНГА АЙЛАНГАН ФАРИШТА» деб ёқамдан олиб қолишадигандай, ҳали-ҳали ҳадиксирайман.

Шундоқ кунларнинг бирида қўшчинор остидаги чойхонага чиқиб кетдим. Бўш пайтларимизни кўпинча шу ердаги сўрида ўтказамиз. Бу овлоққа «НУСРАТ ЧАМАН», «СОДИҚ ДАКАНГ», «ҚАССОБ ШОИР», ўша ўзинг билган «МАҚОЛ ОДАМ» келади. «Шафқат» спорт жамиятидан пенсияга чиққан «ЕЛКАСИЗ ПОЛВОН» ҳам кунда-шундалардан. Бирор «ДУМЛИ ЮЛДУЗ»лардан сўзласа, бошқаси «ШУДГОРДАН ТУТИЛГАН БАЛИҚ»ни, яна бирори «СУЗОНФИЧ РОМАН» ни ҳикоя қилади. Хуллас, ҳар кимда бир «ТОПИЛДИҚ». Суҳбатимиз батъзан «ТАРБИЯВИЙ СОАТ»га, гоҳ «КУЛГИДОШЛАР ГУРУНГИ»га айланаб кетади.

Чойхонага бора туриб, хаёлимга бир фикр келди: «Уч-тўрт кундан буён «НУСРАТ ЧАМАН» кўринмайди, «ҚОН БОСИМИ» ошиб кетмадимикин? «ЭТУ ТИРНОҚ»дай одамлармиз, ҳол-аҳвол сўраб қўяй», дедим. Кирсам ҳовлисининг ўртасидаги супада ёнбошлаб, «АДАБИЁТ ва ҚАНД КАСАЛЛИГИ»ни ўқиб ётган экан, қайфияти тушкунроқ. Қитиғига тегиш учун:

— Анов кунги «МАНДАРИН ГУЛИ»ни қачон берасиз? — дедим.

— Э-э, ҳозир неварамга «СЎРҒИЧ» олганиям пул йўқ, — деди минғирлаб. Хижолатдан «ЖИГАРИ ТЎКИЛДИ» «ШУРЛИК»нинг.

— «АЧЧИҚ КЕКИРИК»ларнинг вақти ўтди, Чаман, — дедим, — ишлаш керак. «ЧАПАК» қалиб ўтиргандан ёки «БИР ҚОП ФАЛЛА»дай чўзилиб ётгандан фойда йўқ. Маслаҳатим маъқул тушдими, менга «исминшик» бўлиб ишга кирди.

...Ана шунаңа гаплар, паривашим, «ЧАРХПАЛАК ДҮНЁ» экан-да! Маслаҳатларинг билан «АСАБИЙ КИШИЛАР» даврасидан, «ЖОНДАН ТҮЙДИРГАН ТОМОША»лардан қутулдим. «КУРАШЧАН ВОСИТАЛАР»инг устун келди. Беҳуда ўтган күнларимнинг ҳаммасига «ФОТИҲА» ўқиб қўйдим. Ўзинг: «Кечки мактабда дарс берган экансиз, «ПЕДАГОГИКА»дан ҳам хабардорсиз, шикоятбозлик қилмай яхши нарсалардан ёзинг», дөвдинг, «ДЕВОРДА СИЧҚОН БОР...», «Сичқонда қулоқ» деб бирорга айтмай юрган гапларим битилган ушбу мактубни илк «МАШҚ»им сифатида қабул қиласан.

*Дуои салом билан:*  
**«МАҲАЛЛА МУЛКИ»**ничг «ҚОРОВУЛ»и

## ФАРОЙИБ НУСХАЛАР

*(Келажак ҳикояси ёхуд фантастик ҳажсия)*

*Қизим, сенга айтаман, келинім, сен әшит.  
Халқ мақоли*

Езувчилар ўзларининг навбатдаги сайёralараро семинар кенгашига Марсдаги муҳташам «Адабиёт саройи»да түпланишиди. Бугун улар сатурнлик машхур адаб Тван Векнинг янги трилогиясини муҳокама қилишади. Бу кенгашда адебнинг кўпгина асарлари муҳокама қилинган, юксак баҳоланган ва триллионлаб нусхада чоп этилиб Ерда ва Ойда ҳам, Сатурнда ва Венерада ҳам, Марсда ва Юпитерда ҳам ўз ўқувчиларини топган.

Тван Векнинг тарихий мавзуда яратган янги трилогиясининг ҳам дастлабки икки романини кенгашнинг барча иштирокчилари асосан юксак баҳолашди. Бироқ... муҳокама қатнашчиларининг барчаси асарнинг сўнгти китобини тушунолмаганилквари-ни таъкидлашар ва бу асардаги номлари ҳам, гаплари ва қилиқлари ҳам фаройиб бўлган кимсаларнинг ерпиклар тарихидан олиб ёзилган трилогиядаги ажойиб сиймолар орасига нима учун кириб қолганлигини англаша олмаганини билдиришарди.

— Роман қаҳрамонларидан бири ўғлини етаклаб институтга боради, — дея гап бўшлиди юпитерлик танқидчи, — аллақандай «пора» ҳам олиб боради. Институтга кирадиган йигитни отаси етаклаб боришига қайси китобхон ишонади? Бундан ташқари, анави «пора» деган сўзниң маъносини ким тушунади?!

Бу савол қаршисида Марснинг таниқли адеблари ҳам, венералик кўзга кўринган фан арбоблари ҳам лол қолишиди. Фақатгина ерли таниқли тилшунос, 21 ёшли академик Валерий Ботировгина қадимий китобларда «пора» деган сўзни учратишганини, лекин бу сўз бир неча асрлардан буён фойдаланилмай қолиб кетгани учун қандай маънони англатишини аниқлаш мушкул бўлаётгачлигини айтди.

Бу қисмда «ишёқмас», «танбал», «олибсотар», «пиёниста», «ғийбатчи», «юмалоқ ҳат» каби қатор атамалар ҳам учрадики, бу сўзларнинг маъноси ҳеч кимга аён эмасди.

Адебнинг тарихни титкилайвериб ўзи ҳам зўрга тушунган сўзларни тушунтириш учун уринишлари беҳуда кетди — бу нарсалар кенгаш иштирокчиларининг тасавурига сиғмасди.

Тарих фанининг арбобларидан бири сўзга чиқиб ерликларнинг тарихи билан анча мукаммал таниш бўлсада, асар қаҳрамонлари сотувчи Камберди Урибқолдиев, унинг аллақандай «чайқов»ми деган ерда ўралашшиб юрадиган (чайқов сўзининг маъносини ҳам ҳеч ким тушунмасди) ҳуркак маъшуқаси Пулойим Эҳтиёткороваларни, Фийбатхўжаев, Бюрократов, Хурмачақилиқов каби персонажларни ҳечкўз олдига келтира олмаётганилигини, бугунги китобхонни эса уларнинг ҳаракатларига ишонтириб бўлмаслигини таъкидлади.

...Танқидий фикрлар шунчалар кўп ва асосли эдикӣ, адабнинг ўзи ҳам ер юзида қаҷонлардир бу асарнинг шу қисмида тасвирланган қаҳрамонларидек «нусхалар» яшаганига шубҳаланиб қолди. Шунинг учун ҳам кенгашнинг китобхонга мутлақо тушунарсиз бўлган учинчи романни трилогиядан чиқариб ташлаш ҳақидаги ҳукмидан ҳам заррача хафа бўлмади. Аксинча, йиғилиш сўнгтида сўзга чиқиб танқидий фикрлар учун миннатдорчиллик билдириди ва учинчи китобни бутунлай янгидан ёзиш мақсадида ерликлар тарихини чуқурроқ ўрганиш учун бугуноқ Ерга жўнаб кетишини айтди.

Муҳокама тугашини билиб етиб келган тегишли нашриёт вакиллари кенгаш маъқуллаган икки романни шу зумда қабул қилиб олишиди. Асарни қайта ишлаш эмас, янгидан ёзишга одатланган муаллиф «Фаройиб нусхалар» деб аталган қўллэzmани кенгаш ўтган бинодан чиқаверишдаги автомат яшикка ташлади ва яшикнинг узунчоқ тешикчасидан чиқиб қолган бир жуфт қофозни олиб биттасини ҳамроҳи — ерлик тилшунос олимга узатди. Бекат томонга бурилишаркан, олимнинг нигоҳи қоғоздаги ёзувга тушди: топширилган макулатура эвазига берилган ўша жажжигина қоғозчанинг бир томонига «Марсликлар сизга оқ йўл тилайдилар!» деб, иккинчи томонига эса «Сайёralараро космобусда юриш учун абонемент билети» деб ёзилган эди...

## ОТА-ОНАЛАР ЙИҒИЛИШИ

— Хўш, кўпчилик келиб бўлибди-а? Йиғилишни бошлаймиз.  
Нима масалада чақирганимни билиб турибсизлар-а?

Ҳа, баракалла, тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.  
Нима-нима? Ҳа-ҳа, тўғри, ҳар йили қиласидаган ишимиз-да. Шундай қилиб, масана битта — маҳтабти ремонти. Қурилишида ишлайдиганлар борми? Ҳа, яхши. Биринчи навбатда сизларга тақсимлаймиз.

Оқак, қум, цемент, краска, таhta, нима-нима? Ҳа энди ишхонаңгиздан бир-икки банка бүёқни секин зимиғиб құяқоласыз-да. Үттан йили Қодирхонов акамиз ҳамма-әкни бир үзлари күтарувдилар. Директоримиз билан бир-иккита үқитувчиларғаям материаллардан қарашиборууди. Мабодо, давлат мулкини талон-тарож қылғани учун қамалиб кетмаганларида бу йил ҳам үзлари түгриларди-я.

...Хөв, Сайдованинг дадаси, сиз нимадан ёрдам қиласыз?.. Билмадим? Нега?.. Қаерда ишлайсиз ўзи?.. Заводда?.. Бизга ремонтта кетадиган нима бор сизларда. Ҳеч бўлмаса мих бордир, ахир. Олиб келаверинг. Топган гул келтирас, топмаган бир боғ пиёз. Ҳи-ҳи-ҳи.

Кеча ёнимиздаги қурилишга уч-тўртта ўқувчиларни юбориб, озгина оқак билан қум обкелтириб қўйдим. Қоровулга сөздеришибди, азаматлар. «Молодец!» дедим.

Сиз қаерда? Трикотаж фабрикасидами? Яхши, латта-путталардан олиб келаверинг, полларни, ойналарни ювишта ишлайди.

Нима?.. Пул тўплаш... Билмадим энди, қандоқ бўларкин? Ҳар йили йигамиз-ку, дейсизми?.. Үзларинг биласизлар. Мен қўлим-гаям ушламайман. Ота-оналар қўмитасини сайлагансизлар-а? Йил давомида қораларини кўрсатишмади. Мана энди, уларнинг ишлайдиган вақтлари келди — ўшалар йигиб сарфлайверишин.

Хўш, сиз қаердан?.. Нима?.. Газетадан?! Мухбирман, денг. Кечирасиз, танимайроқ турибман, бизда ўғлингиз ўқийдими ё қизингиз? Ҳеч кимим?.. Ие, ҳа нима қилиб ўтирибсиз унда? Ота-оналар мажлиси ҳақида мақола ёзмоқчийдим?.. Э-э, мақолага факт керак бўлса, ўзимга айтмайсизми, укажон... Аммо биласизми, бу ерда ҳозир эшиттанларингизни мақола қилмай қўяқолинг. Энди у ёғини ўзингиз яхши тушунасиз...

... Қаҳрамонимнинг гали ерда қолмасин деб, мақола қилмай ҳажвия ёзиб қўяқолдим.

## АЛМАШТИРИШ

Ўшанда хўжалигимиз пахта тайёрлаш режасини илфорлар қаторида дўндирганди. Раисимиз ҳам оғзи қулогида, хаёли осмони фалакда парвоз қилиб юрган бўлса-да, вилоятдан келган вакиль машина теримидан сўз очгандা, бир оз каловвланиб қолди. Лекин дарров ўзини туғиб олди-да, оғзини тўлдириб ваъда берди:

— Келаси йили, албатта, асосий эътиборни машина теримига қаратамиз. Деҳқонларимизнинг қўй мөҳнатини сенгиллаширамиз. Бунинг учун мавжуд пахта териш машиналарини янгисига алмаштирамиз.

Кейинги йили планни зўрға бажардик.

— Бу йилги навлар машина теримига мос келмади, — деди раис шу хусусда гап очилганда, — машина ораласа дув тўкилади-я. Янаги йил бошқа машиналаб навларга алмаштирамиз.

Ой билан кун ҳам ўтаверар экан. Яна куз келди, яна ўша дард ҳаммани ўйлантиради.

— Адашдик, — деди бу гал раис астойдил афсус чекиб, — пахтани машиналаб қилиб ўстиролмадик. Энди ғўзани парваришилашнинг алмисоқдан қолган усулларини замонавий технология билан алмаштиришимиз керакка ўхшайди. Раис кейинги йилларда машинада териладиган майдонларни, механизаторларни ва ҳатто бош муҳандисни алмаштирди. Аммо, фалон пул сарфлаб яп-янги сотиб олинган ёки таъмирланган машиналар паркдан дала шийпонигача, нари борса пайкалбошигача борар, тергани хўжакўрсинга бир неча бункергина терар, айримлари умуман пайкал ораламай паркка қайтарди. Машина теримига ажратилган майдонларни ҳам турли баҳоналар билан қўлда териш давом этаверди. Машина терими суръати йилдан-йилга яхшилашиш ўрнига ортга кетаверди. Ҳашарчиларга суюниб қолдик. Уларни олиб келиб, олиб кетишга фалон пул сарфланаверди. Ўқувчилар икки ойлаб дарсдан қолиб кетишди. Пахтакорларнинг ҳам ишдан кўнгли совиди, ҳатто айримлари, шаҳар яқин эмасми, бошқа ишнинг этагини тутиш пайида бўлиб қолишиди.

...Хайрият, ўтган йили, кўз тегмасин машиналарнинг ҳаммаси унум билан ишлади. Ҳосилнинг нақ 80 фойзи, мухбирлар айтгандай «пўлат этаклардан» тўкилди. Хўжалигимиз пахтани ҳашарчиларсиз йигиб олди, болаларимиз ҳам ўқищдан қолишиб мади. Болалик аёлларга йигим-теримнинг энг долзарб паллала-рида ҳам дам олиш кунлари бериб турилганини айтмайсизми?

Нима, нима? «Раисинг ўша йили нимани алмаштирувди», дейсизми?

Биринчидан, нимани эмас, кимни. Иккинчидан, раис эмас, раисни алмаштиришганди... Тушунгандирсиз?..

## ҚҮЁШ ҚАЙСИ ТАРАФДАН ЧИҚАДИ

Эшик пештоқига «Тинчлик сақлансын. Имтиҳон кетяпты!» деган ёзув осиб қўйилган. Хонада байрамона руҳ ҳукмрон. Узун стол устига мато ёнилиб гуллар қўйилган. Қатор бўлиб имтиҳон ҳайъати аъзолари ўтиришибди.

Аммо ҳайъат раисини ҳисобга олмаганда ҳаммаси ўз иши билан банд. Бири нимадир ёзган, бошқаси алланимани синчик-лаб ўқиётган. Учинчиси мудраган...

«Иқтисодий география»дан имтиҳон топшираётган ўқувчи-лар эса ҳаяжонда. Тайёргарлиги сустроқ ўсмирга «Ривожланган капиталистик мамлакатлар иқтисодиёти» савол қилиб берилган экан, мутлақо жавоб бера олмади.

Имтиҳон ҳайъати раиси унинг фикрини йўналтиromoқчи бўлиб деди:

— Ҳа майли, иқтисодиётни қўйиб турга турайлик. Ривожланган капиталистик мамлакатларни айтинг-чи.

Ўқувчи жим.

— Ривожланган капиталистик мамлакатлардан бирортасини айтинг, ҳеч бўлмаса.

Ўқувчи оғзига толқон солгандай жим.

— Мана, масалан, қўёш мамлакати...

Ўқувчидан садо чиқмади.

— Қўёш мамлакатини биласизми?... Қўёш биринчи бўлиб қайси мамлакат ҳудудига нур сочади?

Жавоб йўқ.

— Қўёш ўзи қайси тарафдан чиқади?

Ўқувчи секин бошини кўтарди, талмовсираб.

— Жанубдан, — деди.

■Хуноб бўлиб турган раис қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Вах-ха-ха-ха... Вах-ха-ха-ха...

Ҳалидан буён савол-жавобга эътибор бермай, гоҳ алланималарни ёзиб, гоҳ мудраб ўтирган кекса домла:

— Ҳа, нимага куляпсиз? — деди кўзойнагини олиб.

— Манави йигитнинг жавобини эшитмадингизми, домла. Вах-ха-ха-ха...

— Ҳа, нима деди?

— Қўёш жанубдан чиқади, деяпти.

— Ие, роса қойил қилибсан-ку, болам. Ахир қўёш жунубга ботади-ку, яна жунубдан чиқадими?

Раис яна бир қаҳ-қаҳ уриб кулди, кейин жиддийлашди.

— Лекин, ўзлари ҳам қойил қилдилар-да, домла, — деб бош чайқаб қўйди ва сигаретини туташтириб, чуқур-чуқур тортди-да, ташқарига чиқиб кетди

## ДУНЁДА ГАПЛАР КЎП

— Йиқитишиди, энағарлар.

— Нимадан?

— Имтиҳондан-да!

— Қайси фандан демоқчиман.

— Химиядан.

— Тайёргарлиги дурустмиди, ўзи?

— Э, роса ўқиган. Ё заринг, ё зўринг бўлсин экан. Бизга ўхшаган колхозчининг боласини олмайди, шекилли, бу энағарлар.

— Ўзи бўшроқ бўлса керак-да.

— Э-э, нега бўш бўлади? Ўқариқнинг четида туғилиб, пайкалда катта бўлган. Муштдайлигидан пахтанинг ичидা. Пишиқ, пухта, ушлаган еридан узади. Далада қўлланилаётган химиявий дориларни кўрган, исплатган, ҳидлаган.

— Қайси китоблардан тайёрланган эдингиз?

— ...

— Химия фани нимани ўрганади?

— ...

— Ош тузининг формуласини айтинг-чи?

— ...

— Сувнинг формуласини биларсиз?

Бола индамай қоп-қора мушти билан бурнини артди. Отаси чойнинг тагини силкитиб дўқ эткизиб қўйган чойнакни олиб са-мовар томонга кетди.

Ота кўзлари чақнаб, суҳбатдошига қаради:

— Ие, вей, туз билан сувниям формуласи борми?... Во-о, дунёда ҳали биз билмаган гаплар кўп эканда-а?..

## ТУШУНГАН ОДАМ

— Ишлар қалай, Қурбонов?

Худди шу саволни анчадан бери кутаёттган Қурбоновнинг ча-  
каги очилиб кетди.

— Юрибмиз, хўжайин, бир нави, тупроқдан ташқари деган-  
ларидай. Аммо, манави эски машина жуда қийнаб юборялти. Ак-  
кумулятори ўтириб қолганига анча бўлди Карбюраторниям со-  
злаш керак. Маошга балон олай десам, бола-чақанинг оғзини  
тикиб қўйиб бўлмаса. Бу кетицда эрта-индин машина минолмай  
қоладиганга ўхшайман.

Дарвоқе, ўзингизниям ким ошди савдосида олиб қўйган «Мос-  
кович»ингиз ҳам ётиби анчадан бери. Тиклаб сотовориш учун анча-  
мунча эҳтиёт қисмлар керак. Оғзимизни очиб ўтирганимиз билан  
биров «Ма, манавини опкўй», демайди. Туяга янтоқ керак бўлса,  
бўйинни чўзилди, деганларидай... Сиз менга икки энлик қоғоз қилиб  
берсангиз бўлди, янтоқни туяга қараб ингиладиган қип ташлайман.

Бу ёғи, тушунган одамсиз, ўзингиздан қолар гап йўқ. Енилги-  
ниям жиндай ғамлаб бермасак, ўртанчангизнинг «Дамас» ҳам  
тўхтаб қолмасин, хўжайин.

Кирага чиқариб қўйган «РАФ»ингизниям балонлариниам сий-  
қаси чиқиб кетди. Ўзим шартта янгилаб берай дейман-у... Лекин...  
тирикчилик қургур... Ахир ҳеч вақоси йўқ ташкилотларда қуруқ  
қоғоз титиб юрганимиз билан...

— Бўйти-бўйти, тушундим. Анча қийналиб қопсизда. Яхши,  
янаги ойда сизни автокорхонани тафтиш қылгани юбораман...

## ШАМОЛ ҚАЁҚДАН ЭССА

Муовин Кунгабоқаров билан бўлим мудири Сувдаоқаров  
кабинетта кириб келганиларида бошлиқ телефонда бирорни  
койиб ўдағайлаётганди:

— Саккизинчиди ўқийди-я, хумбош,— деди бошлиқ трубкани  
қўйгач,— кеча учинчи синфнинг масаласини берсам ечолмади.

— Бай-бай-бай... Саккизинчи синфда ўқиб-а?..

— Вой-бўй, учинчи синфнинг масаласини-я?..

Ота ўз фарзандини ҳар қанча ёмонлаши мумкин. Лекин, уни  
биров, яна қўл остида ишлайдиганлар ёмон деса... Бошлиқ чи-  
даб туролмади.

— Нима «Бай-бай», нима «Вой-бүй»? Э, ҳозир ўзи ўнинчини битириётгандарнинг ҳам кўпчилиги ечолмайди ўша масалани.

Кунгабоқаров билан Сувдаоқаров қовун тушириб қўяёзгандарини тушунишиди-ю, яна гап билан андавалашга шошилишиди.

— Хўжайнин, ўзиям программалар жудаям мураккаб бўп кетди-да.

— Ўқитувчилир ам яхши ўқитишмайди денг...

— Ўтган куни мен ҳам учинчи синфнинг математикасини очиб кўрувдим, айрим масалаларни ечолмай анча мулзам бўлдим.

— Вой-бүй, Кунгабоқаров акам ечолмаганларидан кейин Тойлоқжон билан бизга йўл бўлсин...

## ШИОР

— Биласизми, кеча бозорга тушувдим. Жуда асабим бузилди. Кўзбўямачилик ҳам зви билан-да.

— Ҳа, нима бўпти?

— У ердаги аҳволни ҳамма билади-ку, яна шундоқ кираверишга шиор осиб қўйипибди.

— Қанақа шиор?

— «Бозоримизда чайқовчиларга, олибсотарларга ўрин йўқ!» эмиш. Ё тавба!

— Тўғри ёзишибди. Бунинг нимаси ёмон?

— Қанақасига? Чайқовчилар бирни ўнга пуллаб ётишибди-ю.

— Ахир, ўрин йўқ бўлгандан кейин, йўқ, дейди-да.

— Чайқовчи, олибсотарлар bemаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетди-ку, ахир??

— Шунинг учун ёзишибди. Бунинг нимаси ёмон?

— Йўқ, ўлай агар, ҳеч нарсага тушунмаяпман.

— Э, ука, сиз ўзи нима иш қиласиз?

— Менми?.. Театрнинг директориман.

— Яхши. Унда эртага сизнинг театрнингизга ўнта, айтайлик, фижакакчи ишга кирмоқчи. Оласизми?

— Йўғ-э. Бизда битта фижакчига ўрин бор, у ҳам банд.

— Нега олмайсиз?

— Айтапман-ку, ўрин йўқ деб.

— Ана энди ўзингизга келдингиз, ука. Уларда ҳам бошқа чайқовчилар учун бўш ўринлар йўқ.

— Ҳа-а...

## **ҚАБУЛХОНАДА**

- Ҳузурхонов акамларгами? У киши бандлар. Чоршанба куни қабул қиласидилар. Навбатга ёзилиб қўйинг.
- Мен унинг отасиман.
- Ие, шунақами?.. Танимабмиз-а, узр. Унақа бўлса, чоршанба куни келаверинг, навбатсиз киритиб юборамиз.

## **ИҚРОР**

- Тўполонни қара!.. Ит эгасини танимайди-я!
- Тўғри айтасан, сен ҳам мени танимадинг-а?..

## **КАМТАР**

- Дунёда иккита яхши одам бор, биттаси — сизсиз! Иккинчи сини айтвординг.
- Иккинчисини ҳам ўзингиз айтавермайсизми?
- Менми?.. Йўғ-е. Ўзим айтсан нокамтарлик бўлармикин.

## **ҚОЙИЛЭМАС**

- Тежамкорлигимга энди қойил қоларсиз, дадаси, — деди бир куни хотини Хасисхўжага. — Ўзимнинг эски кўйлагимдан сизга галстук тикиб қўйдим.
- Мутлақо қойил эмасман. Мен сенинг тежамкорлигингга қачон тан беришим мумкинлигини айтайми?
- Айтинг-чи...
- Менинг эски галстугимдан ўзинингта кўйлак тикиб олганингда.

## **ДОЛЗАРБМАВЗУ**

- Пахтакорларимизнинг фаровон япашлари учун ҳамма имкониятларни ишга соляпмиз, — деди жамоа ҳўжалиги раиси «Пахтақишлоқ тонги» газетаси мухбири билан суҳбатда.
- Бирорта мисол келтирсангиз?..

— Марҳамат: хўжалигимизда сўнгти йилларда кам даромадлилиги учун нафақа оладиган оиласалар сони анча кўпайди.

## «НЕЧА ЙИЛ ЎҚИЙСАН» (Ҳазил)

«Андижон—Тошкент» поездидага кетаёттанимизда бир оқсоқол сўраб қолди:

- Тошкентда ўқийсанми, болам.
- Ҳа, оталон.
- Беш йиллик ўқищдами?
- Йўқ, институтни тугатганман. Аспирантурада ўқийман.
- У қанақа ўқиш?
- Илмий иш қиласиз-да.
- Ўқийсанми, ишлайсанми?
- Ўқийман, аспирантурада. Тажрибалар ўтказамиз, диссертация ёзамиз.

Оқсоқол яна анча ўсмоқчилаб суриштирди, тушунтиришга ҳаракат қилдим. Охири яна сўради:

- Неча йил ўқийсан ўзи?
- Уч йил.
- Э, болам-а, шунча бошимни айлантирмай техникумда ўқийман, деб қўяқолсанг-ку бўлади-я.

## ҚЎЛИ ҚАЕРИДА

Катта Фарғона канали бунёд этилаётган даврда шу ердаги иирик иншоотлардан бирининг қурилишига таниқли инженер В. Пославский раҳбарлик қиларкан. У ҳар оқшом кундалик иш якупнарини таҳлил қиласар, режадагидан кам одам қатнашаётган икки хўжалик раҳбарига танбеҳ бераркан.

Бир куни В. Пославский Юсмон Юсуповга шикоят қипти.

- Раисларини чақириб дурустроқ гаплашдингизми?
- Гаплашдим. Раислари жуда хушмуомала йигитлар. «Хўп, хўп», деб кулиб туришади. Аммо бажаришмайди.
- «Хўп-хўп» деганда қўлинин қаерга қўйиб туради, — сўрабди Юсмон ота.

В. Пославский бир зум ўйланиб туриб, елка қисибди:

— Ҳеч эътибор бермаган эканман, Юсмон Юсупович.

— Бундан кейин шунга албатта, эътибор беринг, — дебди У. Юсупов кулиб. — Узбек йигитлари «хўп-хўп» деганда қўли кўкрагида турса, уни сўзсиз бажаришади. Мабодо қўли қорнидан пастроқда турган бўлса, умид қилмай қўяверасиз...

### БИТТА ЧЕКТИРИНГ

Шифокор қабулидаги беморга уқтириди:

— Чекиши ташланг. Сизга мутлақо мумкин эмас. Умуман ҳамма учун ҳам чекиш ўта зарарли.

— Хўп бўлади.

Бемор миннатдорчиллик билдириб, энди эшикка йўналган эди, шифокор уни тўхтатди:

— Битта чектириб кетинг.

### ТЕПА СОЧ

Ўқитувчи ўқувчининг дафтарига катта қилиб «икки» баҳо кўйди-да, деди:

— Мана, олиб бориб дадангта кўрсат. Ҳойнаҳой, тепа сочи тикка бўлиб кетса керак.

— Опа,— деди ўқувчи секин бошини кўтариб.

— Ҳа.

— Дадамнинг тепа сочи кеча дўконда қўлингиздаги дафтарнинг нархини эшитгандаёқ кўтарилиб кетган...

### СЎНІТИ САҲИФАДАН

— Биласанми, газетани одатда қайси саҳифасидан бошлаб ўқишиади.

— Сўнгти саҳифасидан.

— Нега?

— Чунки шу бетда таъзияномалар босилган бўлади-да.

— Ие?.. Ҳўш нима бўпти?..

— Бирров кўз югуртириб чиқасан-да. Бу ерда ўзингнинг исми шарифинг бўлмаса... «Хайрият, тирик эканман» дейсанда, хоҳлаган саҳифангни ўқииверасан.

## **СУВДАГИ БАЛИҚДЕК**

Эркабой бошлиғининг олдида ўзини сувдаги балиқдек ҳис қиласди.

— Ў-хў... Ўзини жуда эркин тутади, демоқчимисиз?

— Йўқ, оғзини очади-ю, ҳеч нарса гапиролмайди, дейман.

## **ХАЁЛПАРАСТ**

— Ҳеч паришон хотирлигингиз қолмади — қолмади-да, дадаси. Ҳаммасига чидадим, аммо патефонга лапплакнинг ўрнига қатламани қўйганингизни қаранг-а?

## **ТЕЖАЛАДИГАН БЎЛДИ**

— Сочларини қорайтираман, деб қанча дори-дармон, бўёқ сарфлаётганди. Энди чиқими анча енгиллашди.

— Сочлари қорайиб бўлдими?

— Йўқ, тўкилиб битди.

## **ТАРОЗИ БИЗНИКИ**

— Мана, ҳаш-паш дегунча битта молнинг гўштиниям сотиб тугатвордик-а. Баракалла, ўғлим.

— Дада, ойим қудалар келади, шўрвага қўй гўшти олиб келгин, девдилар.

— Олақол, фақат анави Турди қассобдан олмагин, хўпми?

— Нега?

— Чунки у бизнинг тарозидан фойдаланяпти-да.

## **ЎРГАНИБ КЕТАСАН**

— Уф-ф-ф...

— Ҳа, дўстим тинчликми? Нимага хуноб бўлаяпсан?

— Кўрмайсанми, оғайни, чўнтағимда бир сўм ҳам қолмабди.

— Ҳа-а, шунга шунчами?! Ҳафа бўлма, ўрганиб кетасан, бизда анчадан бери йўқ.

## **РАНГ-БАРАНГЛИКЯХШИ**

- Чучвараларинг ҳар хилми, хотин, бири катта, бири кичик-а?
- Ахир ўзингиз бир хил овқат еявериш жонга тегди, дедингизку, дадаси.

## **КЎРИЧАКНИНГ ЯРМИ**

- Ўҳ-ўҳ... Доктор, мана ҳалигини оп қўйинг... Вой, жоним.
- Тинчланинг, тинчланинг. Мана энди, сизни операцияга тайёрлашади.
- Доктор, фақат сиз айтганинг ярмини зўрға эплаштиридикда. **Майлими?**
- Майли, майли. Менга барибир. Фақат у ҳолда кўричагингизнинг қолган ярмини қачон оламиз?

## **МИТТИ «ИШБИЛАРМОН»**

- Болалар, келинглар, «ҳайвонот боғи» ўйнаймиз.
- Майли, қандай қилиб.
- Жуда оддий. Мен олмахон бўламан. Сизлар уйларингдан менга ёнғоқ опчиқасизлар.

## **ТИЛАҚДА ГАП КЎП**

- Аёллар эркаклардан кўпроқ умр кўришади. Биласанми, хотин нима учун.
- Билмадим.
- Билмайсан!.. Бунинг учун бизга миннатдорчилик билдиришларинг керак.
- Ҳо-о, нега энди?
- Ахир биз сизларнинг соғлиқларингизни тилаб ичиб турамиз-да.

## **«ШАЙТОНГА ЎХША»**

- Отаси шайтонбаччанинг қулоғини тагига шарақлатиб туширди.
- Кўйсангиз-чи, у нима қилди? — сўради она шайтон ҳайрон бўлиб.

— Күрмайсанми, ўзини худди фариштадек тутаяпти, ярамас.  
Ха, сал-пал шайтонга ўхша.

### **КҮПРОҚ ЭДИ**

— Театр залида томошабинлар күпчилик эдими?  
— Унчалик эмас. Ҳар қалай саҳнадагилардан күпроқ эди.

### **ЎРГАНГАН КҮНГИЛ**

— Юртимизда бюрократлар камайиб кетяпти. Уларни «Қи-  
зил китоб»га киритсакмикин, — дейищди бошлиққа.  
— Эртага келинглар, маслаҳатлашиб күрамиз, — деди у.

### **ЎХШАТИБ УЧРАТГАНЛАР...**

— Маошиңганинг нақ учдан бирини нафақага тўлаётганинг  
учун қийналиб қолмаяпсизларми?  
— Унчалик эмас. Чунки иккинчи хотинимнинг биринчи зри-  
дан оладиган нафақаси мен тўлайдигандан күпроқ.

### **АРИЗАДАН**

«Моддий аҳволим ниҳоятда оғирлигини ҳисобга олиб, яқин-  
да сотиб олган енгил машинамга гараж қуришга касаба уюшма-  
си қўмитаси ҳисобидан ёрдам беришингизни сўрайман».

### **УЧАР**

— Холтоев сизларда ишлар эканда-а?  
— Ҳа. Нима, сиз у кишини танийсизми?  
— Талабалик йилларимиз Тошкентда бир вақтда кечган. Гоҳ-  
гоҳ қўришиб турардик.  
— Қалай эди ўша пайтлар, бу Холтоев-а?  
— О-о, учар эди, учар. Уни шайтонга шогирд тушган, деб  
таърифлашарди.  
— Ў-хў, зап топиб айтишган экан. Лекин ҳозир у устозидан  
анча ўзиб кетган.

## **БИР ЙЎЛА**

- Қандолат фабрикасининг директори ўтган куни қўлга тушган ташимачиларни роса боплабди-да.
- Нима қилибди?
- Улар олиб чиқиб кетаётган уч килограмм конфетни бир йўла ейшини талаб қилибди.
- Бай, бай, бай... хайриятки, раисимиз бу усулни билмас экан. Бўлмаса, кеча қўлга тушганимда бир қоп минерал ўғитни тўғри қиласкан.

## **МАНТИҚЛИ ЖАВОБ**

- «Пештахта» сўзининг луғавий маъноси қандай?
- Илгари қандай бўлганинги билмадиму, ҳозир «бўш тахта» деганини билдирса керак-да.

## **КИМНИЖАЗОЛАЯПТИ**

- Янги бошлиғинг бу йил ҳам қўшиб ёзганларни жазолаш билан овора бўлдими?
- Йўғ-э, энди қўшмай ёзганларни...

## **МЕҲМОН**

- Байрам зиёфатига фермадан кимлар келадиган бўлди?
- Мудир, зоотехник... ва товуқлар.
- Товуқлар??
- Ҳа-ҳа, зиёфатда улар ҳам иштирок этадиган бўлишди. Меҳмон сифатида эмас, албатта, таом сифатида.

## **ТЕПКИ**

Туя ҳаммомга тушишни орзу қилгандек, чекка қишлоқ мактабида ўқитувчиликни аранг амаллаб юрган Турғунов актёрликни ҳавас қилиб қолди. Маданият бошқармасидаги тоғаси орқали төатрга ҳам жойлашиб олди. Унга хон саройи хизматкори ролини топширишди. Вазифаси оддий, саройга кириб чопар келганидан хабар берishi керак, холос. Репетицияларда анча турткilandи.

Премьера куни илк бор саңнага чиққан Тургунов хоннинг оёғига йиқилиб, «Хоқон» деди-ю, жимиб қолди, у «чопар» сўзини зслай олмасди.

Хон ролини ўйнаётган машҳур актёрнинг жаҳли чиқди.

— Чопар келган бўлса, чақир, кирсин, тур ўрнингдан, — деб «кизматкор»ни бир тепди.

«Тепса-тебранмас» деганлари ёлғон чиқиб қолди. Машҳур санъаткорнинг бир тепкиси билан нўноқ актёр театрдан кетди.

### **АНИҚЛИК КИРИТИШ**

Савдо базасининг бўлим мудирини хориждан келтирилган камёб молларни чайқовчиларга хуфиёна ошираётганда тўсатдан қўлга туширишди.

— Қанча молни олибсотарларга оширдингиз? — сўради опе-рация иштирокчиларидан бири.

— Кечирасиз, саволингизни тушунмадим, — деди шошиб қол-ган мудир, — кечагисини сўрайтпизми, бугунгисиними?

### **ЧОРАСИ ТОПИЛАДИ**

— Яқинда тўрттагача хотин олишга рухсат берадиган қонун чиқар эмиш.

— Э-э, ўзи биттасини аранг эплайсизлару, тўрттага йўл бўлсин. Ахир, уларни боқиш керак!

— Э, хотин, шунга ҳам ақлинг етмайдими? Аввал тўртта қилволайлик, кейин маслаҳатлашамиз-да — бир одам тўрт кишини боққани маъқулми, тўрт киши биттасиними?

### **СЕН ҲАЛИ ШОШМА**

Қишлоғимизда Faфур қизиқ деган афандинамо ҳазилкаш киши бор. Бир вақтлар унинг қизи билан куёви орасида тез-тез жанжал чиқаверибди. Бир куни Faфур қизиқ куёвини ёнига ўтиргизиб олиб насиҳат қилибди.

Куёв қизишиброқ турган экан:

— Бўлди, керак эмас, ажрашаман, — дебди.

— Нима?! — дебди қизиқ кулиб. — Шу билан осонгина қутиласман, деб ўйляяпсанми? Овора бўлма, болам, мен унинг онаси

билан қирқ йилдан бүён ажрашаман деб, ажрашолмаяпман-у, сен дарров қутилиб кетаверасанми? Йүқ, унақаси кетмайды, бор, хотинингни олиб уйингта жұна.

### **БИР АРАВА ГҮНГ**

Faфур қизиқ ишлайдиган бригадага маҳаллий ўғит ташила-ётган пайтлар эди. Қүшни бригада бошлиғи тракторнинг йўлини тўсиб, бир арава ўғитни даласига тўқтириб олибди. Faфур қизиқ тракторчини койимоқчи бўлибди-ю, бунда нима айб, деб индамабди.

Оқшом чойхонада ўша бригада бошлигини учратиб қолиб депти:

- Бригадамиздагилар сиздан анча хафа бўлишди.
- Нега?
- Билмадим, — дебди қизиқ ҳеч нарсадан бехабардай елка қисиб. — Бир арава гўнгимизни еб кетди, дейишяптимиш...

### **САВОЛ**

- Ойи, колхозимизнинг аввалги бошлиқлари сеҳргармиidlар?
- Болажоним, нимага унақа дейсан?
- Дадамлар айтдиларку, «Туюни ютишса думини кўрсатишмасди», деб.

### **«ТУХУМ»**

- Деҳқон бозорига ии қуриб олган бир гуруҳ чорбозорчилар бирдан кўринмай қолиши-я. Нима бало, тухум босиб ётишибдими?
- Йўғ-с, босгани тухум тополмай изғиб юришибди.
- Нега энди?
- Янги қарордан кейин уларнинг тухуми қуритипти-да!

### **АНТИҚА МАТЕРИАЛ**

- Мана шу данғиллама қурилиш учун энг кўп ишлатилган материал нима? Топ-чи?

— Фишт.  
— Йўқ.  
— Ёғоч!  
— Тополмадинг.  
— Нима бўлмаса?  
— Пиёз...  
— Нима?.. Ҳа, тушундим. Демак, бу иморат сомсағазники эканда.

### ҲАММАГА ЕТСИН

— Шу овқатингиз бир порциями?  
— Бир порция, акажон!  
— Бунча оз?  
— Ҳаммага етсин деймиз-да, акажон, — деди ошпаз тиржайиб.

### КИМ БЎЛАДИ

Дарсдан хуноби ошиб чиққан асистент йигит эшик олдидағи қоровул чолга ҳасратини тўкиб солди:

— Алифни кўрсатсанг, калтак дейишиади-я! Институтни-ку отоналарининг илтимосу кўнғироқлари билан амаллаб битиришар. Лекин, қандай қилиб инженер бўлиб ишлашади-а?

— Ташвишланманг, болам, — деди чол кулиб, — кўнғироқлар билан имтиҳонлардан ўтиб, ўқиши туталлаган бола ҳеч вақт инженер бўлиб ишламайди.

— Ким бўлади унда?  
— Ҳеч бўлмаганда бош инженер бўлади-да!

### ШУБҲА

Модалар ательеси директорининг ҳузурига бир киши шикоят билан келди. Чеварлар костюмнинг енгларини бирини узун, иккинчисини калта қилиб тикиб қўйишганниш.

— Гапингизга ишонгим келмаяпти, — деди директор, — бизнинг чеварларимиз мижозларга ҳамма вақт кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб келишган. — Хўш, костюмингизни қайси чевар тиккан экан?

— Азиза Сайдова дегани.

— Ие-ие, ундаи бўлса, мутлақо ишонмайман. Ахир у бизнинг энг илфор чеваримиз-а?..

— Мана, кўриб турибсиз-ку?! — деди у киши қўлларини олдинга узатиб.

— Кўриб турибман, кўриб турибман. Костюмнинг снгидан бир қўлингиз узунроқ, бошқаси калтароқ чиқиб туриди. Дарвоқе, ўзингиз яхшироқ зътибор берганмидингиз, балки қўлларингизнинг бири узун, бири калтадир.

### ЎЗГАРИШ

— Машинанг «Гўзаллик салони» нинг олдида кўп турадиган бўлиб қолди. Нима, иш жойингизни янги иладингизми ёки хўжайининг ўзгардими?

— Иш жойимни ҳам янгилаганим йўқ, хўжайиним ҳам ўз ўрнида. Фақат ...хўжайнинг хўжайниларни ўзgartирдилар.

### ОВЧИЛАР

— Пиллакор қиз Ҳалимахонларнинг уйидан совчиларнинг кети узилмай қолдими?

— Эшитмадингизми, Ҳалимахон юқори сифатли мўл пилла етиштириш бўйича мусобақада голиб чиққани учун «Жигули» билан мукофотланди.

— Ие, шунақами... Бизнинг кампир ҳам келин ахтариб юрувди, дарров хабардор қиласай...

### ЕНГИЛЛИК ВА ОФИРЛИК

— Иккинчи қиссамни ҳам худди биринчисидек жуда енгил ёзib ташладим, — деди ёзувчи мағрур.

— Ишқилиб китобхонларга оғирлик қилиб қолмаса бўлдида, — деди муҳаррир жилмайиб.

### БЎШ ПАЙТЛАРДА

Колхоз кутубхоначиси Ҳушим Келдневга «Ишдан бўш пайтларингизда нима билан шуғулланасиз?» деб савол беришди.

— Раис, муовин буюрган ишлардан бўш пайтларимда кутубхонани очиб ўтираман, — деб жавоб берди кутубхоначи.

## **«РАИС БҮЛМОҚЧИМИСИЗ»**

— Ишлар қалай? — сўради бир шоир Тўтиқушдан.

— М... Миқтай ... Илгари мени тақлидчисан, деб кулишарди. Энди биз кўпчиликмиз. Уюшма тузсакми, деб турибмиз... Нега кулаяпсиз?.. Хурсандсиз-а? Раис бўлмоқчимисиз?..

## **ИШТАҲА**

— Байрам кўрсатувини тасвирга туширяпмиз. Мухлисларимизнинг илтимосларини адо этамиз. Сизга қайси хонанданинг қандай қўшиғи ёқади?

Сотувчи:

— Харидорлар ижросида...

— Харидорлар?

— Ҳа-ҳа, харидорлар ижросида «Алда мени, алдагани ўзим яхши» қўшигини эшлишни ёқтираман.

## **ЧЕК ҚЎЯЙЛИК**

— Бундан кейин мажлисбозликка чек қўяйлик. Гап камроқ, иш кўпроқ бўлсин.

— Хўп бўлади.

— Шу масалани келишиб олиш учун шошилинч мажлис чақирайлик.

## **ДАФТАР УМУМИЙ**

— Ў-хў, ҳар соҳадан бир шингил бўп кетибди-ю, — деди ўқитувчи талабанинг дафтарини варақлаб.

— Бетига ёзиб қўйилган-ку, домла — бу умумий дафтарда.

## **«ҚОВУН ТУШИРДИ»**

— Полиз бригадири Мамарайимнинг бозорга олиб келган қовунларини тажрибахонада таҳлил қилишса, селитра кўп солинганидан ейишга яроқсиз чиқибди. Икки машина қовунни ахлатхонага улоқтиришибди-я!..

— Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ.

— Нега энди?..

— Чунки ўша Мамарайим ферма мудирлигига ҳам сутта сув қўшиб топширмоқчи бўлиб, «қовун туширган»-да!

### ФИЛДИРАК ЧИҚАДИМИ

— Ўртоқ директор, бу нима деган гап-а, комбинатингизда тайёрланган ноннинг ичидан нақ тўрт сантиметрлик гайка чиқди!

— Нонни қайси магазиндан олган эдингиз?

— Марказдаги тўртинчи дўкондан.

— Ношукурчилик қилманглар. У ерга бизнинг намунали олтинчи цехимиз маҳсулот юборади-я.

— Шунақами, — деди харидор кинояли жиљмайиб, — намунали цехингизнинг маҳсулоти шу бўлса, бошқаларникидан филдирак чиқарканда-а?!

### ҚУРОҚҚУТЛОВ

Во-от, янги йил эшигимизни стучать қип турибди. Ишларимизни подитожит қиласиган вақт келди. Бу йил, вообще, ёмон ишлаганимиз йўқ. Заданиеларни бажардик. По этому ҳаммаларингизни от души табриклийман.

Янги йилга анча ишларни планировать қип турибмиз. Ҳаммамиз, как говорится, бир ёқадан енг чиқариб... нима?.. Ҳа-ҳа, бир ёқадан бош чиқариб старатся қиласилек. Яна бир марта с новым годом, ўртоқлар!

### ЁШИ НЕЧАДА

Сафар олдидан «Гўзалик салони»да «ёшариб» чиқсан танноз аёл купедаги ҳамроҳидан сўради:

— Айтинг-чи, менинг ёшим нечада?..

У киши ўлланиб қолди: ёши ўтганлиги шундоқ кўринниб турибди. Лекин, аёл киши... кўнгли нозик...

— Билмадим, — деди нокулай аҳволда. — Бир қарашда айтишим қийинга ўхшайди...

— Унда, келинг, мен сизга ўзим ҳақимда айрим маълумотларни айтай. Шунга қараб, балки ёшимни аниқлаб оларсиз.

— Қани, айтинг-чи...

— Мана, масалан, қизим бөгчага боради...  
— Йүғ-е, наҳотки!.. Нима, қизингиз бөгча мудирасими?!

### **ҚОҒОЗ БАНДАСИ**

— Хотинингизни севасизми?  
— Кечирасиз, юқоридан янги йўриқномалар келувади-я. Танишиб олиб, кейин жавоб берсам майлимни?

### **СОПИ ЎЗИДАН БЎЛСИН**

Милиция бўлимига қўнғироқ қилишди:  
— Биттаси чўмилгани тушиб кетган экан, кийимтарини ўғирлаб кетишибди. Ёрдам беринглар.  
— Зарари йўқ. У ҳам яна бирортаси чўмилгани тушиб кетгунча кутиб туралолсин...

### **АЙТИБ БЎЛМАЙДИ**

— Алло, Турдали, ўзингмисан. Ҳали бирга олган кўнгилочар газетадаги латифани ўқидингми?  
— Ўқиганимча йўқ. Нимайди?  
— Ўқигин-а, кулиб қотиб қоласан.  
— Ростдан-а?.. Айтиб берақолмайсанми?  
— Нима?.. Қўйсангчи, телефонда айтиб бўлмайди. Уят бўлади-я!..

### **СОВУТИБ БЕРИНГ**

Бир корхонага юқори ташкилотдан возир келибди, бошлиқ меҳмонни уйига олиб келибди. Қиттай-қиттай олишгач, мезbon мақтанишга тушибди:

— Давлат тилини жорий қилишга астойдил киришганмиз. Болаларни ҳам она тилимизга муҳаббат руҳида тарбиялаяпмиз.

Бу пайт бошлиқнинг кичкина қизчаси эшикдан кириб келди.

— Папа, папа...

— Ху, аяси, олинг мановини, овқатини совитиб берсангиз бўлмайдими...

### **МУРАККАБ САВОЛ**

Дарсдан ҳориб чиққан кекса домла «уф» тортди-да, талабаларнинг билимсизлигидан нолиди.

— Бугун биттасидан учбурчакнинг юзини сўрасам айтиб беромлади.

Хонада ўтирганлардан садо чиқавермагач, секин дедим:

— Ие, унақа мураккаб саволларни берманг-да, домла.

Ҳамма баробар кулиб юборди. Домланинг ҳам юзига табасум югоруди.

### **ХИЗМАТ-БЕМИННАТ**

— Янги очилган ширкатда нима билан шуғулланяпсизлар?

— Э-э, ҳамма нарса билан. Лўлининг эшагини сугориб, пулини оламиз-да.

— Эшагини пулга сугортирадиганлар топиляптими, ишқилиб?

— ҳазиллашди аллаким.

— Э, биродар, билмайсизми, алғов-далғов замонда лўлилар ҳам кўп, эшаклар ҳам.

### **БАРАКАЛЛА**

Ойнаи жаҳонда тилга муносабат ҳақида кўрсатув кетаётган эди.

— «Катта раҳмат!» деган бирикма ўзбек тили табиатига тўғри келмайди, — деди суҳбатда катнашаётган адаб. — Бу русча «Большое спасибо» нинг сўзма-сўз таржимаси. Ўзбекчада «Баракалла!», «Отангизга раҳмат!» деб гапириш керак.

— Бизга ажратилган вақт ҳам ниҳоясига етди, — деди кўрсатувни олиб бораётган бошқа ёзувчи. — Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!

### *СУРАТ*

Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги ижод уйида ёш ижодкорларнинг V семинарида иштирок этаётган эдик. Наср шуъбаси ташкилотчиларидан бўлган шоир Отаёр эълон қилиб қолди.

— Ҳар бирингиз иккитадан ҳикоя беринглар, биттадан сурат ҳам керак, ойномаларга тавсия қиласиз.

— Ие, мен сурат олиб келмабман-ку, — деди биз билан семинарда қатнашаётган ҳажвчи Восит Аҳмад.

— Ташвишланманг, — дедим кулиб, — менинг суратим иккита, биттасини бериб тураман.

### *«ХОН ҲАМ КЕРАК»*

Қашқадарёда хизмат сафарида бўлганимда, бир даврадаги-ларни менга таништиришди:

— Бу киши — Рўзиқул, буниси Раҳмонқул, укамиз Фулом, акамиш Шодмонқул, бүёқ — Худоёрхон.

— Ҳа, яхши, — дедим кулиб, — шунча «қул» бўлгандан кейин бирорта «хон» ҳам керак-да.

Ҳаммалари кулишди. Кейин билсан ўша «хон» даврадаги-ларни менга таништираётган каттаконнинг шофери экан.

### *«ЯНА БИТТА ЧЕКАМАН»*

Собир содда Московга ўйнагани борганда оз-моз узум олиб кетган экан. Ёпиқ бозорнинг ичига кириб олиб узум сотиб ўтириб, хумориси тутиб сигарет тутатибди.

— Бу ерда чекиш мумкин эмас. Юз сўм жарима тўланг, — дебди навбатчи келиб.

Содда икки юз сўм узатибди.

— Иккى юз эмас, жарима юз сүм,— дебди нағбатчи юз сүміни қайтариб.

— Олавер,— дермиш содда.— Ҳозир яна битта чекаман-да.

### **САНЪАТИНИ ИШГА СОДДИ**

Маҳалламиэда түй бўлувди. Ҳамма нарса, ичқилик ҳам се-роб. Кўпчилик анча ширакайф.

— Меҳмонни шаҳарга, меҳмонхонага олиб бориб қўймасан-гиз бўлмайдиганга ўхшайди. Машинани юргизинглар...

Қарасам, бир таниқли актёрни икки киши икки ёнидан ушлаб турибди. У бутунлай ўзини ташлаб олган. Тошкентдан гастролга келган санъаткорлар ҳам таклиф этилган эканда... Мана биттаси пишиб қопти. Икки кишилашиб қўлтиғидан олиб аранг машинага ўтқаздик. Ўтқаздик эмас, тўғрироғи, орқа ўриндиққа чўзилтириб ётқизиб қўйдик.

Машинани ўрнидан силжитиб беш юз метрча юргач, у сеқин ташқарига қаради, кейин қаддини ростлаброқ:

— Хайрият-э, қутилдимми? — деди.

Биз кулиб юбордик.

— Кўрмаяпсизми, бўлди энди ичмайман, десангиз унашмайди-да...

### **ЮҚАР ЭКАН-ДА**

Пойма-пой гаплари ва ўринсиз қилиқлари билан ҳаммани зериктирган, «Телба» лақабини ортирган бир одам сарандом-саришта, риоя-андишали қўшнисини ёмонлаб кетдида:

— У фирт жинни,— деди.

— Ие, вей,— дедим таажжублангандай,— бу дард ҳам юқар эканда-а?..

### **СОДДА**

Мактабимизда Мухтор aka деган содда рус тили ўқитувчиси бўларди.

— Шаҳарга тушсам, кинотеатр олдига катта афиша қўйишибди,— деб гап бошлиди бир куни,— «Ко мне, Мухтор» деган фильм бўлаётган экан

Менинг ңомим кино бўлиб ас, ябди, деб ўзимда йўқ хурсанд, ҳовлиқаб чиста олиб кирсан.. куриб ке гсин, у кинода итнинг оти шунаقا экан:

### ИШДЕГАНДА

Мактабда ўқиганимизда Обиджон ака деган қаттиққўл муаллимимиз бор эди.

— Кеча нега мактабга келмадинг? — сўради у бир куни бир синфдошимиздан.

— Иш чиқиб қолди.

— Ўтган ҳафтаям шунаقا дегандинг.

— Үндаям иш чиқиб қолувди-да, домла.

— Қанақа иш?

— Индамайсан-а?.. Бу сенинг баҳонанг, холос. Ўқищдан бошқа ишинг йўқ сени. Бундан ташқари, муштдай бўлатуриб ҳадеб «иш, иш» дэявермагин. Агар шунаقا қилаверсанг, катта бўлганингда «иш» деганда тўхтайдиган бўлиб қоласан.

### «КУТИЛМАГАН ҲОДИСАЛАР»

Бир вақтлар шу номда ҳажвия ёзган эдим. Тескари ҳикоя тарзида битилган бу асарда киноя қилиб: «Ёйма дўкондаги ёқали пальто худди хотиним излаганидан бўлиб чиқди. Кийиб кўрганди, ўзига ўлчаб тикилгандаи. Сотувчи ёрлиғида кўрсатилган пулни олиб қуллуқ қилиб қолди», дейилган сатрлар бор эди.

Ўша ҳажвия туман газетасида босилган куни кечкурун уйимизга бир қўшни аёл чиқди.

— Бир оғиз индамайсиз ҳам-а, қани опчиқинг, кўрайлик-чи.

— Нимани? — сўрабди ҳеч нарсадан бехабар рафиқам ҳайрон бўлиб.

— Хўжайнингиз хотинимга ёқали пальто олиб бердим, деб газетага ёзибди-ку. Ўшани опчиқинг, бир кўрайлик.

— А?!

### ЁШИ УЛУФ ЛАТИФА

Бир кекса ҳамкасбимиз алмисоқдан қолган латифаларни айтавериб ҳаммани зериктириб қўйди.

Ана шунда секин у кишига дедим:

— Домла, ёши улуғ одам сифатида сиз жуда катта ҳурматимизга лойиқсиз. Лекин шу латифаларингизнинг ҳам ёши улуғлиги чатоқ-да.

### ***КАЛИШ БОЗОРИДА***

Байрам арафасида калиш бозорини оралаб ўтишга тұғри келиб қолди.

— Қанақасидан изляяпсиз?

— Нечанчиси керак?

— Манавини күринг-чи...

— Россияницидан олинг.

Одам күплигидан туртениб-суртиниб зўрга боряпмиз. Сотувчилар калишларини тиқиширишиади:

— Мана буни күринг-чи...

— Арzonюғидан керакми?

— Нечанчисини изляяпсизлар, ўзи?

Саволни жавобсиз қолдиргим келмади:

— Бозорда неchanчи калиш йўқ экан, деб қарайпмиз.

### ***ОДАМЛАР ҲАМ ҚИЗИҚ***

Раҳматлик муаллим ва аскиячи Ҳалим Саматов бир гапни айтиб юради:

— Одамлар ҳам қизиқ. Биттасига бундан кейин бу аҳмоқчиликни қилма, десам мендан астойдил хафа бўлди.

— Бўпти, бўпти, қилавер ўша аҳмоқчиликни, деб қутилдим.

### ***КЕРАГИНИ БИЛАДИ***

Шоир Нусрат Абдусалом дурадгорчилик билан ҳам шуғулланиб туради. Бир гал уни кекса ғазалхон Ҳусан Қодирий уйига таклиф этди. Иш бошланганда хонадон эгаси устанинг бурчакликларини кўриб таажжубланди:

— Ие, вей, шу ёшга кириб мен манавинаقا қирқ беш градуслигини кўрмаган эканман.

Шу пайт улар билан бирга бўлган Ҳусан Қодирийнинг ўғли Алишер отасининг мўътабар ёшда ҳам унча-мунча отиб туришини эслаб жилмайганча ҳазиллашди:

— Сиз қирқ градуслигини биласизда-а, дада?..

## «394» ДА БҮЛАВЕРАДИ

Андижон — Куйганер йўналишидаги «РАФ»да кетаётган здик. Йўлда ҳайдовчи ёнидаги шериги билан гаплашиб қолди.

— «З3»-йўналишда одам жуда кўп. Тушум ҳам яхши бўлади, дейишади.

— Биламан.

— Ўша ёқса қатнасангиз бўлмайдими?

— Бунинг сирайм иложи йўқ.

— Нега?

— Шофёрликка ўқимаганман-да. Ҳайдовчилик гувоҳномам йўқ.

## БИЛИНИБ ТУРИБДИ

Бир ўтиришда жиндай кайфи ошиб қолган кап-катта одам ёшига ярашмаган тарзда алжираб, ёшликтаги ножӯя шўхликла-ри ҳақида мақтанаавериб даврага бироз ноқулайлик солди.

— Э, ука. У пайтлар фирт жинни бўлганман, — деди у гердайиб. Фашим келиб истеҳзоли жилмайдим.

— Нега куласиз? — деди у ранжигандай. — Ишонаверинг, фирт тентак бўлганман.

Ишонганигимни таъкидлаб қўйишимига тўғри келди:

— Ишонаман, ишонаман. Чунки ҳозир ҳам билиниб турибди.

## «ФУТБОЛЧИ» РАССОМ

Кунлардан бир кун ҳалқ рассоми Низомиддин Холиқов, шоирлар Одил Эгам, Абдугулом Абдуғани ўғли улфатчилик қилиб ширин бўлиб тарқалишдик. Эртасига Низом ака қизиқ гап топиб келди. Уйга қайтаётса маҳалласида болакайлар коптоқ тепишаётган экан.

— Келинглар, болалар, мен ҳам ўйнайман, — деб ўйинга қўшилиб кетибди таниқли рассом.

Бирордан сўнг тўпни тепаман деганда оёғи тойиб кетиб шундай йиқилибдики, кийим-боши, юз-кўзларигача лойга беланибди. У ёқ-бу ёқса қараб аста уйга кириб ечиниб, ювениб донг қотиб уйкуга кетибди.

Эрталаб хотини уйғотармиш:

— Туинг, дадаси, сизни чақиришяпти.

— Ким?

Хотини жавоб бермай юмушларини бажариб юриб, яна дермиш:

— Турақолинг, чақиришяпти. Кутиб қолишмасин, тағин.

— Ким экан?

— Ким бўларди?.. Болалар! Футбол ўйнаймиз дейишяпти.

### **«БОШ»ДАН «ОЁҚ»ҚАЧА**

Бугунги кунда турли каоб згаларининг бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланиши ҳеч кимни ажаблантирмайди; Вилоят газетаси таҳририятида кўп йиллар мусаҳҳиҳлик қилиб ҳурмат билан нафақахўрликка кузатилган, кўплаб журналистларнинг устози Фозилжон ҳожи акани дўппи бозорида тез-тез кўриб тураман. Яқинда эса ҳожи аканинг шогирди, газетанинг ҳозирги мусаҳҳиҳи, шоир Рустам Эгамни пойафзал раастасида савдо қилаёттанида учратиб ҳазиллашдим:

— У ёқда устозингиз, бу ёқда — сиз... Бу дейман, устозу шоирд бозорни «бош»дан «оёқ»қача згаллаб олибсизлар-да!..

### **«ДАЛДА»**

Афандинамо болалар шоири Рустам Эгам ижодкор дўстлар даврасида мақтанганинамо гапириб қолди:

— Уюшган жиноятчилар гуруҳи тўғрисида фош этувчи бир шеър ёздим. Жа-а зўр чиқди ўзиям...

— Газетада ўқирканмиз-да?

— Йўқ. Уларга қаттиқ таъсир қилиб кетиб изимга тушиб қолишадими, деб қўрқиб зълон қилмаяпман...

— Қўрқмай зълон қилаверинг, — дедим кулиб унга «далда» бериб. — Мабодо бир гап бўлса, мана шунча марсия ёзадиган шоирлар туришибди.

## **ПРЕМЬЕРА**

Яшилтепа туман театрида маҳаллий драматург Шотир Шошибинийнинг «Мартдан кейин апрел келади» драмасининг премьераси бўлиб ўтди. Март ва апрел ойлари орасидаги кескин конфликтта асосланган спектакл томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Санъат шайдолари театр залидан катта бадиий завқ олиб, мартдан кейин апрел келишига тула ишонч билан чиқдилар.

## **МУЗЕЙ ИШ БОШЛАДИ**

Фиштқўргон нон комбинати қошида янги музей иш бошлиди. Музейга комбинатда ишлаб чиқарилган нон ва нон маҳсулотлари ичидан топилган турли буюмлар қўйилмоқда. Қисқа вақт ичida музей ҳар хил ўлчамдаги михлар, сим қирқимлари, тўғноғич, тишковлагич каби экспонатлар билан бойиб бормоқда. Яқинда музейга яна бир ноёб топилма келтирилди. Бу тўрт сўмлик булочка ичидан топилган 1998 йилда зарб қилингган 5 сўмлик тангадир. Бу экспонат музейнинг «Энг янги тарих» бўлимидан ўрин олди.

## **УЙ МУБОРАК**

Япалоқтепа кўчма механизациялашган колоннасининг азamat қурувчилари яна бир улкан ютуқни қўлга киритдилар. Колонна бошлиғи Олмос Толмасовнинг янги участкаси мактаб, боғча, дала шийпони каби обьектлардан «стежаб» қолинган материаллар асосида қисқа муддатда сифатли қилиб фойдаланишга топширилди. Бунёдкорларни янги ютуқ билан, уларнинг сардорини янги уй билан муборакбод этиш учун туман ички ишлар бўлимининг терговчиси Япалоқтепага жўнаб кетди.

## **ЯНГИЛИК**

«Уч юлдуз» ресторанининг раҳбарлари хўрандаларга намунали хизмат кўрсатиш соҳасида яна бир янгиликни жорий этдилар. Ресторанда спиртли ичимлик истеъмол қиласиган доимий

мижозларга навбатсиз хизмат күрсатыладын бүлди. Бу янгиликдан ресторан официантлари беңад хурсандлар.

## КАДРЛАР ЭЪТИБОРДА

Туман матлубот жамияти кадрларни жой-жойига қўйиш иши-га жилдий эътибор бермоқда. Натижада сўнгги ой ичидаги жисмоний тарбия институтини битирган Учқур Чаконов «Озиқ-овқат» магазинидан «Спорт товарлари»га, қишлоқ хўжалик институтини тутатган Дехқонов «Музқаймоқ» дўконидан қишлоқдаги «Хўжалик моллари» магазинига, имтиёзли дипломли педагог Шодиев «Атири-упа» бўлимидан «Китоблар» дўконига ўтказилди.

## ҚИШЛОҚҲА ЯНГИ НОМ

Сансалор тумани ҳокимлиги Олмазор қишлоғидаги боғлар аллақачон тугатилиб кетганлигини ҳисобга олиб, унинг номини Пахтазор деб ўзgartириш ҳақида қарор қабул қилди.

## ҚУЛАЙЛИК

Шўркудуқ участка касалхонасида даволанаётган беморлар учун яна бир қуляйлик яратилди. Бу ерга илгари турли кийим-кечаклар олиб келиб сотиб юрган Сотқиной Сотвондисева энди камёб доридармонлар билан ҳам савдо қила бошлади. Унинг бу хизматидан касалхонанинг bemорларни дори-дармонлар билан таъминлаш учун мутасадди бўлган ходимлари бениҳоя хурсандлар.

## ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Табелчи Юлганбой Опқочаров ҳақидаги фельдшеронда келтирилган фактлар тасдиқланди. Ўртоқ Ю. Опқочаров ўз вазифасидан четлатилиб, омбор мудирлигига ўтказилди.

Жамоа хўжалиги раиси  
Ургу АЙМОҚОВ

## ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Туман маданият уйида ёш санъат ихлосмандлари учун очиқ эшиклар куни ўтказилади. Тўйларда тажриба ортирган барча отарчилар таклиф этиладилар.

## **РЕЖА УДДАЛАНДИ**

Жамоа хўжалиги сут-товар фермасининг «оқ чашма» ижодкорлари давлатга сут топшириш режасини ошириб бажардилар.

Хўжалик бошқаруви бу ютуқча муносаб ҳисса қўшган илғор соғувчилар қаторида фермадаги водопровод кранининг узлуксиз яхши ишлашини таъминлаган туман сув хўжалиги бошқармаси ходимига ташаккур зълон қилди.

## **КЎЗБЎЯМАЧИЛИККА ҚАРШИ**

Жамоа хўжалиги клубида «Кўзбўямачиликка қарши ўт очайлиқ» мавзусида маъруза бўлди. Вилоят марказидан келган нотиқ қўшиб ёзишларнинг, кўзбўямачиликларнинг моддий ва маънавий зарари ҳақида бир соат сўзлади. Сўнгра учта маъруза ўқилди, деб расмийлаштиришларини илтимос қилди.

## **ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК**

Машқур адаб Очилғонийнинг юбилейи бўлиб ўтди. Юбилеяни табриклаган пистафуруш Қодир бобо узоқ вақтдан буён ёзувчи билан ижодий ҳамкорлик қилиб келганлиги ҳақида фахр билан сўзлади. Машқур пистафуруш таниқли ёзувчининг ижодига ривож тилай туриб, «Бундан кейин китобларингизни яхшироқ қоғозга бостиринг, писта ўраганимизда йиртилиб кетмасин», деб таъкидлади.

## **ЁРДАМ ФОНДИ**

«Белаззат» ошхонасининг қўли пул пазандалари таомларга ишлатиладиган гўштни иқтисод қилиш режасини икки ҳисса ошириб адо этмоқдалар. Иқтисод қилиб қолинган маҳсулотларнинг ярми мукофот тариқасида ходимларга лавозимига қараб бўлиб берилмоқда. Қолган ярми «бечора бош ошпазга ёрдам фонди» га ўтказилмоқда.

## **ТАСДИҚЛАНМАДИ**

17—brigada аъзоларининг тушлик овқатларига мутлақо гўшт солинмайди, деган хабар тасдиқланмади. Аниқланишича, ўтган

йили пахта тайёрлап режаси бажарилган кунда бригада дала шийпонида гүштлик таом пиширилган экан.

Нотұғри хабар йүллаган жамоатчи мұхбирға нисбатан чора күришни мүлжаллаяпмиз.

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Сарсонтепа туманида зәңг узоқ вақт пайдал ораламаган пахта териш машиналари танлови бўлиб ўтди.

Танлов ҳайъатига жалб қилинган мутахассислар узоқ тортишувлардан сүнг «Ойдинкүл» жамоа хўжалигининг 1970 йилда сотиб олинган, ҳар йили таъмирланган, лекин бирор тонна ҳам пахта термаган машинасини ғолиб деб топдилар.

Ғолиб машина бундан бүён ҳам ярқратиб таъмирланган ҳолда дала шийподларида савлат тўкиб туриш ҳуқуқини қўлга киритди.

## БОЛАЛАР БОГИ

Ҳайронобод тумани марказида «Болалар боғи» ташкил этилди. Боғда янги очилган ресторон, видеобар, пивохона ва чойхона ходимлари ташриф буюрувчиларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Синоптикларнинг берган хабарларига қараганда, бугун эрталабки «беш минутлик»да директорнинг кабинетида ҳаво айниб турди, чақмоқ чақиб, момақалдироқ бўлди. Маъмурият томонидан 8-цехга қараб совуқ ҳаво оқимий йўл олди. Бошқа цехларда ҳаво очиқ бўлиши кутилоқда. Куннинг иккинчи ярмида об-ҳаво қандай бўлиши директорнинг котибаси тупшиқдан қайтгач маълум бўлади.

## НАВБАТГА ЁЗИЛМОҚДАЛАР

Таниқли бюрократ Қофоз Бозов касалхонада даволанмоқда. Беморни кўргани киришни хоҳловчилар шифохона қоровулхонасида навбатга ёзилмоқдалар. Рўйхатга ёзилиш учун паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, яшаш жойидан маълумтнома, иш жойидан тавсифнома, икки дона 6x9 ўлчовдаги фотосурат тақдим этилиши лозим.

## **ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК**

Үсалкент шаҳридаги «Пойма-пой» оёқ кийимлари фабрикаси қошида фирма магазини очилганига кўп бўлгани йўқ. Яқинда бу ерда пойабзал таъмирлаш устахонаси ҳам ишга тушди. Энди харидорлар магазиндан сотиб олган оёқ кийимларини шу ернинг ўзида таъмирлатиб олишдек яна бир қулайликка эга бўлдилар.

## **МУСОБАҚАДОШЛАР ҲУЗУРИДА**

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яна-да яхшилаш мақсадида Шағалкент туманида боғдорчилик ва узумчилик хўжалиги ташкил этилди.

Янги хўжаликнинг бир гурӯҳ мутахассислари мева ва узум кўчатлари орасига экилган рӯзани парваришлаш агротехникасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун мусобақадош Адиркент туманига жўнаб кетдилар.

## **ЭЪЛОН**

Ўрмалаб юрувчилар илмий тадқиқот институти ихтисослашган илмий кенгашида «Суваракларни уй шароитида кўпайтириш истиқболлари» мавзусида илмий анжуман ўtkазилади. Анжуманга барча суваракшунослар, суваракмижозлар ва қизиққан ўртоқлар таклиф этилади.

## **УЧҲИССА**

Жаҳон бозори ҳудудини супуриб-сидирувчи фаррошлар бир беш йиликда уч беш йилик ахлатларни йифишириб олишга зришдилар.

## **МУДДАТИДАН ИЛГАРИ**

13-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари ўтган йили фойдаланишга топширилган мактаб биносини таъмирлашни муддатидан илгари якунладилар. Энди улар йил бошида ишга тушган янги болалар боғчасини жадал суръатлар билан таъмир этмоқдалар.

## **НАЗОРАТГА ОЛИНДИ**

Туман марказидаги күп қаватлы уйларда яшовчиларнинг ичимлик суви таъминотида вақти-вақти билан узилишлар бўлаётганилиги ҳақидағи шикоятлар тасдиқланди. Аҳолининг талаб ва зўтиёжларини ҳисобга олиб, бундан бўён бу уйларга вақти-вақти билан ичимлик суви бериб туриш масаласи қатъий назорат остига олинди.

## **БИЛДИРИШ**

Ҳурматли телетомошибинлар! Дастуримизда зълон қилинган «Долзарб мавзу» кўрсатуви бошқа кунга қолдирилди. Ҳозир эса кўпчилик телетомошибинларнинг штимосларига кўра ўтган ҳафтадаги об-ҳаво маълумотини такороран намойиш қиласиз.

## **2010 ЙИЛ ҲИСОБИДАН**

Шакар Палаков бошлиқ полизчилик бригадаси аъзолари қовун-тарвуз пайкалларига минерал ўғит солиш бўйича ўн бешинчи беш йиллик режасини муддатидан анча илгари уддаладилар. Энди улар келгуси йил ҳосили учун 2010 йил ҳисобидан сенитра жамғармоқдалар.

## **НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР — АМАЛИЁТГА**

«1-май» жамоа хўжалигидаги қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт ва техника университетларининг юқори босқич талабалари ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқдалар.

Бўлажак олим-агрономлар, иқтисодчилар ва муҳандислар олий билимгоҳда олган назарий билимларини амалиётда қўллаб хўжалик молхонасини қисқа муддатда таъмиirlab бўлдилар.

## **ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!**

Ёлғончилар кўнгилли жамиятни Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорликда «Энг зўр ёлғон учун» танлов зълон қилди. Танловда барча оммавий аҳборот воситалари таҳририятларининг жамоалари ҳеч қандай чеклашларсиз иштирок этишлари мумкин.

## **ОИЛАВИЙДАСТА**

Ўсалкент шаҳар деҳқон бозорида Олибжон Сотаров бошлиқ оиласвий даста муҳлисларга муваффақиятли хизмат қилмоқда. Дастан аъзолари эрта тонгда қишлоқдан келган деҳқонлар, кундузи шаҳарлик ҳаридорлар, оқшомда бозорқўм ва паттачилар учун дилдан куйламоқдалар.

Даста аъзолари шу кунларда шаҳар солиқ инспекциясида бериладиган «катта концерт»га ҳозирлик кўрмоқдалар.

## **ИШГА МАРҲАМАТ**

Ҳайронтепа туманидаги «Беғам-қўргон» жамоа хўжалигида пахта йигим-терими бошланиши муносабати билан тарозибон, эгатга туширувчи, этак бўшатувчи бўллиб ишлаш учун куч-қувватга тўла эркаклар ишга таклиф этиладилар.

## КҮНДАЛАНГ САВОЛЛАР

- Лоқайдлик юқумли касаллиқми? Таъмагирлик-чи?
- Миш-мишларнинг урчишида тил асосий ролни йўнайдими ёки қулоқми?
- Ошкоралик яхшида, кимга қанча узатиш кераклигини олдиндан биласан, деди биттаси. Шу гап тўғрими?
- Фийбат ёмон нарса, лекин кўнгилни ёзади-да, курфур, деган экан кимдир. Наҳотки?
- Паттачиллик – етти хазинанинг бўрими?
- Нима учун ёлғоннинг умри қисқа-ю, ёлғончининг қўли узун?
- Мастнинг алаҳсираши ҳушёрхснагача. Кўкнорихаённикичи?
- Ўғирликни камроқ қўлган киши тўғрироқми?
- Ҳалоллик ҳақидаги маъруза... маърузачига ҳам таъсир қиладими?
- Камроқ хиёнат қўлган одам садоқатлироқми?
- Биронни лақиплатиш осонми ёки ўзингни алдашми?
- Гавсифнома одамларнинг қандай эканлигини билдирадими ёки қандай бўлиши кераклигиними?
- Аҳмоқ одамдан ҳам ақл билан фойдаланиш мумкини?
- Беҳуда сафсатабозлик ва лақиплашлардан воз кечсак сўз бойлигимиз камайиб кетмайдими?
- Мақгангулик бирор иш қилмаган одамни камтар дейиш керакми?
- Одамни шайтон йўлдан оздирадими ёки шайтоний нафсми?
- Ошкораликнинг чегараси қаерда?
- Жамоат жойларида кўзингиз ўзингизга бўйсунадими?
- Ўз она тилини билмайдиган онанинг фарзанди учун она тили қайси тил бўлади?
- Лаганбардорларни бошлиқнинг итига ўхшатишгандан... итлари ранжишмасмикин?
- Маопни ўз вақтида олишни унутмаётган кимсанинг хоти-расидан шикоят қилиши тўғрими?
- Керакли тош оғирроқми, ақлсиз бошми?
- Тентак билан тил топиша оласизми?
- Ўтирган қиз ўрнини топибди. Юрган қиз-чи?
- Пул — қўлнинг кири. Бироларнинг қўлини кири билан ўзингизни кир қилмаяпсизми?

- Мустақил фикрлаш учун ҳам юқоридан күрсатма керакми?
- «Тез тиббий ёрдам» ҳам шошилинч ёрдамга мұхтож бўлиб қолса нима дейиш керак?
- Кўтарилиш учун этилишни ўрганиш шартми?
- Ажабо, айримлар учун атрофига калтабинроқ одамларни тўплаш бошқалардан ақллироқ кўринишнинг ягона усулимикин-а?
- Ҳадеб кимларгадир ўхшашга ҳаракат қиласверсак, ўзимизга ўхшамай қолмаймизми?
- Гоҳи гоҳида ёлғон гапириб туриш маъқулми ёки онда-сонда рост гапиришми?
- ДАН ходими йўл қоидалари бузилишининг камайишидан манфаатдорми ёки кўпайишидан?
- Раҳбар овозининг кўтарилиши ҳамма вақт меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига олиб келадими?
- Ёлғон мақтовордан кимга манфаат кўпроқ: мақталувчигами ёки мақтоворчигами?
- Яхши уйку ва ширин туш учун йиғилиш иштирокчилари кимга миннатдорчилик билдиришлари керак: маърузачигами ёки уни тайёрлаган ходимгами?
- Бўм-бўш қўппар билан қўлни-қўлга бериб ишлаш мумкинми?
- Айрим кимсаларнинг бир-бирлари билан жуда тез тил топишиб кетишларининг сабаби «арра» сўзининг ҳар икки тарафдан бир хил ўқилишида эмасми?
- Қойилмақом қилиб рол ўйнайдиганларни саҳнада кўпроқ кўрамизми ёки ҳаётдами?
- Эртага қичишадиган жойни бугун қашлаб қўйиш мум-кинми?

## *КАЙРОҚИ ГАПЛАР*

- ♦ У саҳнада бирорта салмоқлироқ рол ўйнагани йўқ, аммо ҳаётда санъаткор ролини маромига етказиб ижро этиб келмокда.
- ♦ Танқидчиларга ҳам қийин: бемаза китобларни ҳам охиригача ўқишлари шарт.
- ♦ Рассомнинг янги асари бир четига доғ кўндириб кетган пашша ҳаммуаллифлик даво қилиши мумкин.
- ♦ Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Лекин нимани ва ким учун ўлчаётганига қараб...

- ◆ Яхши одамларга ўхшашга интилиш маңқул, бироқ асло уларга пародияга айланиб қолиш змас.
- ◆ Сизни сотишибдими?.. Күп ҳам куйинаверманг. Сотиши арзисиз-ку!..
- ◆ Йўл қўйған камчиликларининг салмоғига қараб уни катта одам деб ҳисобласа бўлади.
- ◆ Қалбаки маҳсулотлар тайёрлашда ташаббускорлик кенг қулоч ёзмоқда.
- ◆ Жиндай тежамкорроқ одам: олишда туждек бўлсаю, беришда куядек, дейди...
- ◆ Изланишлари ўз самарасини берди: у эндилиқда мухлислардан кўра ҳомийларни осонроқ топяпти.
- ◆ Шижоатли одам: дастурхон ёзилганда ғайрати жўшади.
- ◆ Ҳақиқатнинг синмагани яхши, лекин бечоранинг ҳадеб эгилиб-букилавергани чатоқ-да.
- ◆ Дунёда ҳамма нарса нисбий. Масалан, маоши озайиброқ кетган одамга ой узайиброқ кетгандек тувлади.
- ◆ Одамлар ҳам бир жиҳатдан рақамларга ўхшайди. Баъзила-ри «даражага кўтарилиганда» савлатидан от ҳуркӣди-ю, «илдиз чиқарилганда» майдалашиб нўлга яқинлашиб қолади.
- ◆ Сиз ҳақингизда «Бу одам эсини еб қўйибди», дейишса, кўп ҳам хафа бўлаверманг. Чунки, билингки, улар қачондир сизда эс бўлган деб ўйлашапти — бу ҳам катта гап.
- ◆ Жаҳл устида кўзгуни синдирганинг билан башаранг ўзгариб қолмайди. Тўғри гапни айтгандарни йўқотиш билан ҳам.
- ◆ Баъзида, агар биз тинглашни ўрганишга яхши гапиришни ўрганишга интилганчалик ҳаракат қилганимизда, муаммоларимиз камроқ бўлармиди, деб ўйлаб қоламан.

Герберт КЕМОКЛИДЗЕ

## ИККИНЧИ БОШ

Игнашин зрталаб күзини очиб ёстиқда хотинининг боши ёнгинасида бегона эркакнинг боши ётганини кўриб таажжубланди. Игнашин чақирилмаган меҳмонга дурустроқ қараш учун салгина ўрнидан турди, худди шу дақиқада иккинчи бош ҳам кутарилди ва киприк қоқди.

— Салом,— деди саросимага тушган Игнашин.

— Салом,— дарров жавоб қилди бош.

Унда нимадир таниш эди, жудаям таниш, шундагина Игнашин бк бош ўз бошининг нусхаси эканини англади, ҳатто бурнининг чап ёнидаги холи ҳам худди ўзи эди.

— Лена! — қандайдир жарангдор овоз билан хотинини чақириди Игнашин.

Хотини уйғониб икки бошли Игнашинни кўриб чуқур хўрсивди.

— Мана-да. Икки киши учун ўлиб-толиб ишлардинг,— ана энди ўзингдан кўравер.

— Мен нимаям қила олардим! — нолиганнамо деди Игнашин. — Василий Васильевич ўз ишини менга тиқиширгани учун мен айбдор эмасман-ку!

«Василий Васильевич» сўзлари айтилганда иккинчи бош эҳтиром билан силкиниб кўйди.

— Ўзининг маошини сенга тиқиширмайди-ку,— бидирлайди хотини. — Қизиқ, энди у нима деркин! Ҳар қалай бизда битта оғиз кўп бўлиб қолди. Сенинг маошингният ошириш керак. Унга тўғридан-тўғри шундай деб айт! Эҳтимол, икковлашиб кўнди-парсизлар.

Игнашин шошилиб, қошиқни гоҳ у, гоҳ бу оғзига олиб бориб нонуштга қилди, тезда кийинди, хотинини бир йўла иккала ёноғидан чўпиллатиб ўпиб, зшикка йўналди.

— Қалпоқни унугтдинг! — хитоб қилди хотини.

— Мен телпакни кийдим-ку!

— Иккинчи бошингга-чи! Шамоллаб қолишни хоҳлайсанми? Ўзингники-ку, биронники эмас.

У омборхонадан эскирган қоракұл қалпоқни қидириб топди  
ва эрининг янги бошига құндириб қүйди.

Күчада ҳамма шошиб борарди, шунинг учун ҳам Игнашин-  
нинг иккита боши борлигига ҳеч ким зътибор бермади. Троллей-  
бусда бенихоя тиқилипч әдіки, ҳатто жудаям хоҳлаган киши ҳам  
кимнинг танаси қаерда эканини аниқлаб ололмасди. Фақат дар-  
возахонадаги синчков қоровул Аңфисагина уни қатый тұхтат-  
ди.

— Ҳужжат!

— У мен билан, — тушунтируди Игнашин.

— Мен у билан, у билан, — ялтоқланиб жилмайиб тасдиқлади  
иккінчи бош.

— Нима қипти, — ўшқирди Аңфиса, — битта ҳужжат билан  
икки кишини қўёлмаймиз! Нима, тартибни билмайсизларми?

Игнашин ялпинганнамо зғилди.

— Биласизми, мен бир кишиман! Бу бошлар иккита, холос.

— У жуда тўғри айтяпти! — қувватлади иккінчи бош.

— Гавда битта-ку!

— Менинг нима ишим бор! — ялт этиб кўзларини даҳшатли  
тиқди Аңфиса, — мен гавда бўйича змас, бош бўйича қўяман.  
Ҳужжатда ҳам гавда, товон ёки бошқа нарсанинг сурати туши-  
рилган змас-ку! Бош! Битта бошга ҳужжат кўрсатдингиз, ўтинг!  
Иккінчисига ҳужжат керак. Ҳужжат йўқ бўлса, сақлаш камера-  
сига топшириб қўяқолинг.

— Ия, уни қандай қилиб топшириб бўлади, — қичқирди Игна-  
шин.

— Ахир, қандай қилиб! — аччиқланиб қайтарди иккінчи бош.

— Қандай лозим бўлса, шундай! Бизда маҳсус одам бу ерда  
үтириб сақланиш учун жавоб беради. Агар ёқмаса, кадрлар бўли-  
мига кириб, яна битта ҳужжат ёздириб чиқинг.

Кадрлар бўлимининг бошлиғи Сугробов Игнашинни кўргач,  
шифтгача сакраб тушди.

— Яша! — қичқирди у Игнашинга мамнун қараб. — Мана  
буни мен табриклайман ва олқишлийман! Биласанми, нимадан  
соч-соқолим оқариб кетди? Колхозга ёки қурилишга кимни юбо-  
ришни билмасликдан! Ҳамма имкониятлар тугади! Ана энди ҳам-  
мада иккитадан бош бўлса-чи? А?.. Бутунлай бошқача ҳаёт бўла-  
ди. Бу ойда Игнашин биринчини юборамиз, янагисига Игнашин  
иккінчини, шоҳона ҳаёт бошланади.

— Менинг ҳужжатимга яна битта сурат ёпиштириб берсан-  
гиз, — илтимос қилди Игнашин.

— Э, бешта бўлсаем! — хитоб қилди Сугробов Игнашиннинг  
ҳужжатлари солинган папкани ахтариб топаркан. — Фақат, сен,  
марҳамат қилиб, эришилган даражада тұхтаб қолмагин-а? Күл  
ва оёқлар нечта бўлса, ҳаммасини олавер. Имкон бўлиб қолса,  
рад этиб юрмагин. Келишдикми?

Сугробов Игнашиннинг ҳужжатига яна битта сурат ёпиштир-  
ди ва яйраб муҳр босди.

Игнашин ҳеч бир тўсиқсиз иккала бошини йўлакдан олиб ўтиб  
ўз бўлимига йўналди.

Василий Васильевич хонасида ойнага тикилиб фаромуш ўти-  
рарди.

— Бу энди қанақаси, Эмей Горинич, — норози оҳангда деди у  
Игнашинни эшиқда кўриб.

Игнашин оёғини шаҳд билан қатъий босди.

— Мен икки киши учун ишлайпман. Шунинг учун ҳам менда  
иккинчи бош ўсиб чиқди. Шундай қилиб, мутахассис сифатида  
мен лойиқманки...

— Ҳа-а, гап бу ёқда эканда-а? — хитоб қилди Василий Васи-  
льевич уни гапиргани қўймай. — Сизни жиндай ўз ишимга ара-  
лаштириб қўйсам, энди мендан бутун бир бошга ортиқча эканли-  
гингиз ҳақида таассурот уйғотмоқчимисиз? Ўйлайсизки, маъму-  
рият сизни менинг ўрнимга тайинлади. Битта бош яхши, иккита-  
си янам афзалроқ, шунақами? Нимаям қилардик, ўзимга бошқа  
ёрдамчи излашимга тўғри келади! Сиз бўлса, ҳозирча машинка-  
да ёзиш хонасига боратуринг. Котибамиз таътилга кетган, унинг  
ўрнига маълумотларни машинкалаб туриңг. Тушунарлими?

— Тушунарли, — бош силкиди Игнашин.

— Худди шундай, тушунарли, — силкинди иккинчи бош.

Игнашин машинка ёнига ўтирди ва ёзишга тушди. У ёмон  
ёзарди, иккита бармоғи билан. Унинг битта боши гоҳ матнга,  
гоҳ машинка тұгмачасига қарап, иккинчиси эса зерикиб атроф-  
га алангларди.

Кечқурун қўнғироқ чалингандада, Игнашиннинг хотини эпик-  
ни очди. Остонада қўлига қоракўл қалпоғини ушлаганча эри ту-  
рарди.

## ЯХШИЛИК

Уйда пиво ичиб ўтириб, файласуфлик қилардим:

— Менда имконият бўлгандами...

Пиводан бир ҳўпладим.

...ҳамма одамларга яхшилик қилардим.

Яна бир ҳўплайман:

— Бунисига, унисига, бешинчисига, ўнинчисига...

Яна бир ҳўплам.

— Менинг ўзимга эса ҳеч нарса керак эмас.

Бир ҳўплам... Бир ҳўплам... Бир ҳўплам...

Яна бир олтинранг пиво шишасини очдим, ундан ҳамма ёғи кўпик жин чиқиб келди. У кўпикларини қоқиб ростлангач, деди:

— Буюр, халоскор! Аммо, ёдингда тут: мен сеҳрланган жинман, мен бошқаларга яхшилик қилишни сўраган кишиларнинг илтимосларинигина бажара оламан. Менинг ўзимга хослигим мана шунда.

— Мен учун мұҳайё қилгинки...

— Сен учун қилолмайман, — гапимни бўлди жин. — У учун, бу учун, бешинчиси ёки ўнинчиси учун қилишим мумкин.

— Майли, — рози бўлдим мен, — фуқаро Петровага яхшилик қилақол. Унга шаҳар ташқарисида жиҳозлари билан бир сарой жуда зарур-да!

Жин ҳеч қандай жавоб қилмади, менга таъна билан бир қарди-да, кейин қайтиб шишага кириб кетди.

— Қопқоқни ёп, Петров! — овоз келди у ёқдан. — Қариндошларга хизмат қилмаймиз.

Мен шишанинг оғзини беркитиб ўйланиб қолдим.

— Кимга яхшилик қилсам экан?.. Бунга, унга, бешинчисига, ўнинчисига?.. Улардан қайси бири алдамайди, ярмини қайтаради.

Ўша кундан буён бир ой ўтди. Менинг жиним ҳалигача совутгичда музлаб ётибди.

## ҚҰШНИМ

Бизнинг ёнимизга янги құшнини күчириб жойлаштиришиди.

— Нима қиляпсан? — сўради у ошхонага кириб.

— Шим дазмоллайпман.

— Шимни шунақа қилиб дазмоллайдими?... Мана бундай қилиб дазмоллаш керак!

Шунда шимим футболчиларнинг боплаб текисланган калта иштонинг айланди-қолди.

— Нима қиляпсан? — деди у беш дақиқадан сүнг.

— Совутгични тузатяпман.

— Шунақа қип тузатадими совутгични? Мана кўр, қандай тузатиш керак!

Ва менинг совутгичимда меъёрий 36,6 С ҳарорат сақланиб турадиган бўлди.

Вали келгандан кейин ҳеч қаёққа чиқмадик. Ўйда ўтирадик.

— Нима қиляпсан? — деди у хонага бостириб кириб.

— Ўшишапмиз.

— Ахир, шунақа қилиб ўшишадими? Мана бундай қилиб...

Ҳаёт чидаб бўлмайдиган даражага етди. Мен ўзимни ўлдиришга қарор қилдим.

— Нима қиляпсан? — деди у мен курсининг устига чиққанимда.

— Ўзимни осмоқчиман!

— Ахир, шунақа қилиб осадими? Мана бундай қилиб осиш керак.

Ўшандан бери тинч яшаяпман.

Борис РИЧКОВ

## ҚОРА КОСТЮМ

Сешанба куни ишга қора костюмда келдим.

— Иван Иванович! — қарши олди мени гардеробчи Нюра хола. — Нега бугун башанг кийингансиз?

— Шунчаки, — хотиржам жавоб бердим мен.

— Салом, Иван Иванович, — мени тұхтатди режалаштирувчи Фруктин. — Нега бугун бунча ясаниб келибсиз? Бирор нарса бўлдими?

— Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Ўзим ишлайдиган бўлимнинг эшигигача мени ўн тўрт киши қаршилади. Ўн бешинчиси, ҳисобчи Никонов кенгурудек сакраб юриб мени эшикнинг олдида қувиб етди.

— Иван Иванович, нега энди бугун бунча башанг кийиндингиз? — бўшацди у.

Мен бир оз жим турдим ва секин дедим:

— Мени Семен Николаевич кечки овқатта таклиф этди.

Бу гапдан ҳисобчи қай аҳволга тушди, билмадим.

Мен иш столим ёнига ўтирдим ва енгчаларимни кийдим.

— Иван Иванович, — бирдан бўлим бошлиғимизнинг хушчақчақ овози жаранглади, — нега бугун бунча ясаниб олдингиз?

Мармар босмани юлиб олиб, жавоб бердим:

— Мени кечки овқатга Семен Николаевич таклиф қилди.

— Ҳа, гап бу ёқда денг, — аччиқ жилмайди бошлиқ. — Табриклайман...

Соат учларда мени раҳбар йўқлади.

— Сизга нима бўлди, отагинам, Иван Иванович? Яхши змас! Сизнинг ҳаётингиздаги мана шундай ҳодисалар тўғрисида учинчи одамлар орқали билишга тўғри келяпти. Ҳа, майли, ҳечдан кўра кеч яхши, дейдилар-ку.

Раҳбар ўрнидан туриб столини айланиб ўтиб мени оталарча қучди.

— Энг асосийси, чўчиманг. Менга у билан иккى марта гаплашишга тўғри келган. Шунинг учун сизни огоҳлантириб қўйишм керак. У киши хушмуомала, очиқ кўнгил бўлсаям ортиқча гапларга тоқат қилмайди.

Мен сизга кўрсаткичларимиз ҳақида маълумот тайёрлаб беришларини буюрдим. Агар сўраб қолса, сиз ҳам, ўйлайманки, юзимизни лойга буламассиз. Камтарона маълумот бераверинг, аммо зътибор билан...

У яна нималарни дир гапирди, аммо мен уққаним йўқ, чунки аниқ билиб турибман: агар эртага ўзимнинг ишчи костюмимни кимёвий тозалашдан олмасам, ўз хоҳишим билан ишдан кетишга тўғри келади.

**ЛЕКИНИ БОР**  
*(митти ҳажве)*

- Хоним, бу оқшом сизникига кирсам майлим?..
- Майли-ю... Лекин...
- Нима, лекин?
- Эрим...
- Демак, турмушга чиқибсиз-да. Табриклайман. Қалай?..
- Яхши.
- Эрингиз яхшими?
- Жуда яхши, лекин...
- Ие, қанақа лекин?
- Унинг оиласи бор.
- Ҳа-а. У ўша оиласи билан яшаяптими?
- Ўша билан. Лекин...
- Яна нима лекин?
- У кўпинча меникода бўлади.
- Демак, яхши экан-да?
- Яхши. Лекин...
- Яна қанақа лекин?
- Мен бошқасини севаман-да.
- Бўлмаса, сиз нега у билан эмассиз?
- У мени яхши кўрмайди. Яна биттасининг орқасидан тушган.
- Э-ҳа-а... Демак, кирсам бўлаверар экан-да.
- Албатта!..

Лион ИЗМАЙЛОВ

**ТЕРИ**

- Кечирасиз, мен таъмирловчи уста Селезкинни кўра оламаними?
- Кўра оласанми-йўқми, буни мен билмадим. Буни билиш учун кўз докторига мурожаат қилишинг керак, отагинам.

- Мен бугун у шу ёрдами, — деб сўрамоқчиман.
- Мен яна қаерда бўлишим мумкин?
- Жуда яхши. Мен сизга профессор Супругов тавсияси билан келувдим.
- У қайсиниси? Биласанми, менга унақа профессорларингдан қанчаси келади. Ҳатто бир гал доцент ҳам келган.
- Супругов — бу анави сизга «Москвиғининг чироқларини тузаттирган.
- Ҳа, ҳалиги кўримсизгина-а?.. Ҳўш?..
- Мана менинг ҳам чироқларимни олиб қўйишибди. Улар сотувда йўқ. Эҳтимол сизда топилар.
- Буниси келишишимизга боғлиқ.
- Пул ҳақида ташвиш тортманг.
- Мен нимага ташвиш тортарканман, сен тортасан-да. Мен учун пул.... тфу! Сен яхшиси, айт, менга нима тўғрилаб бера оласан?
- Тўғрилаб ... қандай?
- Қандай бўларди, шундай — сендан-угина, мендан-бугина!..

Ҳов анави воситачи дўкон мудирининг машинаси бўяш учун турибди. Ойнадай сайқаллаш мендан, локлангани ундан. Ёки ҳов анави база мудирининг олдинги ўқи, тузатиш мендан, айтган нарсамни топиб келиш ундан. Сен ўзинг қаерда ишлайсан?

- Мен ўзи докторман...
- Ў-ў! Керакли касб. Анақа касаллардан ҳам даволай оласанми?
- Мен шифокор эмасман. Мен фан докториман. Математик.
- Ҳа бўлмаса, математик, сен нима қила оласан?
- Масалан, ўғлингизни институттга тайёрлашпим мумкин.
- О-ла, гапирасан-да. Нима у касалванд эканми? Мен уни калла-почаларни пишириб сотишга ўргатайки, худди сени академигингдай яшайди.
- У ҳолда билмадим, сизга нима ёрдамим тегиши мумкин, экан...
- Ўзинг қодир бўлмасанг, эҳтимол қўлидан иш келадиган танишларинг бордир. Таништир, биз улар билан тезда тил топишиб кетамиз. Мана мен, бир халқ артистига қопламасини алмаштирудим. У ўзи ҳеч нарсага арзимайдиган одам. Лекин уй

хизматчисининг опаси «биллур дўконида» фаррош бўлиб ишларкан. Тушундинг-ми?

— Менинг зўр танишларим бор, албатта. Масалан, нашриётнинг бош муҳаррири.

— Ҳа, уни менга нима нафи тегади?

— Агар сиз, масалан, китоб ёзсангиз, чоп этишга ёрдам бериши мумкин.

— Нима, ақлдан оздингми? — Китоб эмиш. Мен уч йилдан буён укамга хат ёзгани қунт қилолмаяпман-у.

— Сизни муҳбир-аъзо билан таништиришим мумкин.

— Муҳбир — бу яхши, ҳойнаҳой чет эллар бўйлаб кўп юрса керак-а?

— Йўқ, у Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси.

— Ундан ишимиизга наф йўқ экан.

— Унда мен билмадим...

— Ҳа, чамаси келишолмаймиз.

Бошқа ҳеч ким йўқми?

— Бор, албатта, лекин улар сизни қаноатлантирумаса керак. Мана, масалан, бир академик, биолог.

— Биолог?... Ҳайвонларни қийнайдиганми?

— Қийнаши нимаси? У тажриба ўтказиб туради, албатта.

— Нималар билан.

— Күёнлар билан.

— Хўш, қалай. Ўлиб ҳам турадими?

— Унча — мунча ўладиям.

— Ҳа, сен мана шундан бошласанг бўларди. Ўша академингни бу ёққа опкелиб мен билан таништир, чироқларинг япяни бўлди деявер.

— Кечирасиз, тушунмадим, академик сизга нимага керак?

— Э-э, менга сенинг академигинг текинга ҳам керак эмас.

Менга қўён териси керак, телпак учун. Ахир, қиши келяпти, ошна.

Андраш КАРТИ

## БОЛТАЧА

Завод директори қоғоздан кўз узди, мамнун ва таажжубланган нигоҳ билан менга қаради.

— Нима дедингиз? — қайта сўради у зўрға ҳаяжонини босиб.

— Сизнинг одамларингиз бугун эрталаб бизнинг болтачамизни олиб кетишибди, — қайтардим мен.

— Бўлиши мумкин эмас! Бизни одамлар?.. Болтача?..

— Афсуски, ҳақиқатдан шундай. Болтача ўтхонанинг ёнида ётганди. Одамларингиз шу ердан ўтишибди, уни ола кетишибди. Гўлахимиз кўрибди, лекин етолмабди.

— Бошқа ҳеч нарсани ўғирлашмабдими? — ҳаяжонланиб менинг галимни бўлди кабинет хўжайнин. — Фақат болтачами? Битта — ягона, кичкинагина болтачами?

— Болтача, лекин жудаям кичкина эмас, — тузатдим мен ковлаштиришни бошлаб. — Биз у билан ўтин ёрардик. У бизнинг балансимизда туарди. Дарвоқе, баҳоси саксон икки форинг.

— Жуда зўр! — қичқирди директор. Стулдан сакраб туриб, кабинет бўйлаб айланса бошлади. — Аъло! Болалар болтача ўғирлашибди. Битта — ягона болтача!

У ҳуштакда қандайдир оҳангни чалиб, маънодор қадам ташлаб ёнимдан ўтди. Менимча, у ақлдан озаёзганди. Кейин тўхтаб, елкамдан қучиб тантанавор хитоб қилди:

— Биласизми, бу нима дегани, қадрдон дўстим!

— Биламан, — жавоб бердим мен, — ёки сиз болтачамизни қайтариб берасиз, ёки мен милицияга бораман.

У қўлини силтади.

— Бу ўнинчи даражали масала! Муҳими — моҳият. Менинг одамларим онгига сифат сакраши юз берди. Илгари улар ўғирлик қилишса йирик-йирик ўмаришарди — заводда ҳам, унинг ташқарисида ҳам. Эҳ-ҳе, улар нималарни ўғирлашмади.

— Сиз қараб туравердингизми? — ғазабландим мен.

— Нега энди? Мен ишонтириш ва тушунтириш усулидан фойдаландим. Менга қийин бўлган. Мана менинг усулим биринчи мевасиини берди — болтача! Тушуняпсизми? Улар майдада ўғирликка ўтишни бошлашибди! Улар дозани камайтиришяпти! Агар

бу яхши жараён давом этса, бир неча йиллардан кейин улар ўзларининг аҳмоқона хислатларидан бутунлай қутилиб кетадилар. Болтача — янги босқичнинг бошланиши.

Шу маҳал телефон жиринглаб қолди. Директор шошиб стол ёнига бориб труккани олди:

— Алло!.. Ҳа... Нима?! Цехдан ҳамма жиҳозларни ташиб кетишибди? Кўтарма кранни ҳам — а?.. Ахир, қандай қилиб?..

Э-э, дарвозани бузишибдими?.. Болта билан Тушунарли.

Директор труккани қўйди, креслога чўкиб, бошини чангллади. Унинг кўзларида умидсизлик ва алам қотиб қолган эди.

— Ҳа,— деди у,— болтача — бу чиндан ҳам янги босқичнинг бошланиши.

Э. ДВОРКИН

## ЎЙЛОВЧИ ФУТБОЛЧИЛАР

— Футболчи майдонда, албатта, ўйланиши шарт, — деб тайинлади ~~жамоа~~ мураббийси ўйинчиларни майдонга туширип олдидан.

Улар ўйин майдонига чиқишиди.

Дарвозабон дарров торлик қилиб қолаётган икки хонали хонадонини уч хоналигига айлантириш йўлларини ўйлай бошлади.

Ҳимоячилар бутун ўйин давомида «Волга»ларига янги балонни қандай қилиб ундириш тўғрисида ўйлар билан банд бўлишиди.

Ярим ҳимоячилар ишқибозлар орасида уларни кузатиб ўтирган маъшуқалари ҳақида ширин ўйларга берилишиди.

Хужумчилар бўлса, қачон ўйин тугаркин-а, кечаги майшатбозликлардан кейин майдонда йиқилиб қолмасак бўлди-да, ишқилиб, деб ўйланишиди.

Жамоа мураббийси эса майдон четидаги ўриндиқда спорт кўмитасида бу гал қандай жавоб бераркинман, деб ўйланиб ўтиради.

## ЁЗИЛМАГАН АСАРДАН ПАРЧАЛАР

- ♦ Эҳтиёткор муҳаррир! Ҳатто кўпайтириш жадвалини ҳам мунозара тарзида чоп эттиради.
- ♦ Ҳамма тўтиқушлар ҳам гапирувчи бўлавермайди. Ёзадиганлари ҳам бор.
- ♦ Пъеса шов-шувларга сабаб бўлди. Чунки унинг барча кўринишларида отишмалар бўлиб турди.
- ♦ Китоб жавонини ёпишни унудиши: натижада пашшалар адабиётда из қолдирисди.
- ♦ Шифокоргага бошқа бирорнинг рентген тасвирини кўрсатиб ўзида ҳеч қандай касаллик топишолмаганидан хурсанд бўлди.
- ♦ Ёзги театрда энг катта томоша у ерда ёнғин чиққан куни бўлди.
- ♦ Ҳаётда ҳам худди поезддагидек: қаттиқ ўриндиқлар юмшоқларидан кўпроқ.
- ♦ Баҳорда ҳатто этикнинг бир пойи иккинчи пойининг қулоғига ёқимли шивирлармиш.
- ♦ Бой оёғини эҳтиёт қиласди, камбағал пойафзалини.
- ♦ У шуҳратни келажак авлодлардан, қалам ҳақини эса замондошларидан кутарди.
- ♦ У аллақачондан ўзини машҳур ёзувчи деб ҳисоблайди. Факат бу ҳақда ҳеч ким билмагани чатоқ-да.
- ♦ Унинг романларида сув, таржимаи ҳолида эса спирт кўп ўринни эгаллайди.
- ♦ Ҳаёт ҳақида ва пул ҳақида улар тугаётганида ўйлай бошлишади.
- ♦ Китобдан ҳеч ажралгиси келмайди. Кутубхонадан олади ва қайтармайди.
- ♦ У ён қўшниларидан бошқа бутун инсониятни севарди.
- ♦ Маънавий озиқнинг ҳам тузи меъёрида бўлгачи яхши.

## ИКИР-ФИКРЛАР

- Ким битта тошга икки марта қоқилса, учинчи марта ҳам қоқилади.
- Батартиб турмуш учун курашиб, ўз уйида шикоят дафтари юритишни йўлга қўйди.
  - Агар дунёни ағдар-тўнтар қилмоқчи бўлсанг, бунинг йўли осон: оғингни осмонга қилиб, бошинг билан турсанг етади.
  - Ўрмондаги зълон: цирқда ишлаш учун олим айиқ керак.
  - Кўк ранг тинчлантиради: масалан, кўз остидаги кўкариш...
  - Тушлар нафақат умрни, балки иш вақтини ҳам қисқартиради.
  - Ернинг тортиш кучи ҳамма жойда бир текисда эмас: мансаб оромкурсиларида у сезиларли даражада кучлироқ.
  - Агар ўзингизда китобни очишга етгулик куч тополмаётган бўлсантиз, бемалол оғир атлетика билан шуғуллансангиз бўлади.
  - Бўйдоқликнинг барча ҳузур-ҳаловатини ҳис қилиш учун..: уйланиш керак.
  - Санъат қурбонлар талаб қиласди, аммо қурбонлар ҳамма вақт ҳам спектаклга келавермайди.
  - Фариштадек яшаш учун шайтондек ишлаш керак.
  - Ўқиши бослаш ҳеч қачон кеч эмас, ҳатто олий ўқув юртини битиргандан кейин ҳам.
  - Эълон: ҳаммуаллифлар гуруҳига муаллиф керак
  - Ичишни ташлашнинг ўзи озлик қиласди, соғлом фикрлашни ҳам ўрганиш лозим.
  - Китоб жавонига «дағн қилинган» китобни дунё юзини кўрди деб ҳисоблам мумкинми?
  - Хотини уни катта одам деб ҳисоблайди! Сотиб олиб берган кийимлари ҳамиша каттароқ келади.
  - Пулни нариги дунёга олиб кетиб бўлмайди, аммо пул билан ортирилган шуҳратни олиб кетиш мумкин.
  - Столнинг фикри: оёқлар ва кенг елка бўлса бўлди, бош ҳамма вақт топилади.
  - — Эҳ! Менинг ҳаётимга ҳеч ким аралашмагандами! Нималарга қодир эканлигимни кўрсатиб қўярдим! — деди ҳамир.
  - Яхши эшигиги қобилияти нафақат мусикчиларга, балки жамоатчиликнинг фикрини билити лозим бўлган одамларга ҳам керак.

- Шұхратпарат зди... жисмоний машқлардан фақат юқорига тортилишнигина бажаарди...
- Ноғоранинг асосий афзаллиги — ичи бүшлигидир.
- Ишлаётгандарга қамроқ ҳалал бериш ишлаб чиқаришни ўстиришнинг катта захирасидир.
- Бир күз қисиши билан битадиган ишлар бор, аммо кимга күз қисишини билиш керак-да...
- Күллар ва оёқлар тезроқ бойиб кетишини истаб қолишиганда, бошни құмматроқ баҳода сотишига ҳаракат қилишади.
- Олтіндан ясалған балиқ, Олтин балиқ бўлолмайди.
- Ўзинг ўтирган шохни кесишнинг нима кераги бор? Пишавер — ўзлари қоқиб туширишади.
- Бутун ҳаётида қийишик ойнага қараб келган одам тўғри ойнада ўзини таний оладими?
- Одам ҳамма нарсага қодир! Фақат одам бўлиш қийин.
- Миқдор сифатта айланади, аммо юқоридан кўрсатма бўйича...
- Қандай бой тил!.. У билан ҳар қандай миқдордаги пулни ифодалаш мумкин.
- Агар қўллар қисқа бўлса, унда муваффақият оёқларнинг узунилигига боғлиқ бўлади.
- Кенг ҳалқ истеъмоли моллари фабрикаси пародия жаңрида фаолият кўрсатарди...
- Учар ликопчани чўчитиб юбормаслик учун унга қошиқ кўтариб югуриб бормаслик керак...
- Қора кунга деб ўғирланган нарса ўша кунни яқинлаштиради.
- Модданинг оғирлиги ўлчанаётган жойга эмас, ким ўлчаётганига боғлиқ.
- Айрим одамлар қаерга йиқилиши мумкинлигини билишади ва оромкурси ҳозирлаб қўяди.
- Эшакнинг фахрланиш учун асоси бор – уни тез-тез одам билан тенглаштириб туришади.
- Кўз, қош, бурун — миллий ўзига хосликларга ... оғиз эса байнамилал характерга эга.
- Бўри ҳам қўйларни яхши кўради, аммо ўзига хос тарзда...
- Ёзганлари шунчалар хом эдики, фижимлаб ўчоққа солганда ҳам ёнмади.
- Одамларни бир-биридан масофа эмас, фикрлар узоқлаштиради.
- Қўл меҳнати ҳамиша қадрланади. Масалан, қўнғироқ тугмачасини боса билиш

## МУНДАРИЖА

С.Сиёев. Дөвөн ошаётган адид .....	3
<b>Хикоялар</b>	
Гаров .....	5
Үн учинчи жабха .....	8
Қайта ишлаш .....	10
Түя .....	12
Тушунгандык йигит .....	15
<b>Хажвиялар</b>	
Эсим қурсин .....	19
Анқов экан .....	20
Үчириб ташланглар .....	22
Шалпангқулоқлар .....	23
Қани, олдик .....	24
Халқа .....	25
Түқайга ўт кетса .....	26
Собиқ котиба .....	27
Номталаш .....	28
Амриқолик қўшилиларим .....	32
Муҳокама .....	35
Хавфли одам .....	37
Яшавор, раис .....	38
СПИДнинг давоси .....	39
Кар қулоққа танбур .....	41

Илқом париси билан суҳбат .....	42
Фаройиб нусхалар .....	45
Ота-оналар йигилиши .....	46
Алмаштириш .....	47
Қүёш қайси тарафдан чиқади .....	49
Дунёда гаплар кўп .....	50
Тушунган одам .....	51
Шамол қаёқдан эсса .....	51
Шиор .....	52
Митти ҳажвлар .....	53
Ҳаётий ҳангомалар .....	67
Фаройиб хабарлар .....	74
Кўндалант саволлар .....	81
Қайроқи гаплар .....	82

### **Таржималар**

Иккинчи бош (Герберт Кемоклидзе) .....	84
Яхшилик (Феликс Кацдел) .....	87
Қўшним (Эдуард Успенский) .....	88
Қора костюм (Борис Ричков) .....	88
Лекини бор (Михаил Жванецкий) .....	90
Тери (Лион Измайлов) .....	90
Болтача (Андраш Карти, Ференц Шайдик) .....	93
Ўйловчи футболчилар (Э. Дворкин) .....	94
Ёзилмаган асардан парчалар (Әмил Кроткий) .....	95
Икир-фикрлар (Виктор Томилов) .....	96

Адабий-бадиий нашр

Ҳабиб СИДДИҚ

**БЕДАВО ДАРДНИНГ ДАВОСИ**

*Ҳикоялар, ҳажсиялар, ҳанғомалар*

*Мұхтаррир Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ*

*Мусаввир Абдуғаффор МАМАТОВ*

*Тех. мұхтаррир Вера ДЕМЧЕНКО*

*Мусақхұҳ Мақсуда ХУДОЁРОВА*

*Компьютерда сақиғаловчи Екатерина НАЗАРОВА*

ИБ № 3923

Босишга 4.06.2004й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 3,125. Шартли босма тобоги 5,25.

Адади 1000 нұсқа. Бағоси келишилган нархда.

Буюртма № 134.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказыда тайёрланған.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасыда босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.